

КИМ У ЖУНГ

**БИЗНЕСНИНГ
БУЮК
ОЛАМИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

**КИМ У ЖУНГНИ
“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

*Корея билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳам-
жиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли
ҳиссаси ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги иқти-
содий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлашти-
ришдаги катта хизматлари учун “ДЭУ” гуруҳининг
раиси Ким У Жунг “Дўстлик” ордени билан муко-
фотлансин.*

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль*

МУҚАДДИМА

Ёшлар билан суҳбатлашсам, икки томондан хурсанд бўламан.

*Биринчидан, улар билан мулоқот менга янги куч бағиш-
лайди, фикрни янгилайди, иккинчидан, улар билан ўз ҳаётий
тажрибаларим билан ўртоқлашаман. Айнан, шунинг учун
ёшлар билан суҳбатлашишни ёқтираман.*

*Ёшликда ўзим ҳам катталар билан гаплашишни яхши
кўрар эдим. Улар билан бўлган суҳбатларда йиллар мобайни-
да тўплаган бой тажрибалардан сабоқлар олар эдим. Ушбу
сабоқлар ҳануз хотирамда, ҳалигача уларга амал қилиб ке-
ламан.*

*Аслида, ҳаётда машғал бўлиб қолган сўзлар жуда содда,
шунинг учун уларнинг бош маъносини, маъзини топиш осон
эмас. Катта авлод шу маънони қанчалик чуқур англаса,
ҳозирги ёшларни шу нарса шунча кам қизиқтиради. Агарда
мен катталар билан бўлган суҳбатлардан чиқарган сабоқ-
ларимга амал қилмаганимда, ўз ҳаётимда жуда кўплаб ха-
толарга йўл қўйган бўлар эдим.*

*Мени бугун бир нарса ташвишлантиради: ҳозирги ёшлар
катталарнинг маслаҳатларига қанчалик амал қиларкан? Шу-
нингдек, бизнинг маорифимиз тургун формаларга боғланиб
қолган ва давр талабларига жавоб бермайди. Мактаб таъ-
лими ижтисозга учраган, у фақат университетларга кириш
имтиҳонларига тайёрлаш билан банд бўлиб, оила ва жамо-
ат тарбиясини йўққа чиқарган. Бугунги кунда ижодий фикр-
ловчи ёшларни тайёрловчи ўқув юртларини топиш қийин.*

*Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонларнинг ёш авлод
билан ўз тажрибаларини алмашмаганлиги — ачинарли ҳол-
дир. Маданият ривожланиши баробарида дунёда кўплаб ки-
тоблар ва доно фикрлар вужудга келган, аммо ёш авлодга
ўзининг бебаҳо тажрибаларини берадиган инсонлар унчалик*

кўп эмас. Менинг азалий орзуим — бутун умрим давомида орттирган, бошимдан кечирган барча тажрибаларимни умумлаштириб, ўз орзулари, умидларига ишонган, келажаги порлоқ ёшларга етказишдир.

Аммо, агарда уларга вақт ажратилмаса, орзулар — орзулигича қолаверади. Шу гал Окпхо¹га келганимда ҳам “ДЭУ”нинг цехлари ва майдончаларида кечаю-кундуз банд бўлдим. Меҳмонхонага қайтгач, қолган ишларимни давом эттирдиман, лекин ўз навбатида ўз фикрларимни оз-оздан ёзиб боришга ҳаракат қиламан.

Бошқа вақтларда, менинг вақтим шунга ҳам етмайди, аммо ҳозир бу ерда, Окпхода имконият туғилганда фойдаланиб қолиш зарур. Ва, ниҳоят йиллар давомида туپланиб борган тажрибаларимни бир аниқ, қатъий тартибга келтирдим.

Фикрларимни бир қаторга садафдек тизиб чиқдим. Окпхо бўғозининг ойдин кечасида тонг отгунча ёзиб чиқардим. Менинг китобим, бу — ҳаёт ҳақидаги ўйлар, умр бўйи йилган тажрибалар бўлиб, уни келажак авлодга етказмоқчиман. Мен — бизнес олами кишиси бўлганим учун, ҳикоям тадбиркорлик фаолиятимдан ва хотираларимдан олган сабақларимдан иборат.

Ёшлар фақат янгиликка интилишлари даркор. Улар келажакни ишонч билан қарши олишлари ва, авваламбор, ижтимоий категорияларга оид, “биз”, “бизники” тушунчаларига кўра, фикрлашни ўрганишлари керак. Фақат ўшандagina эртанги куннинг масъулиятини ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Менинг асосий фикрим ҳам ана шу.

Эртанги кун, келажакимиз ёшлар қўлидадир. Келажак жамият қандай бўлиши ҳам бевосита ҳаётга мустақил қадам қўйган ёш авлодларга боғлиқ. Балки, баъзи ёшларимизга фикрларим эскича туюлар. Аммо, барибир, менинг маслаҳатларим фойдали бўлишига ишончим комил.

Келажакимиз учун масъул бўлган ёшларга бағишлаб китоб ёзганимдан гоаят бахтиёрман. Мен ёшларга доимо ҳаётга муҳаббат қўйиб ва ўзига ишониб яшаиларини тилаб қоламан.

КИМ У ЖУНГ
Окпхо, 1989 йил май

¹ Окпхо — порт шахри (бу ерда ва бошқа ўринларда изоҳлар таржимонники)

I

Тарих — орзумандларникидир

Менинг ўқувчилик йилларим камбағалликда кечган. Ўша даврда фақат менгина эмас, балки аҳолининг катта қисми камбағал эди. У вақтлардаги ялпи миллий маҳсулотимиз аҳоли жон бошига 50 доллардан ҳам ошмас эди. Агар буни ЯММ аҳоли жон бошига 5 минг долларга яқинлашиб қолган бугунги кун билан солиштирсак, ўшанда ҳаётимиз нақадар ночор бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Албатта, ҳозир ҳам камбағаллар йўқ эмас, лекин у пайтда одамлар ўта қашшоқ кун кечирарди.

Биз, ўша вақтда Дянчхон қишлоғида яшардик ва Синчхондаги мактабга пиёда боришга тўғри келарди. Йўл жуда узоқ, чўнтагим эса доим қуруқ эди. Мен орзу билан яшар, мактаб кутубхонасида узоқ қолиб кетар, уйга эса, йўл-йўлакай оқшомги-тунги осмондан завқланганча қайтардим. Ва ҳар сафар кичкинагина юрагим қандайдир ўзим тушунмайдиган қувонч билан тўлиб-тошарди.

Мен бутун дунёни қучишга тайёр эдим. Назаримда, у фақат менга тегишлидек. Наздимда, мен ҳамма нарсани қилишга қодирдек, бажариб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқдек туюлар эди.

Бизни камбағаллик тарқ этмас, аммо бу нарса бардамлигимга раҳна сололмасди. Чунки, менинг тилсимим, умидларим юлдузи бўлмиш бебаҳо ёшлигим ўзим билан бирга эди-да! Мен ҳеч қачон тушкунликка тушмаганман ва бунга ҳеч қандай важ ҳам бўлмаган.

Ёшликда орзудан қимматлироқ нарса бўлмайди. Сен, моддий жиҳатдан қанчалик камбағал бўлсанг ҳам, агар улкан орзулар билан яшасанг, билгинки, сен ҳеч камбағал эмассан. Аксинча, орзуларинг нечоғли буюк бўлса,

сен шунчалик бадавлатсан. Сенда ҳеч нарса бўлмаса ҳам қалбингни тўлдириб турган орзуинг бор. Ҳаётда ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ҳасад қилмайдиган давр бўлади, бу ҳам бўлса, ёшлик давридир.

Тарих — орзуманд кишиларга тегишли.

Орзу, бу — ҳаракатга келтирувчи куч. Бу куч ҳаётни ўзгартиради, дунёни қайта куради. Орзу қиладиган — одамлар, уни амалга оширадиган — жамият, орзу билан қуршалган миллатгина дунё тарихида қаҳрамон бўла олиши мумкин. Дунёни ҳаракатга келтирувчи одамлар орасида ёшлигида орзу қилмаган инсон топилармикан? Ёшлар руҳиятига орзу ва умид уруғларини эка билмаган ҳеч қайси мамлакат жаҳонда кучли, етакчи мамлакат бўлолмайди. АҚШнинг тарихи жуда қисқа — 200 йил, холос. Лекин улар бутун дунё тарихи йўналишини белгилаб беради. Ва биз яхши биламизки, миллат қалбига буюк орзуларни жо қилувчи кашшофлик руҳи бу ҳаракатлангирувчи кучнинг манбаидир.

Ёшлар — орзуларга чулганган авлод. Ёшлик орзулар билан гўзал, ёшлар бизга орзу қила билиши билан қимматли. Орзу қилишни билмаган ёш — ёш эмас. Ахир, ёшликнинг моҳияти унда мужассам. Агар сен ёш бўлсанг, ўз орзуингга садоқатли бўлгин.

Ҳозирги ёш авлод келажак ҳақида орзу қилмай қўйди, дейишади. Яна айтишадики, ёш авлоднинг орзулари бир ёқламалик билан қамралган. Лекин умид қиламанки, бу бўлмағур гап. Агар ёшлар орасида биронта шунақаси топилса, бу — ўзи учун ҳам, мамлакат келажаги учун ҳам жуда ачинарлидир.

Баъзан орзулар инсоннинг ҳаёт йўлини белгилаб беради: инсон феъл-атворининг шаклланишига, касб танлашигача, ҳаттоки, тақдирини ҳал қилишига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан, орзуларни кема рулига қиёслаш мумкин. Рул ўзи кичкина, сув остида бўлганидан кўзга кўринмаса-да, кеманинг йўналишини фақат у белгилайди. Шунинг учун орзусиз кишини рулсиз кемага ўхшатадилар. Рулсиз кемани кўз олдингизга бир келтиринг. У йўналишдан адашади ва саёзликка тикилиб қолади. Одам ҳам шундай: ҳаётда мақсадсиз тентираб юриб, охири боши берк кўчага кириб қолади.

Орзуи амалга ошмаган инсоннинг ҳаёти худди орзусиз кишиникидек бемаъни ва беҳуда кечади. Ўз шахсий манфаатинигина ўйлаб яшаган инсоннинг ҳаёти ҳам эр-

тами-кечми орзусиз кишиникига ўхшаб қолиши муқаррар. Бундай инсон ёшликнинг бойликларидан бахраманд бўла олмайди.

Сизнинг орзуингиз борми? Агар бўлса, у қандай? Сиз ёзув столида орзу қиласизми ёки у сизнинг хаёлингизда аста-секин юзага келадими? Нима ҳақда орзу қиласиз? Илойим, орзуингиз тезроқ юзага чиқишини тилайман. Ахир орзу, бу-рул. Ва фақат орзуингиз сизнинг ҳаёт келамангизни бошқарсин.

Мен беш нафар ҳамфикрларим билан 5 миллион вон¹-га эга бўлган ҳолда фирма очганимда жуда катта ниятларим бор эди. Орзуим — жамиятга ўзимнинг тадбиркорлик фаолиятим билан кўмак бериш эди. Мен бир эски бинони ижарага олиб идора очдим. Шундай қилиб, орзуларим кемаси сузишга тушди. Орзуим мен учун бутун борлиқдан ҳам буюкроқ эди.

Аста-секин орзуим амалга оша бошлади. Фирма куч тўплай борди. Орадан 10 йил ўтди. Мен мамлакатда энг катта бўлган иморат қурдим. Ҳозир бу бино “ДЭУ” корпорациясининг Марказидир. У Сеул темир йўл вокзалининг қаршисида жойлашган. Марказни кўргач, аввалига анча афеусландим. Ўйлаб қолдим: агар завод қуриб, маҳсулот чиқарганимда эди, бу билан мен мамлакат иқтисодининг ривожланишига катта ҳисса қўшган бўлардим. Мени капитални кўчмас мулкка сарфлаб, уни туриб қолишида айблашгандек кўринди.

Лекин бу фикрни хаёлимдан чиқариб ташладим ва мени янги орзу қамраб олди. “ДЭУ” фирмасини кенгайтиришга, бинога эса фирма хизматчиларини жойлаштиришга қарор қилдим. Ўша пайтда буни амалга оширишнинг иложи йўқдек эди. Бироқ орадан беш йил ўтмасданоқ бу орзуим ҳам ушалди. Ҳозир “ДЭУ” оиласи 100 мингдан ортиқ кишини ташкил қилади. Шунча одамни жойлаштириш учун эса “ДЭУ” Марказидек бинодан учтасини қуриш керак.

Ҳозир менинг яна битта орзуим: тириклигимдаёқ дунёда энг олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. “ДЭУ” фирмасининг ривожланиши мобайнида кўп марталаб жаҳон рекордини ўрнатганман. “ДЭУ” кемасозлик корхонасининг доки дунёда энг катта докдир. Пусондаги тайёр ва ички кийимлар ишлаб чиқара-

¹ Корея пул бирлиги.

диган фабрика дунёдаги энг катта фабрикадир. Тола сотиш ҳажми бўйича ҳам жаҳон рекорди ўрнатилди. Бироқ, ҳали кўп нарсага эришганимиз йўқ. Биз маҳсулот сифати бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқишимиз даркор.

Мана, менинг орзуим. Нима ишлаб чиқаришимнинг эса аҳамияти йўқ. Лекин мен бутун дунё тан оладиган маҳсулот ишлаб чиқармоқчиман. Худди “Паркер” авто-ручкаси ёки “Никон” фотоаппарати ўз яратувчилари номини боқий қилганидек Ким У Жунг номини асрлар оша абадий қилувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ният қиламан. Албатта, бундай орзуни бирданига ҳаётга татбиқ этиш қийин. Муносиб ворислар тарбиялаб, “ДЭУ” компаниясини улар қўлига топширсамгина бунинг иложи бўлади.

Аmmo менинг жуда муҳим ва катта орзуим — Ким У Жунг номи кишилар хотирасида эъзозли бизнесмен сифатида қолишини истайман. Мен ҳақимда бой ёки катта пул топиш йўлини биладиган одам деб гапиришларини хоҳламайман.

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳеч қачон ҳурматга сазовор бўлишмаган. Аксинча, уларни айблашга, улардан иложи борича ўзларини узоқроқ туттишга ҳаракат қилишган. Албатта, бунинг қатор сабаблари бор: бунга бизнинг жамиятимизда чуқур илдиз отган конфуцийча¹ анъаналар; бунга орқа-олдига қарамай, фақат шахсий бойлиги хусусида қайғурувчи баъзи бизнесменлар (албатта, маълум даражада) айбдорлар. Ўзимга-ўзим савол бераман: бизнесменларнинг олимлар ёки санъат кишилари синга-ри ҳурматга сазовор бўлмасликлари адолатданми?

Мени бадавлат одам эмас, балки таниқли бизнесмен деб эслашларини хоҳлардим. Ахир, бизнесменлар ҳам ҳурматга арзигулик жамият қурадилар-ку! Мана шу орзуим йўлида бугун тинимсиз меҳнат қилмоқдаман.

Шундай қилиб, орзу қилиясизми? Нима ҳақда? Орзу қилмаган инсон бўлмайди. Ёшлиқ шуниси билан гўзалки, бу — орзу-ниятлар даври. Тарих орзумандларники!

Оптимист бўлмоқ зарур

Сиз неқбинмисиз ёки бадбинми? Умуман, одамларни бундай икки тоифага бўлишдан ёмони йўқ. Модомики, дунё қатъий равишда умидворлар ва умидсизларга бўлин-

¹ Конфуций таълими жамиятни олимлар, деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарлар ижтимоий гуруҳига ажратди.

гудек бўлса, у ҳолда мен неқбинман. Камина ҳаётимда неча марта қийинчиликларга дуч келган бўлсам-да, умидворлик мени ҳеч қачон тарк этмаган.

Мен самолётда кўп учганман: мажбурий қўнишлар, учиб вақтида самолётда ёнғин чиқиш ҳоллари ҳам рўй берган. Уша пайтларда ҳам ўлим тўғрисида ҳеч ўйламаганман, чунки мен оптимистман.

Бизнес, маълум маънода, иссиққина жой учун аёвсиз курашдир. Ишингиз қанчалик йирик бўлса, шунчалик кўп курашишга ва товон тўлашга тўғри келади. Ва агар, тадбиркор тушкунликка тушса, сўнг ўзини тиклай олмайди.

Менда заиф корхоналарни тиклаш борасида мислсиз бой тажриба бор. Заиф корхона — бу, одатда тақдир хукмига ташлаб қўйилган корхона. Улардан аввалги раҳбарлари ҳам, кредит берган банк ҳам воз кечадилар. Ўз иқтисодий сиёсатида улар учун жой тополмаган ҳукумат ҳам уларни кулфатда қолдиришга мажбур бўлади. Рад этиш — бу, пессимизм.

Агар, мана шундай ташлаб қўйилган корхона қўлимга тушиб қолса, қисқа вақт ичида рисоладагидек ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, чўкиб қолган корхонадан фойда келтирувчи корхонага айлантираман.

Чет эл публицистларини худди мана шу савол қизиқтиради. Бунга менда аниқ жавоб бор: кучсиз корхонадан воз кечувчилар фақат иложсизликни кўрадилар, мен эса имконият қидираман.

Ҳозир ҳам ўз фирмам билан янги ишни бошласам ёки янги мамлакат билан савдо-сотиқ юргизмоқчи бўлсам, эҳтиёткор одамлар кўплаб топилади. Биз Хитойда ҳолодильник заводи қурганимизда, хайрихоҳлардан кўра қаршилар кўпроқ эди. Венгрияда меҳмонхона қурилишини бошлаганда ва Москвага совет бозорини очиш учун борганимизда ҳам шундай ҳол юз берган эди. Модомики, фирма ичида, ходимлар ўртасида шундай вазият юзга келган экан, бошқаларни гапирмаса ҳам бўлади. Банклар ҳам, ҳукумат ҳам мен бошлаган ишлардан хавотирга тушишган эди.

Менинг янги ишларим инқироз билан тугаши тўғрисида (рақобатчилар тарқатган хабар) анчайин миш-мишлар юрарди. Японияда шунақа тўсиқлар бўлди. Уларнинг айтишича, гўёки, мен ҳукумат ғазабига учраб, Хитойда қисди-қафасга тушиб қолган эмишман ва шунинг учун

ҳам Хитойга боришимда қийинчиликлар юзага келган ёмиш ва ҳоказолар.

Лекин буларнинг биронтаси мени ранжита олмади. Ҳисоб-китобларим ҳамда ўзим ишонган ва мумкин бўлган нарсалардан келиб чиқиб иш тутардим. Мана шу имкониятларни амалга ошириш учун эса муваффақият калити бўла оладиган унсурни танлаб олардим.

Ҳар қандай ишнинг муҳим таркибий қисми — одамлар, пул ва машиналардир. Буларнинг ҳаммасини бошқариш техникаси, бошқариш илми билан бириктириш — ишни бошлаш демакдир. Мабодо одамда биринчи ўринда “агар ҳеч нарса қила олмасам нима бўлади?”, “инқирозга учрасам ҳолим не кечади?” деган иккиланишлар бўлса — у ҳеч қачон катта бизнесмен бўла олмайди. Бизнесмен энг кичик имкониятдан ҳам фойдаланиши керак. Бизнеснинг моҳияти $1+1=2$ каби қўшиш арифметикаси эмас. Бизнес — бирни ўн, ўнни эса юз қиладиган ажойиб, чексиз имкониятлар дунёси.

Ўн йил илгари Шимолий Африкада, Суданда мен автомобиль шиналари ишлаб чиқарадиган завод қурган эдим. Бу Жанубий Кореянинг чет элдаги биринчи заводи эди. Бизнеснинг фирмамизда бундай ишлаб чиқариш тажрибаси ҳали йўқ эди. Шунинг учун ҳам озмунча шубҳаларга қулоқ тутишга тўғри келди. Лекин ҳисоб-китобларим имкониятларимга асосланган эди.

Шиналарга талаб катта бўлишига қарамай, Суданда бирорта ҳам шина заводи йўқ эди. Шунинг учун ҳам Судан ўз эҳтиёжлари учун қимматбаҳо автопокришкарларни четдан сотиб оларди. Боз устига, бу мамлакат ҳудудининг 80 фоиздан ортигини чўллар ташкил қилади. Шаҳарларни катта масофалар ажратиб туради. Улар орасидаги алоқалар автотранспорт орқали амалга оширилади. Бунинг устига, АҚШ ишбилармонларидан Суданнинг жанубида катта нефть захиралари очилганлиги тўғрисида ишончли маълумот олдим.

Мен ўзимча, нефть захиралари ўзлаштирилса, албатта, мамлакат иқтисодиёти кенгаяди, бу эса ўз навбатида, автотранспорт паркиннинг кўпайишига олиб келади, деб ўйладим. Ҳар битта машина учун эса, қўшимча беш дона покришка талаб қилинади. Маълумки, тропик чўллар шароитида шиналар мўътадил кенгликларга қараганда анча тезроқ ейилади.

Ўз ҳисоб-китобларимни бозор имкониятидан келиб чиқиб тузгач, ҳаёт ҳақлигимни исботлади. Мен қурган завод нафақат тўла қувват, балки, ҳатто зўриқиш билан ишлади. Ўтган йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажми узлуксиз ошиб борди. Суданликлар ҳатто автопокришкарларимизни сотиб олиш учун олдиндан пул тўлашар эди.

Демак, ҳамма нарсага умидворлик назари билан қараш ва фикр юритиш керак. Ҳар қандай ишнинг боши оптимизм бўлмоғи лозим. Кореянинг келажаги ҳақида ҳам мен оптимистман. Кореянинг ҳозирги билан ўтмишини солиштирсам, мамлакат ҳозирги даврда кун сайин эмас, соат сайин ўсаяпти, деган хулосага келаман. Бизнеснинг ўрни мизни эгаллайдиган ёшларга боққанимда, уларнинг биздан-да чиройлироқ, биздан-да гўзалроқ эканлиги кўзни қувонтиради.

Бу, аввало, уларнинг ташқи кўриниши. Болалик давримизда умуман ёмон овқатланардик. Бу — биринчидан. Иккинчидан, столларда эмас, балки ондол¹да ўтириб ўқирдик. Балки, шундандир бизнинг авлодимиз, кўп ҳолларда паст бўйлидир. Менинг студентлик йилларимда 1 м 80 см бўй энг новча, 1 м 60 см эса ўртача ҳисобланар эди. Ҳозирги ёшларнинг бўйи эса, бизга қараганда, ўртача 10 см га узун. Фақат бўйлари узунгина эмас, балки ўзлари ҳам салобатлироқ кўринадилар. Мактаб формаси бекор қилинган, ташқи кўринишига қараб юқори синф ўқувчиларини катталардан фарқлаш қийин бўлиб қолди.

Ҳозирги ривожланиш даражасидаги давлатни очлик ва қашшоқликда ўсган бизнинг авлодимиз қурди. Эндиликда, яхши шароитда ўсиб-улғайган ёшлар давлат ишларини ўзларининг кучли елкаларига олсалар, жамиятимиз гуллаб-яшнайдди, жадал ривожланади. Бунда мен катта имкониятларни кўраман ва ўзимга куч-қувват оламан.

Лекин, имкониятларни амалга ошириш осон иш эмас. Аввало, ҳар қандай шакл каби инсон қиёфаси ҳам унинг ички дунёсига мос бўлмоғи, яъни узун бўй — собитқадамликни, салобат — кенг феълликни англамоғи лозим.

Инсоннинг қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам ўз мақомига етиши учун у ўз фалсафасини ишлаб чиқмоғи шарт. Фалсафани анчайин мураккаб нарса деб ҳисоблашади. Бироқ, мен назарда тутаётган ҳаёт фалсафаси унчалик мураккаб эмас. Ҳар қандай ишга ўзни бутунлай бағишла-

¹ Ондолъ — иситиладиган пол.

моқ лозим ва бу, жамият тараққиётига ёрдам бера олса, қойилмақом иш бўлади.

Масалан, ҳаёт билан ҳамоҳанг қадриятлар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш лозим. Даромад ва харажатларни таққослай билмоқ даркор. Сен, ўз Ватанингни севгучи фуқаро эканлигининг ёдда тутмоғинг керак. Агар шу ёдингда бўлса, сен ҳаётда камроқ хатоларга йўл қўясан.

Навқирон авлод — имкониятларга тўла мавжудот. Ёшликнинг ўзиёқ — имконият демакдир. Очилаётган бу имкониятга маҳлиё бўлмаслик учун ўз фалсафасига эга бўлмоқ лозим. Шу маънода мен — оптимистман. Лекин бизнинг бугунги маориф тизимимизни оладиган бўлсак, мен кўпроқ умидсизлар қаторига қўшилиб қоламан. Гап шундаки, Жанубий Корея ўқув юргларида дарслар имкон даражасида ўқитилади, лекин камолотга етган, ҳар томонлама етук шахсни тарбиялашга кам аҳамият берилади. Бунга қатор сабаблар бор: мактабларда асосан қабул имтиҳонларига тайёрлашади, оилаларда болаларни ўта авайлашади, кўп ҳолларда, лозим даражада ижтимоий мактабни ўтмаган баъзи кекса авлод вакиллари ёшларга бирор нарса бера олмайдилар.

Мен маориф соҳасида мутахассис эмасман. Мен — бизнесменман. Мактабни битириб фирмамда ишлаётган ёшлар билан ишлайман. Агар ишчи кучлар бозори тамойилларига амал қиладиган бўлсак, мактаб ва оила ишчилар билан “таъминлайди”, корхоналар эса уларни “истеъмол” қилади. Бунга истеъмолчи кўзи билан қаралганда, кўп нарса ташвиш уйғотади.

Аввало, улар ўта амалиётчи бўлиб, бир дақиқалик фойда кетидан қувадилар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам озгина нарса билан қаноатланадилар. Қийинчиликларни енгиш учун иродасини чиниқтириш ўрнига, осуда ҳаётни афзал кўрадилар. Иш танлашда ҳам худди шундай: маънавий қадриятлардан моддий манфаатларни устун қўядилар.

Сўнги пайтда фирмамизга ишга кираётганларнинг 80 фоиздан ортиғи, мутахассислигидан қатъи назар, ДЭУнинг қимматбаҳо қоғозлар операциялари билан шуғулланувчи, “ДЭУ секьюритиз” бўлимига киришга ҳаракат қилишади. Бундай компанияларда хизматчилар бошқаларга қараганда кўпроқ мукофот пули олишади. Гап шундаки, Кореяда кейинги йилларда қимматбаҳо қоғозлар бозори қизиб кетди, унда операциялар олиб борувчи компаниялар ўртасида кадрлар учун рақобат кучайди ва компания-

лар ўз ходимларига оширилган мукофот пуллари тўлай бошлади. Ваҳоланки, бу ҳолат вақтинчалик эди. Бир неча йил аввал Яқин Шарқда қурилиш бозори қизиган вақтда ҳамма ўзини қурилишга урди. Сал олдинроқ машинасозлик соҳасида ҳам худди шундай бўлган. Иқтисодиётда ҳам вазият ўзгариб туради. Агар кеча қайсидир соҳанинг бозори қизиган бўлса, бугун у касодга учраши мумкин. Капитал маблағлар ҳаракатида ҳам худди шундай бўлади. Бугун барча капитал бир соҳага йўналган бўлса, эртага бошқа соҳага ўтиб кетади. Шунинг учун ҳам, яқиндагина қишлагани кетадиган қушлар каби ўзини чет эл қурилишига урганлар ҳозирга келиб анча ҳовуридан тушиб қолдилар. Демакки, ҳар қандай фойдага ишониб, унга мукасидан кетавериш ярамайди. Кимки, келажакни ўйламай, фақат бугунги кун ташвиши билан яшаркан, у лангар ташлаган кеманинг ўзгинасидир. Доно одам қалбида келажакни ўйлаб юради ва уни яқинлаштиришга имкон берувчи ҳаётдаги ўз ўрнини танлайди.

Мени яна шу нарса ташвишлантирадики, бизда ҳали худбинлик касали ҳаддан ортиқдир. Агар бахиллик ҳаммага ҳукмронлик қиларкан, ҳар ким фақат ўз манфаати учун курашар экан, жамиятда тинчлик бузилади. Баъзи бир шахсларнинг телбаларча бахиллиги бутун жамиятни тартибсизликка олиб келади. Давлат бахиллиги эса урушга сабаб бўлади — тарих бунга кўп марталаб тасдиқлаган.

Мен бунга такрорлашдан чарчамайман. Бундан бир неча йил олдин ўқитувчилар ҳузурида маъруза қилганимда шу ҳақда гапирган эдим. Ҳозир ҳам ўшанда Корея ўқитувчиларига айтганларимни қайтаришни хоҳлайман:

“Биз ўтмишда эрталаб соат 6 дан тунги соат 12 гача ақдан озгудек ишлардик. Биз қаттиқ ишлаган эдик. Бизнинг куч-ғайратимиз туфайли бугунги турмуш даражасига эришдик. Лекин биз фақат мукофот учунгина ишламас эдик. Бизни ишда мукамалликка эришишга интилиш, ватанпарварлик ҳисси етаклаган эди. Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишни хоҳлардик. Агар бизнинг авлодимиз бахилликка берилганда, ўз шахсий манфаати учун қайғуриш билангина чегараланганда ва ялқовлик қилганда эди, бугун биз кўриб турган нарсаларимизнинг барчасига эриша олмаган бўлар эдик. Биз амалиётчи одамлар авлодимиз, ҳамма нарсада бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, ўз фалсафамизни ўзлаштириб олдик. Ва бу ҳаёт фалсафасини бизга ўқитувчиларимиз берган эдилар. Улар бизни яшашга ўргатдилар.”

Қарорни мен қабул қиламан

Кичкинагина фавворадан сув зарралари сочадиган Писс исмли болакай ҳайкалчаси билан машҳур бўлган Бельгияни ҳамма яхши билади. Бельгия Бенилюкс давлатларидан биридир. Аҳолининг ўта зичлиги ва худудининг кичиклигига қарамай, бу ибрат олса арзигулик, иқтисодий бақувват давлат. Унинг пойтахти Брюсселда Шимолий Атлантика Ҳарбий Иттифоқи (НАТО) ва Европа ҳамжамиятларининг штаб-квартиралари жойлашган.

Бельгиянинг шимолий-шарқдаги порт шаҳар Антверпен Европанинг энг йирик савдо марказларидан биридир. Бу Бельгиянинг иккинчи шаҳри, савдо-сотиқ маркази.

Антверпенда обидалар жуда кўп. У ерда бизнинг Гванчондагига қараганда анча катта бўлган ҳайвонот боғи, қадимий қалъада жойлашган уммон музейи, давлат расмлар галереяси бор. Машҳур рассом Рубенс шу ерда туғилган. Тарихи санъат ва табиат билан уйғунлашган бу порт шаҳарда бугун қизгин халқаро иқтисодий фаолият қўлоқ ёйган. Бу шаҳарни кеча, бугун ва келажак шаҳри дейиш мумкин. Мен буларнинг ҳаммасини шунчаки ҳикоя қилаётганим йўқ. Бу ерда орттирилган тажриба менга кўп нарса берди.

Антверпен билан биринчи танишувим бундан 5 йил муқаддам, 1984 йилда бўлган эди. Ўша пайтда шу шаҳардаги нефтни қайта ишловчи фирмадан унинг заводини сотиб олиш таклифини олдим. Бу таклиф мен учун қутилмаган воқеа эди. Шунинг учун ишни шундай йўсинда бошладим: биринчидан, ДЭУ нинг Лондон филиали раҳбарларидан бирига Лондон молия бозорига бу фирма қандай мавқега эга эканлигини имкон қадар обдон ўрганиш вазифасини топширдим. Иккинчидан, халқаро нефть бизнеси бўйича мутахассисимизни вазиятни ўз ўрнида таҳлил қилиш учун Антверпенга жўнатдим.

Маълум вақтдан сўнг натижалар кела бошлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фирмани завод маъмурияти билан ишчилар ўртасидаги зиддиятлар кемираётган, савдо ишлари аянчли аҳволда бўлгани учун завод катта зарар кўраётган экан. Шунинг учун фирма президенти бу заводдан қутулиш учун Япония, Германия ва Америкадаги машҳур фирмаларга заводни сотиб олишни таклиф қилган ва улардан рад жавобини олган. Бизнинг Лондондаги ваки-

лимизнинг маълумотларига кўра, фирманинг молиявий аҳволи ўта чигал эди.

Ваҳоланки, вазиятни жойида ўрганган вакилимизнинг фикри бошқача эди. Унинг ҳисоблашича, заводдаги ускуналарнинг эскирганлигига қарамай, унча мураккаб бўлмаган такомиллаштиришдан сўнг завод самарали ишлаши мумкин. Ишчилар билан суҳбатдан шуни аниқлабдики, компания президенти ишга қизиқишини йўқотган, бошқа раҳбарлар ҳам заводни синишдан қутқаришни эмас, уни тезроқ ёпишни ўйлашар экан.

Ҳал қилувчи қарорни мен қабул қилишим керак эди. Нима қилиш зарурлигини ҳал қилишда юқоридаги икки текширишнинг натижаларига таяндим.

Биринчидан, ускуналар бўйича вазият менга анчайин яхшироқдек туюлди. Ускуналарнинг эскилигига қарамай, завод кунига 65 минг баррель нефтни қайта ишлаш имконига эга эди. Бошқа томондан, фирма завод учун атиги 1,5 миллион доллар сўраган эди. Бу шундай қувватдаги янги завод қуриш учун керак бўлган маблағдан анчагина арзон эди.

Иккинчидан, корхона хизматчиларига келсак, мен шундай тўхтамга келдимки, маъмурият ва ишчилар ўртасидаги зиддият фирма президенти ва бошқа раҳбарларнинг ишга совуққонлик билан қараганликлари оқибатида келиб чиққан. Натижада оддий ишчи ва хизматчиларда ишга қизиқиш сўнган. Яна шундай хулосага келдимки, агар заводга ташаббускор, қобилиятли ташкилотчилар йўлланса, бу муаммони ҳал этиш мумкин. Бундан ташқари, илгари узоқ вақт ўзларини фирмага қарши қўйганлар агар янги ҳўжайин келса, у ишни янгича йўлга қўяди деб ўйлайдиган ходимлар ҳам топилади. “Ўшанда биз ғайрат билан ишлаймиз”. Бу — фирмани ички зиддиятлар туфайли ёпишдан кўра аълороқ. Бундай ўзгаришлар бекор кетмайди.

Шундай қилиб, ишни ялпи тарзда қандай қилиб юргизишга келсак, буларнинг ҳаммасини ўйлаб қўйгандим. Бизда нефть сотиб олиш бўйича Ливия ҳукумати билан аҳднома бор. У ерда биз йирик турар жой бинолари мажмуини қургандик. Ўша пайтда Ливия ҳукумати валюта масаласида қийналаётганлиги туфайли бизга нефть билан тўлашга қарор қилди. Табиийки, тайёр нефть маҳсулотларини сотиш нефть хом ашёсини сотишдан фойдалироқ. Тўғри, истеъмол бозоридан бензин, керосин ва ҳока-

золар доим ҳам яхши сотилавермайди. Лекин бозор юришмай қолса, хом нефтни сотиш мумкин ва аксинча, бозор юришиб кетса — тайёр маҳсулотни.

Бир қарорга келгач, мен зудлик билан ҳужжатларни расмийлаштиришга буйруқ бердим. Келгуси йилиёқ заводни бизнинг қўлимизга ўтказиш ишлари якунланди. Мен “ДЭУ”нинг энг яхши мутахассисларини танлаб олиб, Антверпенга жўнатдим. Фирма “Юниверсал” деган янги ном олди. “Юниверсал” — бу “юниверс” — “дунё”, “олам” деганидир. “ДЭУ” эса — “катта олам” деган маънони англатади, шундай қилиб янги ном “ДЭУ” номи билан жуда мос тушиб қолди. Буларнинг ҳаммаси қулай муҳитни юзага келтирди.

Орадан бир йил ўтмасдан “ДЭУ” ходимлари фаолиятининг натижалари кўзга яққол ташлана бошлади. Заводнинг аввалги ходимлари ҳам жипслашдилар ва ишлари анча яхшиланди. Чамамда, “ДЭУ” ходимларининг тиришқоқлиги уларга яхшигина ибрат бўлди. Ҳар йили зарар кўравериб синиш даражасига келиб қолган завод сотиб олганимизнинг дастлабки йилиёқ фойда келтира бошладди. Ишлар шу даражада жадал юришиб кетдики, бизга фирмани сотган аввалги президенти уни 5 баробар қимматига ўзига қайтариб сотишимизни сўради. Мана шу воқеадан сўнг чет элларда мени “синган корхоналарни қутқариш устаси” деб атайдиган бўлишди.

Антверпенда бўлиб ўтган ишлар тарихи менга бойлик ва шухрат келтиргани учунгина азиз эмас. Бунинг бошқа маъноси бор. Бу ўринда мен сизлар билан қарор қабул қилишда ҳамма нарсани ўз тошу тарозиси билан ўлчашни билиш ҳақида айтмоқчиман.

Ахир, жуда кўп фирмалар ҳам вазиятни баҳолаш, бўлажак “Юниверсал” фирмасининг нефтни қайта ишлаш заводи масаласини ечиш имкониятига эга эдилар-ку?

Англия, Германия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлар машҳур фирмаларининг ҳар бири заводни сотиб олиш тўғрисидаги таклифни олгач, ундаги вазиятни ўрганишга киришдилар. Аммо заводнинг ташқи кўринишини кўрибоқ ҳафсалалари пир бўлиб, сотиб олишдан бош тортдилар. Эҳтимол, заводнинг оғир молиявий аҳволдан чўчигандирлар?! Лекин бу узоқни кўра билмаслик эди. Ва бунинг натижасида улар мўмайгина пул ишлаш имкониятини қўлдан бой бердилар.

“Хан Кук Кигэ” (“Корея Республикаси машинасозлиги”) фирмасини сотиб олишда ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. “Хан Кук Кигэ” фирмаси япон оккупацияси даврида ташкил топган бўлиб, асосан сувости кемаларини ясар эди. Қирқ йиллик тарихида у ҳеч қачон фойда келтирмаган, аксинча, борган сари сурункали зарар ботқоғига ботиб борарди.

Ҳукумат “ДЭУ” фирмасидан йирикроқ бўлган “Сэмсанг” ва “Хендэ” фирмалари билан “Хан Кук Кигэ” ни сотиб олиш тўғрисида музокаралар олиб борди. Иккала фирма ҳам “Хан Кук Кигэ” аҳволини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишди. Мен ҳам вазиятни синчиклаб ўрганиб чиққач, сотиб олишга қарор қилдим. Фирманинг номини “ДЭУ хеви индастриз” деб ўзгартирдим. Ҳозир бу фирма мамлакат машинасозлигининг қарвонбошисидир.

Иш жараёнида кўплаб қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Кўпинча бундай қарорлар арзимас, баъзида эса жамият учун ўта муҳим бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ишда ҳам ҳал қилувчи қарорни талбиркор ўзи қабул қилиши керак. Кўплаб ҳамкасабалар билан ишлаш жараёнида айнан мана шундай ҳал қилувчи қарор қабул қилишда қийинчиликларга дуч келганман. Табиийки, улар мени маълумотлар билан таъминлашди, ўзларининг ўринли маслаҳатлари билан ёрдам беришди. Аммо қарор қабул қила олмайдилар, чунки ҳар битта қарор замирида жуда катта жавобгарлик ётади. Ўз навбатида, мен ҳам жавобгарликни бошқалар елкасига юклай олмайман ва ҳар кимга ҳал қилувчи қарор қабул қилишни ишониб топширмайман.

Қарор қабул қилиш қобилияти нафақат ишда, балки ҳаётда ҳам жуда асқотади. Ҳаёт бу — қабул қилинган қарорларнинг давоми. Ҳаётнинг мураккаб чорраҳаларида баъзан биргина хато қарор туфайли муваффақиятсизликка учраш ва жарликка қулаш ҳеч гап эмас. Эҳтимол, биз ҳаётда муваффақият келтирувчи ва танг ҳолатларда ёрдам берувчи ягона тўғри қарорни топиш учун яшаётгандирмиз.

Муваффақиятга эришиш, ҳаётда ўз йўлини танлаш имкониятига эга бўлиш учун фақат ишлаш керак. Ахир, танлаш имконияти камайган сайин ишимизга ютуқ келтирувчи ягона, тўғри қарор қабул қилиш имконияти камаяди.

Инсон ўзида қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантира билиши керак. Ҳаттоки яхши имкониятлар бўлган

тақдирда ҳам биргина қабул қилинган нотўғри қарор ишни барбод қилиши мумкин. Ҳеч ким сиз учун масалани ҳал қила олмайди ва ҳал қилмаслиги ҳам керак. Фақат ўзингизгина қарор қабул қилишингиз лозим. Агар сиз ўқиётган бўлсангиз, ўз олдингизга кўплаб қарорлар ичидан фақат битта, эҳтимол, ўзингизча нимаси биландир тўғри бўлган қарор қабул қилишни мақсад қилиб қўйинг. Тўғрими ё нотўғрими, яхшими ёки ёмонми, фойдалими ёхуд зарарли — буларнинг ҳаммаси билим билан бирга келади, тўғри қарор қабул қилиш қобилияти эса ўқиш давомида шаклланиб боради.

Ва ниҳоят, мен сизга тўғри қарор қабул қилишда ёрдам берадиган бирон-бир маслаҳатгўйингиз бўлишлигини тилардим. Яхши маслаҳатчини узоқдан қидириш даркор эмас. Сизни севадиган барча кишилар — ота-онангиз, ўқитувчиларингиз, ака-укаларингиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз ўзларининг дўстона маслаҳатларини беришлари ва ўз ҳаёт тажрибалари, ҳаётий оқилликларини сиз билан баҳам кўришлари мумкин. Агар, сиз улар билан чин кўнгилдан суҳбатлашсангиз, тўғри қарор қабул қилиш учун зарур бўлган барча нарсага эга бўласиз.

Қулайликларга одатланиб қолманг

Ҳар сафар Европага сафарга отланганимда менга бир фикр ором бермайди: нега Франциянинг шимолида асосан кўпчилик бой мамлакатлар жойлашгану, жанубидагилар эса иқтисодий жиҳатдан заифроқ. Бундай фарқни мен илмий асослаб беролмайман. Менинг назаримда, бу ерда ҳамма гап жанубий ўлка аҳолисининг сиёста, яъни тушлик дам олиш одатида бўлса керак.

Испания, Греция ва бошқа мамлакатларда тушлик вақти бўлиши биланоқ шаҳар ва қишлоқларда ҳамма бирваракайига дам олишга тутинишади. Қўл қовуштирмай ишлашга одатланган мен корейс учун эса, бундай одат эриш туолади.

Жанубий Европага қилган дастлабки сафаримдаёқ бу одатни ҳазм қилолмадим. Албатта, тушликдан кейин тана бўшаши, уйку келади. Агар кимки студентлик чоғида охириги 5—6-соатларда мудроқ босиб, ноқулай ҳолатга тушиб қолгудек бўлса, тушликдан кейинги мудроқ уйқуни

осонгина кўз олдига келтириши мумкин. Бундан ташқари, бу мамлакатларда иқлим жуда иссиқ ва қуруқ.

Лекин барибир қимматли вақтни қандай қилиб уйқуга сарфлаш мумкинлигини тушуна олмайман. Ваҳоланки, бу ерда иш вақти биздагидек вақтда тугайди, магазинлар соат 8 ларда бекилади. Хўш, бутун жамият шундай тартибда яшаса, ишга сарфлагувчи беҳисоб вақтини йўқотадилар-ку.

Нима учун бу тарзда яшайдилар? Жанубий Европа аҳолисининг бундай “қулайлик”ка одатланиши уларни қон-қонига сингиб кетганлигининг оқибати эмасмикан? Уларда қандайдир хотиржамлик ҳисси чуқур ўрнашиб олган. Эҳтимол, бир жиҳатдан, ўзини ташвишлар билан уринтирмай яшаш ёмон эмасдир?! Бошқа томондан, ўз инон-ихтиёрини тақдир ҳукмига бутунлай ташлаб қўйишни ўзимга сира сингдира олмайман. Бундан ташқари, қулайликни ўйлашнинг ҳам меъёри бор. Тушликдан сўнг дам олишни ҳамма нарсадан устун қўйиш... Менимча, жанубий европаликларнинг хотиржамлиги — бу пировард натижада кенгфёшлик ҳам, босиқлик ҳам, қолаверса, кўнгилхушлик ҳам эмас. Бу қонуният даражасига кўтарилган қулайликка одатланишдир. Бу, уларнинг ўзингга қулай ҳолатда ишла ва шундай ҳордиқ чиқар, деган ҳаётий принцидир. Менимча, шунинг учун ҳам жанубий европаликлар ўзларининг жон-жаҳди билан ишлаётган шимолдаги оғайниларида иқтисодий жиҳатдан орқада қолмоқдалар. Ўзни кўпам уринтирмаслик мана нима оқибатларга олиб келади?

Ҳамма ишни яхши бажаришга интилган инсон ҳеч қачон вақтини бекор ўтказмайди. Бундай одамлар кучгайратларини аямайдилар.

Мен коллеждан ҳайдалиб кетаёзганимни эсласам, ҳали ҳам даҳшатга тушаман. Бу тўртинчи курсда бўлган эди. Охириги семестрда лекцияларга қатнашиш ўрнига, Тикланиш вазирлиги (1961 йилдан Курилиш вазирлиги) да ишлаб бошладим. Битириш курсининг охириги семестрида лекцияларга қатнашмаслик студентлар учун одатий ҳол бўлганлиги учун ҳам шундай қилдим. Албатта, бу пайтда ишга киришга тайёрланиш масаласи кўндаланг туради. “Барибир, ўқишни тугатяпман-ку” деган хотиржамлик кайфияти мени чулғаб олган эди. У пайтда бизга ҳозир Хан Ян университетида дарс бераётган профессор Хван Ир Чхон лекция ўқирди. Ҳамма ғалва унинг лекцияларидан бошланди.

Профессор Хван Америкада таълим олиб, эндигина Ватанга қайтган эди. У Америка университетларидаги изчиллик билан таълим бериш усулини самаралироқ, деб ҳисоблар эди. Мен унинг ҳар лекцияда йўқлама қилиш одатини билмаганимдан, кўп ўтмай қийин аҳволга тушиб қолдим. Профессор Хван лекцияга қатнашмаган студентларни аттестация қилмаслигини эълон қилди. Мен инкор этиб бўлмайдиган факт олдида эсанкираб қолдим. Агар бу курсдан керакли баллни ололмасам, университетни тугатолмаслигим аниқ эди. Профессордан мен учун истисно қилишни сўрадим. Лекин у ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Ҳолбуки, профессор Хван мени ҳам бошқа студентлар қатори шунчаки дангасаликдан лекция қолдирган, деб ўйлаган эди. Унинг мен ҳақимдаги нотўғри фикрини тарқатиб юбориш ва ишонтириш учун ҳамма далилларни ва ҳатто, ўзим раис бўлган “Студент-бизнесменлар жамияти” нинг фаолиятини тушунтиришга уриндим. Ҳаттоки менга ачинган илмий жамиятдаги дўстларим ҳам профессорнинг уйига бориб, мен учун илтимос қилишди.

Ниҳоят, профессор рози бўлди, аммо олдимга жиддий бир шарт қўйди: мен унинг курси бўйича махсус маъруза тайёрлашим керак экан. Сўнг аттестацияга қўйилдим. Шундай уқубатлардан сўнг университетни тугатганим тўғрисидаги дипломни олишга муваффақ бўлдим. Шунда ўз хатти-ҳаракатим ҳақида ўйлаб қолдим. Студент ўқишда тиришқоқ бўлиши керак, мен эса университетни ортиқча куч сарфламасдан тугатмоқчи бўлдим. Бу воқеа мен учун бекор кетмади. Бунини мен ҳаммиша эсда сақлайман.

Шахсий фирмамни ташкил этганимдан бери ўз қулайлигини ўйлаб, “шуниси ҳам бўлаверади” қабалида иш тутадиган кишиларни ёқтирмайман. Мен қатъий ишонманки, бу принцип алоҳида шахснинг ривожланишига ҳам, жамият ривожига ҳам ёрдам беролмайди.

Мен ўз маҳсулотларим билан ташқи бозорга мунтазам чиқиб тураман. Лекин уларни сотишда мени бир масала қийнайди. Бу — маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Жаҳон бозорида корейс маҳсулотлари дизайни сифати ва баҳоси яхши обрў қозонган, ташқи безаги эса эътироз уйғотади. Бу — фақат иқтисодий зарар келтирибгина қолмай, балки корейсларнинг нафсониятига ҳам тегади.

Мени ана шу муаммо жиддий ташвишлантиради. Пардозининг ёмонлиги туфайли маҳсулот ўз баҳосига эга бўлолмайди. Демак, охир-оқибатда ишлаб чиқарувчилар

меҳнати, тўккан заҳмат ва сарфланган асбоблар беҳуда бўлиб чиқади. Давлат учун ҳам бу жуда катта йўқотишдир.

Мен “Сиерс”, “Робэк” фирмаси билан савдо алоқалари ўрнатиб, Америка бозорини ўзлаштира бошладим. Операцияларни бошламасданок тижорат ишлари бўйича директорим маҳсулотларимиз сифатидан безовта бўла бошлади. Мен уни тинчлантириш кераклигини тушуниб етдим. Аввало, фирмамда маҳсулот сифатини назорат қилиш лабораториясини тузиб, ҳар бир маҳсулотга юқори сифатни тасдиқловчи фирма белгиси қўйилишини буюрдим. Ва фақат назоратдан ўтган маҳсулотнигина экспорт қила бошладим. Бизнинг назорат “Сиерс”, “Робэк” компаниясининг маҳсулот сотиб олишдаги назоратидан бир поғона юқорироқ эди. Натижанда ишнинг бошиданок компания ишончини қозона олдим.

Қулайликларга одатланишни енгиш нақадар зарурлигини яна бир бошқа мисолда ҳам кўриш мумкин. Мен тадбиркорликни бошлаган 1967 йилларда маҳсулотларнинг асосий қисми денгиз орқали экспорт қилинар эди. У пайтда кемалар етишмас эди. Маҳсулотларни кемага юклаш жанг майдонини эслатарди. Шунинг учун ҳам кўпгина фирмалар кемаларга юк ортиладиган Пусан портида ўз вакилларини тайинлаб қўйган эдилар.

Маҳсулотларни ўз муддатида етказиб беришда ҳам анчагина қийинчиликлар бор эди. Заводлар кечаю кундуз ишларди. Маҳсулот божхона омборига келиши биланоқ фирмалар вакиллари дарҳол узун навбатга тизилишиб, юк туширилишини кутар эдилар. Агар кемани қўлдан чиқариб юборсанг, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлаган бутун меҳнат бекорга кетибгина қолмай, кейинги рейсни камида бир ҳафта кутишга тўғри келарди. Юкни тушириш ўрта ва кичик корхоналарнинг тақдирини ҳал қилар эди. Шул боис портда фирма вакилларининг жавобгарлиги юқори эди.

Тадбиркорлар ўртасида рақобат жуда кучли эди. Ўта эҳтиёт бўлиш керак эди, акс ҳолда, сени осонгина навбатдан чиқариб қўйишлари мумкин. Шунақаси ҳам бўлардики, сеникини бортдан иргитиб ташлаб, ўзлариникини юклашарди.

Бу ердаги фирма вакилларининг уч тоифаси бўлгучи эди. Биринчи тоифадагилар, маҳсулоти портга келганини билибоқ кетишга тушади. Иккинчи тоифадагилар эса

маҳсулотнинг кемага юклаб бўлинишини кутишарди. Учинчи тоифадагилар эса, то уларнинг маҳсулоти ортилган кема сузиб кетгунча портда қолардилар. Натижада биринчи тоифадагиларнинг маҳсулоти жўнатилиши ўн мартдан 8—9 мартасида амалга оширилмай қоларди. Иккинчи тоифаларда бир ёки икки марта, учинчи тоифаларда эса бу нарса ҳеч қачон содир бўлмас эди! Кўриниб турибдики, биринчи ва иккинчи тоифадаги хизматчилар “Мен ўз вазифамни бажардим, қолгани менга тегишли эмас” принципига амал қилиб ўрганиб қолишгани натижасида тез-тез мағлубият аламини тагиб туришарди.

Мен ўз вакилларимга маҳсулотни юклаб, то кема кўздан гойиб бўлгунча портни тарк этмасликни буюрдим. Фақат шундан кейингина иш охирига етказилган деб ҳисобласа бўлади. Шунинг учун бўлса керак, фирмамиз биронта ҳам кемани кўлдан бой бермаган ва маҳсулот етказиш жадвалини бузмаган. Бу эса жаҳон бозорида ўз мавқеимизга эга бўлишга ёрдам берди. “ДЭУ” ни маҳсулот етказиш бўйича мажбуриятларини ҳар доим ўз вақтида бажарадиган фирма деб билардилар.

Ҳар бир ишни виждонан бажаришни ҳар қандай “қулайлик” лардан афзал кўраман. Фақат шундагина муваффақиятга эришиш мумкин. Менинг таъсирим остида “ДЭУ” хизматчилари орасида меҳнатга виждонан ёндашиш принципга айланган. Бу унча ҳам мураккаб нарса эмас. Шунчаки ҳар бир бошланган ишни охирига етказиш керак. Бу анъанага айланган бўлиб, “ДЭУ” фирмаси ишлаб чиққан тadbиркорлик маданиятидир.

Мен ёшларимиз ўқишдан “қулайлик”лар ахтармай, ялқовликни энгишларини, ижодий ва шахсий камолотга эришишга кўпроқ эътибор беришларини хоҳлардим. Истардимки, ҳар бир ёш ўз қобилиятига мос, ўзига ёқадиган ишни танлаб олиб, уни охирига етказса. Фақат шундагина бугунги ютуқларимизни мустақамлаб, эртага янада кўпайтира оламиз. Агар биз фақат оёқ остинигина ўйлаб, бугунги кун билангина яшасак, ўз шахсий қобилигимизга ўралашиб қоладиган бўлсак, узоққа бора олмаймиз.

Мутахассислар

Айтишларича, юз метрлик тоғ тепалигидан ҳазилакамга сакраб ўтадиган моҳир бор эмиш. Ҳавас қиладиган,

ажойиб иш. Бунга мен қандай эришсам экан-а? “Олма пиш, оғзимга туш” деб кутишим керакми?

Эҳтимол, у аввал бир метргача баландликка сакрагандир. Лекин мақсади 100 метрга сакраш бўлган. Ва ҳар куни баландликни ошира бориб, юқорига сакрашни машқ қилган, ўзининг бутун вақтини шу ишга бағишлаган. У қамиш поясидан сакрашни ўрганган бўлса ажаб эмас. Поя кунига қанча ўсса, шунчалик баландга сакраган. Шундай қилиб, у ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишган ёки бошқача айтганда, мутахассис даражасига эришган.

Кўпинча биз моҳир уста бўлиб туғилардилар, деб хато фикр юритамиз. Афсус! Профессор ё раҳбар бўлиб туғилардилар, деган тахминларга ҳам берилмаслигимиз керак. Аслида бундай эмас. Ўз ишининг мутахассиси бўлиш учун улар бошқалардан кўра кўпроқ заҳмат чекардилар, тер тўкардилар.

Инсоннинг имкониятлари чегарасиздир. Ҳамма гап ўз имкониятингдан фойдаланиш ёки фойдаланмасликда. Етук мутахассис билан ўртамазда фарқ ҳам шундан келиб чиқади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, заҳматсиз ютуққа эришиш мушкул.

Менинг “Сеҳргар” деган лақабим бор. Тўғриси, бу лақаб менга эриш туюлади. Балки у менга сеҳргар уста ҳақидаги насиҳатни тез-тез айтиб юрганам учун қўйилгандир, балки ҳар қандай ишда мукамалликка эришишга ҳаракат қилганим учун берилгандир, ўзим билмайман. Лекин, нима бўлганда ҳам, бу лақаб нафсониятимга тегмайди. Зеро, мен ҳақиқатдан ҳам бутун ҳаётимда яхши мутахассис бўлишни хоҳлаганман.

Камина университетда иқтисодни ўргандим. Уни тугатгач, биринчи иш жойим тола ишлаб чиқариш фирмаси бўлди. Ўзим иқтисод бўйича мутахассис бўлсам-да, толалар ҳақида ҳеч нарса билмасдим. Ўн йил давомида мен шу ишга шўнғиб кетдим ва толалар бўйича мутахассис бўлиб етишдим.

Тўқув ишлаб чиқаришидан анча йиллар олдин кетган бўлсам-да, матони ушлаб кўриб, адашмасдан сифати-ю турини, қайси дастгоҳда тўқилганини ва қандай технологик ишловдан ўтганлигини айтиб бера оламан. Ҳозир ҳам қандай турдаги мато учун қайси бўёқни қўллаш яхшироқ эканлигини тузук ажрата оламан. Бошқа соҳалар — машинасозлик, автомобиль саноати, молия, кемасозлик ва ҳаттоки меҳмонхоналар қурилишида ҳам мутахассислар-

дан қолишмасликка интиламан. Тадбиркорлик фаолиятим кенгайган сари билимларим чегараси кенгайиб бора-верди.

Қўл остимдагилар билан суҳбатлашганда уларнинг қиёфасидан, гаплашганда ўзини тутишидан фаолият доираси-ю, қанчалик чуқур билимга эга эканини аниқлаб оламан. Бир-иккита кенг қўламли саволнинг ўзиёқ ким мутахассису, кимнинг билими юзакилигини аниқлаш учун етарли. Шундай қилиб, ўзимни қайсидир маънода “инсон омиллари” соҳасида мутахассис ҳисоблай оламан.

Бугунги давр — ихтисослаштириш даври. Кундан-кунга замон ўзгариб бормоқда. Инсоннинг мураккаб ва турли-туман эҳтиёжлари ҳар хил соҳаларда мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Қачонлардир битта одам бир неча ишнинг уддасидан чиққан бўлса, маълум вақтдан бошлаб эса ҳар бир одам фақат ўз ишинигина бажарадиган бўлиб қолди. Янги касблар шунчалик мураккаблашиб кетганидан бир киши ҳаммасини уддасидан чиқиши мумкин бўлмай қолди. Айтайлик, кимдир бунинг уддасидан чиқмоқчи бўлса ҳам бунга жуда кўп вақт сарфлаши зарур. Меҳнат тақсимоти вужудга келди ва меҳнат унумдорлиги ошиб борди. Меҳнатни тақсимлаш пайтида мутахассислар лозим бўлади. Бу барча соҳаларга тегишли. Бундан хулоса шуки, ҳеч ким тенглаша олмайдиган ноёб мутахассис бўлинг.

Албатта, бу — кўп тарафлама қизиқишларга аҳамият бермаслик дегани эмас. Менинг мутахассис бўлиш керак деганим, у ўз соҳасидан бошқасини билмаса ҳам бўлади, деганим эмас-да. Қизиқиш ва билимларни тўғри баҳола-маслик, албатта, хато бўлур эди. Олам кенг, ҳаётимиз эса ранг-баранг. Худди қудуқдаги қурбақага ўхшаб, ўз тор дунёси билан ўралашиб қолиш ярамайди.

Биз кенг далага ишлов берарканмиз, бунда ишловнинг чуқур бўлишлигини эсдан чиқармаяпмизми, деган ташвишдаман. Лекин чин айтаман: кимки чуқурроқ кавламоқчи бўлса, кенгроқ дала ва кўпроқ замин керак бўлади. Албатта, чуқурлик ва кенглик бир-бирига зид. Кенг олган сари чуқурликдан шунча йўқотасан, — бу табиий. Лекин ҳаёт доим ҳам бу принципга мос келавермайди. Чуқурлик ва кенглик фақат маълум даражагача бир-бирига тесқари пропорцияда бўладилар. Чуқурроқ қазिश учун даврани аввал кенгроқ олиш керак бўлади. Айтайлик, кафтдекки-на жойни қазий бошладик. Аввалига чуқур қазилаётганга

ўхшайди, бироз вақт қазилгандан сўнг, бундай тор жойда ишлаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласан. Шунинг учун жойни кенгроқ ўлчаш керак. Фақат шундагина керакли чуқурликка етиш мумкин.

Етукликка ҳам худди шундай интилинг! Бу бошқа соҳаларда ҳеч нарса билмаган ҳолда ўз соҳангизнинг тор мутахассиси бўлинг, деган гап эмас. Нима билан шуғулланманг, қайси соҳанинг мутахассиси бўлманг, ҳамма нарсага қизиқиш керак. Бунга фақат билим орқали эришилади.

Айтайлик, микробиолог учун самолётларни йиғиш технологиясини билиш шарт эмас. Лекин сиз микробиологми, медикми ёки ёзувчиси — касбингиздан қатъи назар, кенг билимли, ўқимишли бўлмоғингиз лозим. Жамиятдаги ўзаро муносабатлар, ахлоқ қоидалари ҳамда фалсафани ҳам ўз ичига олган кенг билим, бошқача айтганда, ҳаёт илмигина мутахассис билимларининг “чуқурлиги”ни таъминлайди. Мен мутахассис бўлишни маслаҳат бераётганимда ҳам шундай “кенг” билимларни назарда тутаман.

Биз шундай даврда яшайпмизки, бунда фақат мутахассисгина, ўз ишининг устасигина обрў-эътибор топади. Ҳар бир киши қила оладиган иш билангина машғул одам аста-секин жамиятда ҳурмат-иззатини йўқотиб бораверади. Бизнинг давримиз — мутахассислар давридир.

Нима учун врач катта ҳурматга сазовор? У — мутахассис. Унинг иши — касалликларни даволашга бошқа ҳеч ким қодир эмас. Кўплаб ёзувчилар орасида Достоевский ва Кафканинг номлари эсда қолишининг сабаби нимада? Уйлайманки, улар адабиёт соҳасининг ҳақиқий усталаридир. Улар адабиётда бошқалар эриша олмаган даражага етишганлар.

Мутахассис бўлинг! Қайси соҳада ишлашга тўғри келмасин, албатта биринчи бўлишга ҳаракат қилинг.

Лекин кўпчилик бунга қандай қилиб ва қай тарзда эришиш мумкин, деб сўрашади. Ўз устида узоқ ишлаш лозим — бошқа сўз йўқ. Кимки онгли равишда, тиришқоқлик билан шуғулланса, бир кун келиб, у албатта тақдирланади. Бу — қонун. Бугунги кунда бу сўзлар долзарб: қаерда аниқ мақсад бўлса, ўша ерда йўл ҳам бор. Янги ғоя кетидан қувиб, қилинаётган ишни қолдириш — бемаънилик. Фақат тинимсиз меҳнат натижасидагина яхши ғоя юзага чиқади. Перо ёзувчи қўлга олгандагина ёзишга тушади. Сўзлар перо учидан чиқади, ёзган вақтингда фикр-

лар қуюлиб кела бошлайди. Кимки ишга астойдил киришса, “муккасидан кетса”, бир кун келиб ижодий фикр билан, узоқни кўра олиш билан тақдирланади. Бу — қонун. Даҳони меҳнат яратади, етукликка йўл — тириш-қоқликда.

Карикатура ва реклама

Бу воқеа бундан ўн йил муқаддам содир бўлган эди. “Тона ильбо” газетаси таҳририяти раҳбар ходимлари мени семинарга таклиф этишиб, “Корхона ва менинг бошқарувчи фалсафам” деган мавзуда бир соатлик маъруза ўқишимни илтимос қилишди. Биз ишбилармонларни газеталар таҳририятига камдан-кам таклиф этишади. Боз устига, профессионал журналистларга лекция ўқиш жуда нозик иш. Бу таклифни рад қилиш шундай қийин эдики, рози бўлишдан ўзга чорам қолмади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ҳақида нималарни ўйлашим, айниқса, бошқаришга ижодий ёндашиш қанчалик муҳимлиги ҳақида алоҳида гапирдим. Лекция бир соатдан ортиқроқ давом этди. Учрашув сўнгида таҳририят раҳбарларидан бири шундай савол ташлади: “Агар Сиз, раис Ким, таҳририятимизни бошқарганингизда қайси соҳага янгилик киритган бўлар эдингиз?”

Газета ишлари масаласида мен ғирт оми эдим. Шунинг учун, бундай саволдан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим. Ва шу онда карикатураларни эслаб кетдим. Улар менга доимо ёқар эди.

Кузатишимча, кўпчилик газетани биринчи саҳифадан бошлаб ўқийди. Агар, биринчи саҳифада қизиқарлироқ нарса бўлмаса, ўнга ўқувчидан саккизтаси дарҳол газетанинг кейинги саҳифаларини варақлашга тушади. Бу ҳолда, табиийки, карикатуралар, бошқача қилиб айтганда, ҳаётимизнинг чизма тарихи кўзга ташланиб туради. Бу расмларга боққанда одамлар қандай қилиб ҳақиқий инсон бўлиш ҳақида ўйлашади.

“Шундай қизиқарли саҳифада карикатура ўрнига рекламани жойлаштиришга уриниб кўринг, — дедим мен. — Бу эътиборни жалб қилар эди. Айтайлик, ҳафтасига беш марта карикатура, бир марта реклама чоп этилса. Агар бу иш мураккаброқ туюлса, айтайлик, расмлардаги тарихни газета саҳифасига сал чўзиброқ бериб: саҳифанинг бир

четида, ўртасида ёки карикатуралар орасида реклама эълонлари берса ҳам бўлади”.

Реклама берувчилар, одатда, газетанинг кўзга яққол ташланиб турадиган жойини талаб қилишади. Шунда эълон кўзга ташланиб туради, кишилар эътиборини тортади. Бундай жой ғоят қиммат туриши, тилла баҳосида эканлигига қарамай, негадир ҳар қуни карикатуралар билан банд бўлади. Бизнесмен учун бу ҳол, юмшоқ қилиб айтганда, кечириб бўлмас ҳолдир.

Мен газетачиларнинг саволларига жавоб бера туриб шуни таклиф қилдим. Орадан қисқа вақт ўтмай, улар аввалига тўрт устун ўрнига беш устунда чизма тарихлар бера бошладилар, охирида эса реклама-эълонларини жойлаш-тирдилар.

Ижодий ёндашиш — ҳаётий заруратдир. Мен доимо ва ҳамма жойда унинг аҳамиятини таъкидлаб келганман. Ижодий ёндашувчан бўлиш, унчалик ҳам мураккаб эмас. Гап фақат хоҳишда: сен, ишга ижодий ёндашишни хоҳлашинг ёки хоҳламаслигингда. Ижод қилиш — бир қараганда қийин туюлиши мумкин, лекин ният-истак кучли бўлса, ижод қилиш анча осонроқ кечади. Дунёни ҳаракатга келтирувчи буюк ихтиролар ҳам оддий ғоялардан бошланган. Янгилик ҳам арзимас, кичкинагина нарсалардан бошланади, лекин натижалари ғоят самарали бўлиб чиқиши мумкин.

Ижодий ёндашиш — фирмани бошқаришда ўта муҳимдир. Агар бор нарсани такомиллаштиришни биз ислоҳот десак, ижодий ёндашиш — бу янгилик яратиш демакдир. Ҳолбуки, кенг маънода ислоҳотни ҳам ижодий ёндашиш деб ҳисоблаш мумкин.

Ижодий ёндашиш инсоният тараққиётининг моҳиятини ташкил этади. Ижод қилиш, янгилик яратиш, эришилган даражадан ҳам юқорироққа чиқишга интилиш — булар бари инсонга хос хусусиятлардир. Шунинг учун мен ҳам-мавақт одам ижодкор шахс бўлмоғи керак, деб таъкидлайман. Ижодий фикрловчи кишиларгина тарих яратиши, дунёни ўзгартириши мумкин.

Ишга ижодий ёндашишни қуйидаги сингари саволлардан бошлаш керак: “Ҳозирги аҳволни, эришилган натижани аъло деб ҳисоблаш мумкинми? Энг юқори ютуқларни ўзида мужассамлаштирадими ёки йўқми? Янада яхшилаш мумкинми? Янги усуллар йўқми?” деган саволлар ижодий фикрни уйғотади. Қанчалик кўп такрорланса,

ҳаракат қилинса, шунча юқори натижаларга эришиш имкони бўлади.

Мен ёшларга ўзларида ижодий фикрлашни шакллантиришларини тилаган бўлар эдим. Зеро, улар олдида ҳаёти-мизни янада яхшилаш масъулияти турибди. Агар бирор буюмга янгича назар ташласанг, фикр уйғонади, саволлар туғилади. Муаммони ҳис қилиб, такомиллаштиришга ҳаракат қиласан. Бу — қонун. Ёшлар муаммоларни сезгирик билан пайқайдилар, бу айниқса уларни кекса авлод вакиллари билан қиёслаганда яққол кўзга ташланади.

...Бу воқеа меҳнат фаолиятим бошида, “Хан Сон Сир Оп” фирмасининг оддий хизматчиси вазифасида ишлаб юрганымда содир бўлган эди. Менга, янги ходим сифатида, ҳужжат ишларини юргизишни топширишди. Иш қийин эмас эди. Мен фирманинг иш қўғозларини тайёрлар ва банкка жўнатардим. Банк қўғозларни текширувдан ўтказгач қабул қилар, агар қоида бўйича тўлдирилмаган бўлса, қайтарар эди. Мен ҳужжатларни қайта ёзиб чиқар ва яна банкка жўнатар эдим.

Мендан олдинги хизматчи учун бу жуда оғир, зерикарли иш эди. Бир кунда ўн марталаб банк ва фирма ўртасида қатнашга тўғри келарди. У ҳар гал ҳужжатларни банкка кетиш олдида тайёрларкан, бунга кўп вақти кетар эди. Агар бирор ноаниқликлар туфайли ҳужжатлар қайтиб келса, ҳаммасини яна бошқатдан кўриб чиқишга тўғри келар, бунга тағин ҳам кўпроқ вақт кетар эди. Мен дарҳол бу жараёнга эътиборни қаратдим: банкка югуришни ярмига қисқартириш ҳамда барча ҳужжатларни бирварақайига тайёрлаш мумкин бўлмасмикан?

Авалло, банкдаги хизматчи аёллар билан яхши муносабат ўрнатиш керак. Ахир, ҳужжатларни қабул қилиш уларни текширувчи хизматчиларга боғлиқ-да. Табиийки, аввало ҳужжатларни тўғри тўлдириш лозим. Агар майда-чуйда хатоликларга йўл қўйилган бўлса, қабул қилувчи шу ердаёқ уларни тўғрилаган ёрдам беради ва ҳужжатларни ишга туширади. Бунинг устига, кўплаб фирмаларнинг ҳужжатлари деярли бир вақтда келиб тушади ва уларнинг ўтиш навбати ҳам, сизга қандай муносабатда бўлишларига, устига-устак қабул қилувчи аёлларга боғлиқ бўлади.

Ўша кезларда фирма омориди кўйлақбоп италян газламаси анча вақтдан бери ётарди. Уни сотишга масъул хизматчи эса, бу ҳақда кўп ҳам қайғурмас эди. Мен газламани банкдаги аёлларга таклиф қилсаммикан деб ўйла-

дим. Ахир, бу мато харидорини кутиб ётибди. Эҳтимол, аёлларга ҳам худди шундай мато керакдир? Матони, ҳатто арзонгаров сотганда ҳам фойда қилиш мумкин эди, чунки мол оморда ҳаракатсиз ётганидан фирма зарар кўраётган эди.

Газлама муваффақият билан сотилди. Банкдаги аёллар арзонгина мато сотиб олганларига хурсанд бўлсалар — фирма туриб қолган молдан қутулганига. Шу воқеадан кейин менинг ҳужжатларимни аввалгидан кўра тезроқ қабул қиладиган бўлишди. Яхши муносабатлар ўрната олганим туфайли ишларим анча юришиб кетди.

Шунга қарамай, олдингидек кўп юришимга тўғри келарди. Мен тағин бир янгилик ўйлаб топдим. Ҳужжатларни одатдагидек бир кунда ўн марта эмас, фақат икки марта — тушгача ва тушдан сўнг тўлдира бошладим. Бу ўйлагандан кўра анча оддий бўлиб чиқди. Банкка бериладиган ҳужжатлар типовой, яъни, бир қолипда эди ва шунинг учун фақат рақамларни ўзгартириб қўйиш кифоя қиларди.

Мендан олдинги хизматчи бу ҳақда ўйламаган эди. У ўзидан олдинги хизматчи нимани ўргатган бўлса, ўшани такрорлаган. Натижада банкка бериладиган ҳужжатларни қайта ва қайта тузиб чиқар, банкка қатнагани-қатнаган. Бунга эса кўп вақт кетарди. Шундай қилиб, у жўнгина ишни мураккаблаштириб олган эди.

Агар мендан олдинги хизматчи бир нарсани, яъни тушлик танаффусигача қабул қилинган ҳужжатлар одатга кўра кечга яқин тасдиқланиши, тушдан кейинги олинган ҳужжатлар эса фақат кейинги куни тушлик олдида тасдиқланишини билганида тушликкача тайёрланган ҳамма ҳужжатларни тўплаб, тушлик танаффусигача, кечгача тайёрланган ҳужжатларни эса банк ёпилиши олдида топширган бўларди. Натижа эса бир хил.

Орадан бир ой ўтмасдан меҳнатим кўпчилик томонидан тан олинди. Каминани тинмай мақташар, вундеркинд деб аташар эди. Менинг янги хизматчи сифатидаги дебочам ажойиб бўлди. Фирмада юзага келган жараённи такомиллаштиришга йўналтирилган ирода туфайли шундай бўлди. Эскилик орқага тортган сайин такомиллаштиришга интилишим кучайиб борди. Қисқа вақт ичида “ДЭУ” ни оёққа тургазим. Хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, ҳар қандай янгиликни назардан қочирмаганлигим менга ёрдам берди. Энди бу ҳақда ишонч билан сўзлай оламан.

Ижодий ёндашиш фақатгина ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки таълимда ҳам, оилавий ҳаётда ҳам қўл келади. Айтайлик, ўқишда бирон-бир фанни ўзлаштира олмайсиз. Агар ишга жиддий ёндашсангиз, унда ҳамма муаммоларни ечса бўлади. Ва аксинча, чет тилида сўзларни ёдлашга ҳаракат қилиш керак. Тўғри, кўпинча, бу ҳолда, мантиқий ёндашиш фойдали бўлиши мумкин.

Муаммоларнинг ечими синчковлик билан кузатиш ва ишга қизиқшдан келиб чиқади. Юзаки муносабат ва саёз қизиқиш, ҳатто энг оддий натижага ҳам олиб келмайди.

Менинг устозларим

“Ҳақиқий ҳаёт учрашувдан бошланади”, — деб ёзган эди “Мен ва сен” китобининг муаллифи Мартин Бубер¹. Мен бу фикрга тамоман қўшиламан. Биргина учрашувнинг ўзиёқ инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Ҳар бир киши ҳаёт маъносини тинмай излаётган ёшлик йилларида ўз ҳаёт йўлида кимни учратиши муҳимдир. Ҳаттоки муболаға бўлса-да, баъзан ўша учрашув кўп нарсани ҳал қилади-қўяди.

Биз ўзимиз ҳурмат қилган одамга тақлид қилишни истаймиз. Ҳурмат тариқасида биз унинг суратини ёзув столига қўйиб қўямиз ёки кўринарли жойга илиб қўямиз. Шуни аниқ айтиш жоизки, ёшлик даврида учратган одамнингиз сизга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари ҳалол одамни учратиш ўта муҳимдир. Келажакка ишончсизлик билан йўғрилган файласуф Шопенгауэрнинг ғоялари билан танишган орзуманд ва нафсониятли йигитни кўз олдингизга келтиринг. Унинг ҳаёт йўли Ҳиндистоннинг буюк донишманди Ганди ёки Америка президенти Линкольн билан “учрашган” йигитнинг ҳаёт йўлидан кўра бошқачароқ кечади. Энди, устози тушқунлик ғояларини тарғиб қилувчи ҳамда озодликка муҳаббат ва инсонларварлик ғоялари эгаси бўлмиш буюк донишмандга эргашувчи йигит келажагини бир таққосланг. Донишманд устозни учратиш тақдир ривожи учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Мартин Бубер (1878—1965) — файласуф, Майндаги Франкфурт университетининг профессори.

Педагоглар бугунги ўқитиш тамойиллари ҳақида фикр юргизганларида айнан шу “учрашув” ни таянч нуқтаси деб ҳисобламоқдалар. Инсонни олдиндан белгиланган схема бўйича “тайёрлаш” ёки туғма қизиқишларни “ри-вожлантириш” каби тамойилларни эса кейинги планга сурмоқдалар. Педагогларнинг бу тамойили шунга олиб келадикки, инсон ҳаётидаги туб ўзгаришлар айни шу учрашувлар туфайли содир бўлади. Мен хушфелъманми, истеъдодли ёки ўргачами — ҳаммаси ёшликнинг олтин даврида кимни учратишимга, у менга қандай таъсир кўрсатишига боғлиқдир. Мен истардимки, ёшлар бу ҳақиқатни обдан ўзлаштириб олсинлар. Ўз ҳаётимда кўплаб яхши кишиларни учратганман. Улар орасида ажойиб, жозибадор кишилар кўп эди. Лекин шундайлари ҳам бор эдики, мен улар билан учрашмасликни афзал қўрардим. Баъзиларни ҳанузгача яхши эслайман, баъзи учрашувлар аллақачон ёдимдан кўтарилиб кетган. Токи тирик эканман, тақрорлашдан чарчамайман: “Мен, Ким У Жунг, кўп нарсаларга шу теран маъноли учрашувлар туфайли эришдим”.

Шу ўринда баъзи кишилар ҳақида ҳикоя қилишни хоҳлайман. Менинг камолга етишимда уларнинг таъсири катта бўлган.

Гапни онамдан бошлай. У мард аёл эди. Инсон йўқки, онасини ҳурмат қилмасин. Лекин мен ўз онам билан жуда фахрланаман. У ҳаёт қийинчиликларини ёлғиз ўзи енгиб ўта олди. Биз — беш ака-ука ва опа-сингилларни ўқитиб, олий маълумотли қилди. Бутун умрини фарзандларига бағишлади. Болаларига ўта содиқ эди. Бизни деб борлигини аямади. Менинг ишбилармонлик фалсафам марказида онамдан мерос қолган фидойилик мужассам.

Онам ҳақиқий христиан, художўй аёл эдилар. Эсимда, кунига тўрт маҳал узлуксиз ибодат қилар, худога шукрона ўқир эди. Тан олишим керакки, унинг жўшқин ибодатлари менга ҳам куч бағишларди. Мендаги христианликка хос бўлган очиққўнгиллик, фидойилилик ана шундан. Мен бутун борлигим билан қавмимга ёрдам беришга тайёрман. Бу онам тарбияси ва тўрт йил мобайнида Ен Сей Университетида олган таълимим натижасидир.

Худога ишониш ҳеч нарсага ишонмасликдан аълодир. Кўпчилик ҳозирги замонда диннинг зарурати йўқ деб ҳисоблайди. Гўёки, дин замонавий эмас, диний дунёқарашлар эса хато эмиш. Фактлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Мен ўйлайманки, биз яшаётган вақт қанчалик

ноаниқ бўлса, ҳаёт ўзагини ташкил қилувчи тамойилларга шунчалик эҳтиёж зўраяди.

Дин шундай ўзак бўлади, бу таҳликали дунёда таянч бўла олади. Қандай яшаш, ҳаёт маъноси ва мақсадлари ҳақида жиддий ўйланадиган ёшлик йилларида соғлом диний тарбия олиш муҳимдир. Бундай тарбияни менга онам берган эди.

Инсон учун ёшликдаги дўстидан ҳам қадрлироқ нима бор? “Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айт-таман” деган нақлни кўп ишлатишади. Бу яхши дўстга эга бўлиш қанчалик муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мен бу сўзларда чуқур маъно кўраман.

Дўст ҳамма вақт яхши, лекин эски қадрдон дўст ўрни бўлакча. Дўстдан бошқа ҳеч кимга қалбимни очолмайман. Агар инсоннинг бундай дўсти бўлмас экан, у чиндан ҳам бахтсиздир. Ёшликда, албатта, кўп ишларга улгуриш керак. Аммо энг асосийси — ҳаётда ҳақиқий дўстни топишдир.

Мен кўпчилик билан дўстликни сақлаб келаман. Биз ёшлик йилларимиздек, ҳозир ҳам бир-биримизга ёрдам беришга тайёрмиз. Мен Кенгидаги олий мактабни битирганман. Ишлай бошлаганимда синфдошларим ва курсдошларим озмунча ёрдам беришмаган. Буни ҳозир ҳам миннатдорлик ила эсга оламан.

Улар орасида олий мактабдаги синфдошим Ли У Бок бор эди. У ҳозир “ДЭУ” раисининг ўринбосари бўлиб ишляпти. Биз иккинчи синфда бирга ўқиганмиз¹. Ва мендан фарқли ўлароқ, у аълочи, намунали ўқувчи эди. Шундай бўлдики, уруш вақтида² мен бир йилни ўтқазиб юборганим сабабли ўқишда ҳаддан зиёд ортда қолиб кетдим. Имтиҳонни эса, айтмай қўяқолай.

Лекин ўқув йилининг охирига бориб мен аълочилар қаторида эдим. Бунга Ли У Бокнинг катта ёрдами туфайли эришдим. Бошқаларга етиб олиш учун унга ҳатто уйида ҳам тинчлик бермас эдим. Такрор айтаман, мен қолоқ ўқувчи эдим, у эса аълочи. Эҳтимол, мен бошида унга ёқмаган бўлсам керак. Аммо шунга қарамай, у мени ўзига тортар эди. Ўшандан буён биз жуда қалин дўстмиз.

¹ Жанубий Кореяда ўрта мактаб уч босқичга бўлинади: биринчидан олтинчи синфгача — “ҳалқ” мактаби, еттинчидан ўнинчигача — ўрта, ўнинчи ва ўн биринчи синфлар — олий мактаб. Олий мактабнинг иккинчи синфи ўн биринчи синфга тўғри келади.

² Бу ерда 1950—1953 йиллардаги уруш назарда тутиляпти.

Менинг ундан миннатдорлигим фақат бунинг учунгина эмас. “ДЭУ” илк қадамларини боса бошлаган пайтларда мен кадрлар етишмаслигидан қийналиб қолдим. У худди шуни кутиб тургандай, дарҳол қаватимга кириб, ҳамма ишларимда ёрдам берди. Яхши ходимларга эҳтиёж туғилган бир вақтда у жонимга оро кирди. Ўшандан буён у ёнимда, “ДЭУ” корпорациясида ишлайди.

Ҳаётимга теран таъсир кўрсатган мактабдаги ўқитувчим Ли Сок Хини ҳам эслагим келади. Кейинчалик у пойтахтдаги университетнинг ректори бўлди, ҳозир эса “ДЭУ” молия бўлимининг бошлиғидир. Иккинчи синфда ўқиётганимда у бизнинг синф раҳбаримиз эди. Аввал айтганимдай, мен қолоқ ўқувчи эдим: баҳоларим жуда паст, қишлоқда орттирган одатларимни ҳали ҳам ташламаган эдим. Қисқаси, мен кўпчилик учун “бош оғриғи” эдим.

Ли Сок Хининг, назаримда, ўз мантиғи бор эди. Биринчи чоракда у мени синфбоши ёрдамчиси, иккинчи чоракда эса, интизом бўйича масъул қилиб тайинлади. Эҳтимол, ўқитувчи Лини учратганим менинг бутун ҳаётимни ўзгартиргандир. У мендаги имконият ва қобилиятларни уйғотган ва уни амалда тан олган биринчи киши эди.

Мен интизом учун масъул бўлишим биланоқ ҳаётим тубдан ўзгариб кетди. Масъул шахс ҳамма учун намуна бўлиши лозимлигини яхши ҳис этардим. Мен эрталаблари ойнага қарашни унутмас, ўзимга эътибор берар ва ўзимни яхши тута бошлаган эдим. Тиришқоқлик билан ўқий бошладим. Ўқишдаги қолоқликни бартараф қилиш учун Ли У Бок билан деярли изма-из боришимда ҳам ўқитувчим Ли Сок Хининг хизмати бор. У билинтирмасдан шароит яратган эди.

У мени “тан олди”. Очигини айтсам, унинг ишончини оқлаш учун куйиб-пишиб ҳаракат қилардим. Турмуш тарзим ҳам ўзгарди. Ишончини оқлаш инсон табиатига хос. Ахир, сенга яхшилик қилган одамни ранжитиб бўладими? Бу ҳам умуминсоний қонуниятдир.

Ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам буни унутмасалар яхши бўларди. Эҳтимол, сизларда “қолоқ болалар” қаторига қўшиш мумкин бўлган ўқувчилар — ўғиллар ва қизларингиз бордир. Уларга эътибор ва ғамхўрлик зарур. Жанжалнинг кераги йўқ, яхшиси инсоний фазилатларига ҳурмат билан қараш лозим. Ҳар бир кишида қандайдир ўзига хослик бўлади, у нимаси биландир бошқалардан устун

туради. Сиз шу ўзига хосликни пайқашга ҳаракат қилинг, боланинг қобилиятини таъ олинг, уни юзага чиқаришга имконият яратиб беринг. Ўқитувчи Ли Сок Хи мен учун нима қилган бўлса, сиз ҳам ўшани қилинг. Ахир, Эйнштейннинг ёмон ўқигани, Эдисонни эса мактабдан ҳайдашгани маълум-ку.

Агар Ли Сок Хи бўлмаганда, Ким У Жунг ким бўлар эди? Буни ўйлашнинг ўзи даҳшат-ку! Баъзан ҳозирги ўқитувчилар орасида ҳақиқий мураббийлари камлиги тўғрисида шикоят қиладилар. Мен том маънода шундай устозни учратганимга шукрона келтираман ва қайта-қайта унга миннатдорлигимни изҳор этмай туролмайман.

Ҳа, қаерда, қачон ва кимни учратишинг муҳим аҳамиятга эга. Ундан ҳам муҳими, бу учрашувдан кейин сенинг ҳаётинг нечоғлик ўзгариши ва ким бўлиб етишишингда. Кўпинча, инсон ҳаёти ёшлик йилларида кимни учратганлиги билан белгиланади. Худди шунинг учун ҳам мамлакат келажагининг эгалари бўлмиш ёшларимизнинг ҳурматига кимлар сазовор бўлганлиги мени жуда ташвишга солади.

Бизнинг ёшларимиз орзуидаги устозлар жуда кўп. Ёшлар тақлид қиладиган ҳамда ўтиши лозим бўлган сўқмоқлар талайгина. Нима бўлганда ҳам, ёшликнинг олтин даврида ортидан эргашисга лойиқ олижаноб инсонни учратишларингизни истайман.

Столингиз устида кимнинг сурати турибди? Сиз унга ишонасиз ва эргашасизми?

“Найн ту файв” ва “файв ту найн”¹

Дунёда Мулк, Касб каби қадрли нарсалар кўп. Лекин яна ҳам қадрлироғи Вақтдир.

Вақт — мисоли отилган ўқ. Вақт қайтмайди. Вақт ҳамма нарсани ўзгартиради, лекин биз уни тутиб қололмаймиз. Биз уни орқага қайтара олмаймиз. Бу мумкин эмас. Вақтни ҳеч ким енга олмайди. У енгилмасдир.

Биз “ҳозир” деймиз, аммо бу лаҳза фақат бир мартагина бўлади. Агар шу лаҳзани қўлдан чиқарсак, уни бошқа қайтара олмаймиз. Бу лаҳзани биз “ҳозир” деб атаймиз,

¹ “Тўққиздан бешгача” ва “бешдан тўққизгача” (инглизча).

лекин у ҳозирнинг ўзидаёқ бутунлай ғойиб бўлади. Бу вақтдир!

Мана, нима учун биз вақтни қадрламоғимиз даркор. Вақт — мулкдан ҳам, касбдан ҳам қимматлироқдир. Мулкка ва касбга эга бўлиш мумкин, бироқ бой берилган вақтга — ҳеч қачон эга бўлолмайсиз.

Кўпинча, ёшликда вақтнинг қадрига етмайдилар. Тахминан, қуйидагича фикр юритадилар: узун умрга етарли вақт бор, озгинасини беҳуда ўтказсам, бир жойим камайиб қолмайди. Йўқ, кечирасиз! Мен вақтни камон ўқига ўхшатаман. Отилган ўқни қайтариб бўлмаслигини ва вақтнинг тезкор ва шиддатли эканлигини айтмоқчиман. Шунинг учун вақт бамисоли отилган ўқ дейдилар.

“Биз пешона теримиз ва меҳнатимизни аямаймиз, лекин вақтни қизганимиз! — бу “ДЭУ” нинг бир вақтлардаги шиори. “ДЭУ” нинг бутун моҳияти — шунда.

Биз вақтнинг муҳимлиги ва аҳамиятини анча яхши тушунамиз. Ютуқ ва омадсизлик вақтдан қандай фойдаланишга боғлиқ. Бир хил шароитларда вақтдан унумли фойдалана олган одамгина ғойиб бўла олади. Вақтни беҳуда сарфлаш пулни беҳуда сарфлашдан ёмонроқ. Пулни яна ишлаб олиш мумкин, вақтни эса — йўқ. Вақтни дўконда сотмайдилар ҳам.

Баъзилар вақт узоклигидан ўлгудек зерикаётганларидан нолийдилар. Мен уларни тушуна олмайман. Агар бу тоифага ёшлар ҳам кирсалар ғоят ачинарлидир.

Шу ерда ўзим ҳақимда гапириб ўтишим ўринлидир. Менга ҳеч қачон сутканинг 24 соати етмайди. Бир сутка 30 ёки 40 соат бўлсайди, дейман. Вақт етишмаслигидан соқолни ҳам йўлда, машинада ишга кетаётиб оламан, ювиниш ўрнига юзимни ҳўл сочиқ билан артаман.

Мен чет элда кўп бўламан. Агар Гиннеснинг рекордлар китобида “Бизнесменнинг саёҳатлари” бўлими бўлганида, албатта, бу китобга киритилган бўлар эдим. Иложи борича йўлга кетадиган вақтни қисқартиришга ҳаракат қиламан. Агар бирон рейсни билмай қолсанг, бир ёки икки кунни беҳуда йўқотиш ҳеч гап эмас. Вақтни тежаш мақсадида иложи борича тунги самолётда учаман. Самолётда бироз мудраб олса бўлади. Етиб келгандан сўнг эса, қиёфани тартибга келтириб, дарҳол келишилган учрашувга борилади.

Самолётда ўқиб кетиш, фирма филиаллари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ва қарорлар қабул қилиш

мумкин. Агар Японияга келсак, ҳамма ишларни бир кундаёқ бажараман: эрталаб учиб келиб, ишларни уддалайман, кечкурун эса — Ватанга. Мен баъзи одамларни тушуна олмайман: зарурати бўлса-бўлмаса чет элда юриб, пулни исроф қиладилар, пулни кўятуринг, асосийси — кунлаб қимматбаҳо вақтларини беҳуда сарфлайдилар.

Фирмамизда иш вақтида мажлис ўтказмайдилар. Ишдан олдин, ё ишдан кейин йиғиламиз. Бу “ДЭУ” нинг эски анъаналаридан. Мана, нима учун бизнинг раҳбарларимиз эрталаб соат еттидаёқ ишда бўладилар. Баъзи ҳазилкашлар эрталабки мажлисимизни “саҳарлик” деб аташади.

Шундай қилиб, “ДЭУ” да ишлаётганлар вақтни кадрлашни ўрганишди ва уни асосий бойлик деб ҳисоблашади. Ишончим комилки, вақтни тежай билганлигимиз ва уни чинакам кадрлай олганлигимиз туфайли шундай муваффақиятларга эришдик.

Ёшлик сурури ва тежалган вақт фирмамизни олға етаклади, биз ижод қилиб ишладик, ҳар қандай ишга дадиллик билан қўл урдик, чет эллардаги эришилган ютуқларни сира иккиланмай ҳаётга татбиқ қилдик. Биз ёш эдик. Келажак учун баъзи бир нарсаларни қурбон қилишдан кўрқмасдик. Чунки, вақтни кадрлай билар, унинг бебаҳолигини ҳис қилар эдик.

Бу йил фирмамиз ташкил топганига 22 йил тўлди. Бу вақт ичида биз мислсиз ютуқларга эришдик. Баъзилар буни фақат мўъжиза деб атасалар, баъзилар шубҳа билан қарайдилар. Шунда мен “ДЭУ” нинг муваффақиятларини фақат унинг ёши билан изоҳлаш керак эмас, деб жавоб бераман. Ҳақиқатда, биз бошқаларга қараганда икки баробар кўп ишладик. Биз барчадек соат 9дан 5 гача эмас, 5 дан 9 гача меҳнат қилдик.

Биз ишда узоқ ўтириб қолардик, мажлисларимиз тун ярмидан оққанда тугаб, яқинроқдаги меҳмонхонада тунардик (бу вақтда мамлакатда комендантлик соати ҳукм сурарди). Модомики, биз бошқалардан икки баравар кўп ишлаган эканмиз, фирмамизнинг ёши 22 эмас, 44 да дейиш мумкин. Агар бирор киши вақтдан тўлиқ фойдаланиб, биздек тиришқоқлик билан ишлаб, муваффақият қозона олмаса, мен жуда ажабланган бўлар эдим.

Ахир шундай эмасми? Бир кеча-кундуз 24 соатдан иборат. Бу ҳамма учун бир хил. Лекин гап 24 соатдан қандай фойдаланишда. Бирор киши бошқалардан кўра уч бара-

вар кўпроқ ишлапти ёки ўқияпти дейлик. Бу ҳолда унинг учун кеча-кундуз 24 эмас, 72 соатдан иборат. Биз бунда соатлар миқдори ёки сарфланган вақтни эмас, балки унумли, сифатли фойдаланган вақтни ҳисобга олмоғимиз керак.

Вақтни тежаш керак. Вақт фақат бир марта берилади. Нима бир марта берилса — доимо қадрлидир. Айниқса, ёшлик йилларида кексайгандагига нисбатан уч-тўрт марта қадрлироқ. Чунончи, инсон феъл-атвори, кечган ҳаёти ёшлик йилларида вақтдан қандай фойдаланганига боғлиқ.

Қадимги Рим файласуфи Сенека бизга вақтдан қандай фойдаланиш ҳақида доно маслаҳатлар ёзиб қолдирган. “Инсон ҳаёти етарли даражада узун. Агар унум билан яшасак, ҳаётимиз буюк ишларни поёнига етказиш учун етарлидир. Агар вақтингни ўйин-кулги ва ялқовлик билан исроф қилсанг, умрингни хайрли ишларга сарфламансанг, умринг бир лаҳзада исзиз ўтиб кетганини вақти келиб англайсан. Умримиз қисқа эмас, аслида биз ўзимиз уни қисқартирамиз.

Умримизни ўзимиз исроф қиламиз. Агар улкан бойлик исрофгарнинг қўлига тушиб қолса, у бир зумда бу бойликни кўкка совуради, агар арзимаган бойлик, ҳисоб-ки-тоблик хўжайиннинг қўлига тушса, у нафақат бу бойликни сақлаб қолади, балки уни кўпайтиради ҳам. Бизнинг ҳаётимиз ҳам шундай...”

Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Умримиз шу қадар қимматлики, уни беҳуда исроф қилиш ақлсизликдир. Ўтган вақт ортга қайтмайди. Ҳаёт фақат бир марта берилади, биз уни икки марта яшай олмаймиз. Айниқса, ёшлик йилларида вақтга енгил муносабатда бўлманг. Ҳаётда “бўш” дақиқалар бўлмайди. Шундай экан, вақтингизни кайф-сафога ёки бекорчиликка сарфламанг. Яхшиси, ўзингизни нима биландир банд қилинг. Ишонинг, бекорчилик — осон иш эмас.

Нима бўлганда ҳам, вақтни беҳуда ўтказмаслик керак. Доимо нимадир қилинг. Ҳатто энг қисқа вақтни ҳам назардан қочирманг. Озгинадан тўпланиб, кўп ҳосил бўлади. Ҳеч ким сарфлаган вақтингизни сизга қайтармайди. Вақт худди камондан отилган ўқ. У шиддаткор ва қайтмас.

Сиз ёшлигингизданоқ вақтни кадрлашга ўрганмоғингиз керак. Агар ёшлик йилларингизда бирор ишга бир соат вақтингизни берган бўлсангиз менинг ёшимда улкан фо-

изларга эга бўлишингиз мумкин. “Ёшлигингда ўйнаб қол...”, дейилади қадимий корейс кўшигида. Агар сиз бунга амал қиладиган бўлсангиз, менинг ёшимда беҳуда ўтган умр учун қаттиқ изтиробга тушишга мажбур бўласиз.

Ёшлар! Биз — ДЭУдагилар сингари пешона терини, меҳнатингизни аяманг. Вақтни қадрланг. Бу дунёда қимматбаҳо нарсалар кўп. Лекин улар орасида энг бебаҳо-си — вақтдир!

“Мен — аёлман”

Ҳозирги кунда кўплаб олий маълумотли кишилар иш-сиз қолмоқда. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, иш топиш учун яна ўқишга кирадилар, касбларини ўзгартирадилар. Бу, шубҳасиз, ўта жиддий ижтимоий муаммо. Айниқса, аёл киши учун иш топиш жуда қийин.

Яқинда, ҳуқуқшунослик институтини битирган бир аёл узоқ вақт натижасиз иш излашдан сўнг ўз жонига суиқасд қилган. Бу воқеа жамоат ўртасида шов-шувга сабаб бўлди.

Бу дунёда кўп нарсалар ўзгариб кетганига қарамай, кўриниб турибдики, аёлга бўлган эски муносабатлар сақланиб қолмоқда. Аёл тўрт йил давомида эркак билан тенгма-тенг институтда ўқийди. Кейин эса жамият уни деярли инкор қилади, у ўз имкониятларини амалга оширолмайди. Агар бу ҳолат ўзгармас экан, у нафақат айрим фуқаролар учун, балки бутун мамлакат учун ҳам кулфатга айланиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам “ДЭУ” аёллар меҳнатига кўп эътибор беради. “ДЭУ” Жанубий Корейнинг йирик корпорациялари орасида биринчилар қаторида уй бекалари меҳнатини қўлаб, ўқув юртларини битирган аёлларни ишга ола бошлади. Улар орасида фирманинг етакчи ходимлари етишиб чиқди. Бугун ўн икки аёл Ливияда эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилмоқда. Ҳозир кўп нарсалар ўзгариб кетди. Бу — факт.

Мен ҳеч қачон эркак ва аёлни ажратган эмасман, лекин мен бу ерда ёш аёл тўғрисида гапирмоқчиман. Аёл ҳам, эркак ҳам бир хил даражада инсоний фазилатларга эга. Жамиятнинг хоҳ гуллаётган, хоҳ тушкунлик даврида бўлсин — улар ҳаёт неъматларидан баравар баҳраманд бўладилар.

Лекин ҳақиқатан ҳам шундайми? Ўйлашимча, унчалик ҳам эмас. Аёлнинг жамиятдаги ўрни камситилган, у ўзини тўла намоён қила олиш имкониятидан маҳрум. Бунинг сабаблари бор.

Эскирдан сақланиб қолган тушунчаларга кўра, эркак уйдан ташқари ишларга мўлжалланган, аёл эса уй ишлари учун яратилган. Шунинг учун эркакни “кўча киши-си”, аёлни “уй киши-си” дейишади. Эркак ва аёлнинг жамиятдаги ўрнига шундай қарашлардан келиб чиқадиган бўлсак, айтиш мумкинки, бизда ҳозир патриархал жамият ва унинг марказида эркак туради. Шунинг учун ҳам бизда ҳозиргача меҳнат бозори жуда тор.

Ваҳоланки, аёлнинг жамиятдаги чеklangан роли фақат бунгагина боғлиқ эмас. Бундан ҳам муҳимроқ сабаблари бор. Ўйлайманки, бу ерда гап нимадалигини корейс аёллари ўзлари яхши тушунадилар.

Албатта, ижтимоий муҳит кўп нарсани белгилайди, лекин ҳарҳолда тан олиш керакки, аёлларда масъулият ҳисси эркакларникига қараганда камроқ ривожланган. Кўпгина аёллар тахминан шундай фикр юритадилар: институтни тугатиб, икки-уч йил ишлайман-у, турмушга чиқаман. Улар ишлаб чиқаришни гўё бошқа йўналишга ўтиш бекари деб ҳисоблайдилар. Ишга тўлиғича берила олмайдилар. Шунинг учун ҳам бутун умрини ишга бағишлайдиган эркак билан икки-уч йилдан сўнг ишни тарк этишга шай турган аёлга бир хил муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: бирор иш участкасини ўзлаштириш учун камида ярим йил керак. Бу танишув даври. Янги ходим мустақил ишлашга ўрганиши учун яна камида икки йил кетади. Аммо орадан икки-уч йил ўтмасдан, умр йўлдошини учратиб... Ўз-ўзидан равшанки, фирма шундай режадаги ходимлардан хурсанд бўла олмайди.

1984 йили институтни битирган кўпгина қизларни қабул қилдик. Мен ўшанда уларнинг келажак режалари ҳамда турмушга чиққандан сўнг ишда қолиш-қолмасликлари билан қизиқдим. Уларнинг 90 фоизи ижобий жавоб бердилар. Орадан беш йил ўтди. Икки юз нафар қабул қилинганлардан юз нафари аввалгидек ишламоқда. Ўтган вақтлар билан таққосланганда буни тараққиёт деб ҳисоблаш мумкин.

Бунгача “ДЭУ” да икки марта — 1972 ва 1975 йилларда олий ўқув юртларини битирган қизларни ишга қабул

қилиш бўйича тажриба ўтказилган эди. Бизда ишламоқчи бўлганларнинг аксарияти ишлаб чиқаришни “ўтиш бека-ти” деб ҳисоблашган ва иккала гал ҳам институтни би-тирган қизларни ишга олишни тўхтатиб қўйган эдик. Ле-кин оқибатда, қизларнинг онги ўзгардими, ёки ижтимо-ий муҳит ўзгардими, ҳарҳолда, 1984 йилга келиб силжиш юз берди.

Мен катта авлод вакили, бизнесмен сифатида ҳаётга қадам қўяётган қизларимизни йигитларимиз билан бир-галикда мамлакат келажаги учун масъулиятни дадил қабул қилишга йўллайман.

Биринчидан, ўз тақдирингиз ўз қўлингизда эканлиги-ни ҳеч қачон унутманг. Кўпинча эркаклар ҳукмрон бўлган жойда аёллар камситилаётганлигидан шикоят қилишади. Лекин ўйлашимча, бунга аёлларнинг ўзи айбдор, кўпинча улар ўзларига камситишни тилаб оладилар. Улар “мен — аёлман” ёки “аёл буни бажара олмайди-ку” деб ўзларига “алоҳида” муносабатда бўлишни талаб қиладилар.

Бундан ташқари: аёл ўз эрини ўйлаб ўтирмай “хўжайин” деб атади. Хўжайин-а? Қанақасига эрингиз сиз-нинг хўжайинингиз бўларкан? Никоҳнинг моҳияти шун-дами? Аёл “хўжайин” аталмиш суянчиққа эга бўлади ва унга бўйсунди, эркак эса унинг измида ўтирадиган со-диқ “канизак”ка эга бўлади. Бу яна турмуш қуриш деб аталадими?

Турмуш қуриш — бир кишининг иккинчи киши усти-дан ҳукмронлиги, бирининг иккинчисига бўйсунishi эмас, балки тенг ҳуқуқли икки кишининг иттифоқи-ку?! Кўри-ниб турибдики, мамлакатимиздаги кўп аёллар ўз ҳаёт-ларининг хўжайини бўлишни ўзлари учун ортикча даҳма-за деб ҳисоблайдилар. Баъзилар айтадиларки, институтда тўрт йил ўқиш — муносиб жуфт, ўз “хўжайин” ларини топиш учунгина керак. Агар аёлни ўз тақдирининг соҳи-баси бўлиш учун тайёрлайдиган олий маълумот фақат ўз жуфтини топиш учун зарур бўлса, бу ўтакетган ачинарли ҳолдир. Бу йўл билан қандай қилиб эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига эришиш мумкин?

Азиз аёллар, ёдингизда бўлсин: сиз ва фақат сизгина ўзингизга хўжайинсиз. Эркак ҳам, аёл ҳам шахс сифатида дунёга келади. Ўзини шахс деб ҳис қилиш учун “Мен ўзим-га хўжайинман. Хўжайин — бу мен” деган фикрни ўзлаш-тириб олиш керак. Сизнинг ота-онангиз ҳам, эрингиз ҳам сизга хўжайин бўла олмайдилар.

Албатта, хўжайин бўлиш айтишгагина осон. Амалда эса анча қийинроқ. Ходим нимани буюрса шуни бажаради, хўжайин эса ўзи ўйлаб ҳаракат қилиши лозим. Хўжайин бўлиш — ҳамма нарса учун жавоб бериш демакдир.

Иккинчидан, ёш аёлларга маслаҳатим: ишланг, ўсиш учун ўзлингизни намоён қилинг. Ўзини хўжайин деб ҳис қилган одамнинг ҳаёти мана шунда.

Ўқувчилик йилларида қизлар кўп ўқийдилар, мусиқага қизиқадилар, кейинчалик эса камроқ ўқишга, мусиқани ҳам ташлашга — албатта, ҳамма ҳам эмас — мажбур бўла-дилар. Боз устига, турмушга чиққандан сўнг аёллар оила ташвишларига бошлари билан шўнғиб кетадилар. Бунда ўзлингизни унутиб қўядилар. Китоблар ҳам, мусиқа ҳам бир четда қолади. Нима учун шундай бўлади?

Инсон қанча ҳаракат қилса, шунча ўсади, ривожлана-ди. Бунда эркак ва аёл ўртасида фарқ бўлмайди. Ўз муно-сиб ўрнини топиш ким қандай ўқиши ва меҳнат қилиши-га боғлиқ. Инсоннинг камолоти чегараланмаган, ким бош-қалардан кўпроқ ўқиса, у бошқалардан комилроқ бўлади.

Шунинг учун ҳам мен ёш аёлларга ўз шахсларини ка-мол топгириш учун, қадр-қимматларини улуглаш учун ти-нимсиз меҳнат қилсинлар деб бот-бот айтаман. Вақт ўта-веради, кимдир юқорига ўсади, кимдир тубан кетади. Нима учун? Жавоби қисқа: бу, ўз устида тинимсиз ишловчи би-лан ҳеч қандай ҳаракат қилмайдиган киши ўртасидаги фарқда. Кечаги ўртамеёна одам, агар кунт билан ўқиса ва ўз устида ишласа, ҳаммадан олдинга ўтиб кетиши мум-кин ёки аксинча бугунги ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолган, ўз устида ишламай қўйган истеъдод эгаси эртага ўртамеёна кишига айланиб қолиши муқаррар.

Юқорига интилишда ирода муҳимдир. Коллежни ту-галлаганда ҳам, ҳатто турмушга чиққандан кейин ҳам ўз ривожингиздан тўхтаманг. Эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмайдиган, ўсаётган, ривожланаётган аёл бўлмоқ лозим. Мен бундай аёлни қадрлайман. Ўз устида тинмай ишлайдиган аёл — кучли аёлдир. Ўз устида тин-май ишлайдиган ва тўлақонли ҳаёт кечирадиган эркак ҳам, аёл ҳам ҳурматга сазовордир.

Жамиятга фойда келтирмоққа жазм қилган аёлларга яна бир насиҳатим — ўзингизни профессионал деб ҳис қилинг. Шунчаки ижрочи бўлиб қолмаслик керак. Бу аёл учун ҳам кечаги кундир. Шунинг учун ҳам аёлни хушла-майроқ ишга қабул қиладилар.

Агар сиз сўзда эмас, амалда эркаклар билан тенгликни ҳис қилмоқни истасангиз, ўз ишингизда барча имкониятлардан фойдаланинг. Ўз устингизга масъулиятни олишдан қўрқманг, ҳеч бўлмаса, ҳар қандай ишни эркаклардан ёмон бажармасликка ҳаракат қилинг. У сизни ўз касбининг устаси деб тан олишларига йўлдир. Фақат шундагина сиз тadbиркорларнинг аёлларга бўлган эскича дунёқарашларини ўзгартира оласиз.

Американи-ку қўя турайлик, балки кўплаб Осиё мамлакатларида ҳам аёллар ишлаб чиқаришда масъул вазифаларда ишлаб келмоқдалар, уларни ҳатто компания раҳбари лавозимларида кўриш мумкин. Улар жамият ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар, қобилиятлари кўп соҳаларда ўз татбиқини топмоқда. Мен бизнинг аёлларимизнинг қобилияти камроқ деб ўйламайман.

Ишончим комилки, бу ерда гап уларнинг ўз касбларига муносабатлари заифроқ ривожланганлигида. Ҳеч бўлмаса турмушга чиққунча хотиржамроқ яшайман-ку, деб ўйлашади аёллар. Лекин бундай фикрга қўшилиш қийин. Агар аёл киши фирмага шундай режалар билан ишга кирган бўлса, фирмага фойда келтира олмайди ва бундайлар нари борса оддий ижрочи бўлишлари мумкин, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайдилар.

Сўзим охирида келажакимиз учун масъулиятнинг тенг ярмини зиммаларига олишлари лозим бўлган аёлларга бир неча маслаҳатларимни такрорламоқчиман. Булар: ўз тақдирининг соҳибаси ўзи эканлигини англаш; ўз устида тинмай меҳнат қилиш; ўзини профессионал деб ҳис қилиш. Фақат шу йўл билангина, эркаклар устун бўлган жамиятда ўрнашиб қолган аёллар иккинчи даражали хизматчилар, деган фикрларни енгиб ўтадилар. Шундай экан, ўз ҳаётингизнинг эгаси бўлинг ва аёлларга бўлган қарашларнинг янглиш эканлигини ишингиз билан исботланг. Ҳақиқий хўжайинлардек меҳнат қилинг, ўсиб-улғайинг. Доимо фаол, тўлақонли ҳаёт кечиринг.

“Кафе очиш” шартми?

Мен бугун нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига 25 июнь сабабчи деб кўп гапираман. 1950 йил 25 июнининг азоб-уқубатлари ва машаққатлари. Шу куни Корейанинг шимоли ва жануби ўртасида уруш бошланган эди. Мен

ҳаётга нисбатан эрта қадам қўйдим. Ўшанда деярли гўдак эдим, лекин оиланинг ташвишлари зиммамда эканлигини ҳис қилардим. Ўшанда қийинчиликлардан қўрқмасликка, турмуш машаққатларини енгишга ўргандим.

Биз дунёда тинч-омон яшаш нақадар қийинлигини тушуниш учун Будданинг “Ҳаёт — уқубатлар дунёсидир” деган ақидаларидан бирини келтириш шартмикан? Ҳаётимиз равон йўлдан иборат эмас. Бу мудом атиргуллар очилиб ётган гўзал боғ ҳам эмас. Эҳтимол, бу ерда атиргуллар бўлар, балким улар тиканаклар билан қоплангандир. Атиргулларни ҳавас қилар экансан, унинг новдаларидаги тиканларни унутма! Ўз навбатида, тиканлардан қўрқиб атиргуллардан ҳазар қилиш ҳам бемаъниликдир!

Тиканаклардан — машаққатлардан қўрқмаслик керак. Кимки юраксизлик қилар экан, у сафдан чиқади. Машаққатларни енга олган одам ғолибдир. Ғолиблар кейинчалик шуни тан оладиларки, улар ғалабага чиройли атиргул туфайли эмас, балки унинг танасини қоплаган тиканаклар билан курашиш машаққатларини енгиш туфайлигина эришганлар. Шунинг учун ҳам ҳозирги Ким У Жунгни 25 июнь яратган деб такрорлашдан чарчамайман. Яна айтаманки, қийинчилик даври — бу имконият. Нимагалигини билмайману, лекин имконият фақат қийинчилик даврида туғилади. Имкониятлар қийинчиликлардан юзага келади.

Менга яхши бўлса, бошқаларга ҳам ёмон эмасдир. Қулай шароитларда ҳамма ҳам яхши ишлаши мумкин. Бундай паллада эришган қандайдир ютуқларимга алоҳида аҳамият беришим шартмикан? Масалан, қобилиятли ва ақлли студентни олайлик. У ўз ақлига суянади. Айтайлик, коллежнинг биринчи ва иккинчи курсларида шунчаки, ўртамаёна ўқийди. Кейин эса ҳаракатга тушади ва тиришқоқлик билан шуғулланади. У ўзича ўйласа керак: “Мен, ахир, шу пайтгача юзаки ўқидим, агар учинчи курсдан бошлаб сал-пал ҳаракат қилсам, ҳаммаси яхши бўлиб кетади...”

Бўлармикан? У ўзи ўйлагандек юқори балларни ола билладими? Икки баравар, уч баравар тиришқоқлик кўзлаган натижаларни берармикан? Йўқ, бундай бўлмайди. У қанчалик ҳаракат қилмасин, энди формага кира олмайди.

Юқори курсларда бошқалардан олдинда бўлиш учун ҳамма яхши ўқишга ҳаракат қилади. Бироқ бошқалардек шуғулланишнинг ўзи етмайди. Агар бошқалардек шуғул-

лансанг, сен улар билан бир қаторда бўласан, олдинда эмас. Бошқалар дам олаётган, қўлни-қўлга уришга эриниб турган ёки қийинчиликлар олдида пайсаллаб турган бир пайтда эринмай меҳнат қилган одамгина оқибат-натижада ғалаба қилиши мумкин. Кимки қийинчиликларни енгиб, ўзига имконият топа олар экан, ўша муқаррар ғалаба қилади.

Бўхрондан фойдаланишни билиш керак. Кризис — бўхрон маъносидаги “виги” сўзи икки иероглиф ёрдамида ёзилади. Биринчи иероглиф “ви” нинг маъносини чақинг. Бу хавф-хатарни билдиради. Иккинчи иероглиф “ги” — “имконият” дегани.

“Виги” — “кризис” сўзи қарама-қаршиликдан иборат. “Кризис” сўзи икки ёқламадир. Унинг салбий ва ижобий маънолари бор. Гўёки, манфий ва мусбат ёнма-ён келгандай.

Агар пессимист ҳаммаси барбод бўлди деб ҳисоблаб, қўл қовуштириб ўтирса, оптимист бундай вазиятда ҳам имкониятини топиб фаол ҳаракат қилишга тиришади. У “ви” — “хавф-хатар”да ҳам “ги” — йўл, имкониятни кўра билади. Таваккалсиз муваффақият, курашсиз ғалаба йўқдир.

Албатта, баъзан кураш мағлубият билан тугайди. Мен мағлубиятдан қўрқиб ҳеч нарса қилмайдиган одамни эмас, таваккал қилиб курашга ташланган одамни ҳурмат қиламан.

Ёшлар хато қилиш, ютқизишга ҳақлидир. Ижрочи ўз моҳиятига кўра хато қилишдан қўрқиш нималигини билмайди. Лекин бундай одамлар катта ишларга қодир эмаслар. Қандай қилиб, ҳеч бўлмаса бир марта мағлубият аламини тортмай туриб, улкан ишларни амалга ошириш мумкин?

Шу нуқтаи назардан, очигини айтсам, ёшларимиздан мамнун эмасман. Улар ўта нимжон ва иродаси бўшдирлар. Улар таваккал қилмайдилар, бори билан кифояланиб осойишта ҳаёт ва моддий хотиржамликни ўйлайдилар, холос.

Шубҳасизки, бунда ўз болаларини ўта эҳтиётловчи ота-оналар айбдор. Қайси ота-она ўз фарзандини яхшироқ овқатлантиришни, бошқалардан кўра яхшироқ кийинтиришни хоҳламайди? Фарзанди бахтли бўлишини истайми? Сизни ҳақиқатдан ҳам фарзандингизнинг келажаги ташвишлантирар экан, оқил бўлмогингиз лозим.

Телбаларча севги эмас, балки ҳаддан зиёд сахийликни тийиб турувчи режали, обдон ўйланган ёндашув лозим.

Ўйлайманки, севиш — бу болани севги уммонига чўмиш-чўмилтириш деган гап эмас. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига ҳаддан зиёд кўр-кўрона севгиси уларни ота-онага боғлаб қўяди, ўта қўллаб-қувватлаш болаларнинг иродасини заифлаштиради ва уларни ҳаётга мослашишига йўл бермайди.

Эскилардан қолган гап бор: “Таъзир бермасанг, таъзир ейсан”. Севимли фарзандини тарсакилашни ёқтирадиган ота-она топилармикан?! Бунинг устига, ҳозир оилаларда болалар сони анча камайган. Ҳозир турмуш ҳам анча яхшиланди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам болаларни кўпроқ севишса керак. Лекин болани жазолаб ота-она қанчалик изтиробга тушишини айтинг. Ахир, болалар бугун ҳам биз учун худди аввалгидек қадрли-ку!

Рисоладаги болани тарбиялаш учун уни жазолаш ғоят ачинарли ва азоблидир, лекин унинг келажагини ўйлаб, агар лозим бўлса, жазолаш керак. Ахир, уни мустақил ҳаёт кутаяпти. У ота-онаси билан умрбод яшамайди-ку!

Мисол учун бизнинг фирмани олайлик. Янги ишга қабул қилинган одамлар 10-20 ой ўтмасданоқ бўшаш тўғрисида ариза берадилар. Сабаби битта: қийин, чидай олмайдилар. Уларнинг аксар қисми аспирантурага ёки чет элга ўқишга кетадилар. Буларнинг ҳаммаси менга жуда ҳам ёқавермайди.

Наҳотки фан, шунчалар оддий ва ҳар ким шуғуллана оладиган, ишлаб чиқаришнинг илк давридаёқ чидамаган шахслар ўзини унга урадиган машғуллот бўлса?!

Агар одамлар фанга ўз қалби амри билан бормаса ёки фанда ўз сўзини айтишга қалб кўри билан жазм этмаса, демак, улар фанни ҳам ҳурмат қилмайдилар.

Бир кун мен юқори курс студенти билан суҳбатлашиб қолдим. У мамлакатдаги энг машҳур Менлун Университетининг Бошқарув факультетини тугатаётган эди. У менга эсли-хушлидек кўринди. Ундан ўқишни битиргандан кейинги режалари ҳақида сўрадим.

— Университетдан кейин ишлайсизми?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, бизга келинг.

— Йўқ, мен “ДЭУ” да ишлашни хоҳламайман.

— Нима учун?

— Сиз кўп ишлашга мажбур қиласиз.

— Унда сиз қаерда ишламоқчисиз?

— Чет эл фирмасига бораман. У ерда яхши тўлашади, бўш вақт ҳам кўпроқ.

Биз тезда суҳбатни тугатдик. Яна нима ҳақида гаплашиш мумкин? Мен уни “ДЭУ” да ишлашдан бош тортгани учун айблай олмадим. Унинг мўмай иш ҳақи топиш истагини тушунаман. Мени бошқа нарса таажжублантирди. У чет эл фирмасида 5 йил ишлаб маблағ тўлагач, дугонаси билан биргаликда кафе очмоқчи экан.

Мен кафега қарши эмасман. Муносибгина иш. Мени бошқа жиҳати — мамлакатдаги энг яхши Университетнинг студенти шундай калтаўйлик билан ўз тақдирини ҳал қилаётгани ташвишлантиради. Нима учун шундай бўляпти? Эҳтимол, нафс унинг виждон амридир. Наҳотки, бошқа студентлар ҳам шундай фикр юритсалар?

Қафасдаги қуш ташвишсиз яшайди. Дон изламайди, ҳамиша иссиқ, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Аммо биров қафасдаги қушга ҳавас қилмайди. Албатта, озод қуш емиш излаб учиши, уя қуриши, ҳатто ўз ҳаётини ҳимоя қилиши керак. Лекин барибир у чексиз осмондаги парвозни, эркинликдаги хавф-хатарни қафасдаги тинч, беташвиш ҳаётдан афзал кўради.

Агар қафасда ўсиб улғайган қушни қафасдан чиқариб юборсангиз, ўндан саккиз-тўққиз ҳолатларда қуш эркинликдаги ҳаётга мослаша олмайди ва ҳалок бўлади. Қафасдаги осуда ҳаётга, инсон қўлидан емиш ейишга ўрганган қуш энди кенг осмонда эркин учиш учун яратилган қуш эмас.

Инсон бу бепоён оламда эркин яшамоғи керак. Қафасдаги қуш каби тинч, беташвиш ҳаёт ҳақидаги фикрларни улоқтириб ташлаш лозим. Қийинчиликлар олдида чекинмаслик, мағлубиятлардан кўрқмаслик даркор.

Шундай қилинги, токи бахтсизлик омадга айлансин, қийинчилик ва кулфатлар олдида чекинманг, ҳаётга диллик билан қадам ташланг ва олға интилинг. Бу ёшларнинг ҳуқуқидир, бу — сизнинг ҳам бурчингиздир.

Қуёш Шарқдан чиқади

Агар умумжаҳон тарихи китобини варақлайдиган бўлсангиз, ҳатто энг ривожланган мамлакат ёки буюк маданият ҳам жаҳонда чексиз равишда олдинги ўринда бўла

олмаслигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўз вақтида мустаҳкам туюлган қудратли салтанат ҳам эрта-ми-кечми парчаланadi. Тарих сабоқлари шундай.

Миср ва Месопотамиянинг ажойиб маданияти қаерга кетди. Қани ҳозир Рим салтанати? Бу маданиятлар ва қачонлардир дунёга ҳукмронлик қилган мамлакатлар ҳақида бугун сизга фақатгина тарихчилар ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

Замонлар ўзгаради. Вақти келиб баъзилари эстафетани бошқаларга беради. Ҳеч ким бу жараённи ортга қайтара олмайди. Бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилиш учун янги замон тарихини эслаш кифоя. Испания ўз ўрнини Англияга бўшатди, Англия эса эстафетани Америкага берди. Эндиликда эстафета Япония ва Тинч уммонидаги бошқа мамлакатларга ўтмоқда. Цивилизациянинг маркази Шарққа кўчмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, бизнинг мамлакатимиз жаҳон сахнасига янги роль билан кириб келмоқда. Мен бу ҳақда тасодифан гапираётганим йўқ. Жаҳон бизга нигоҳ ташламоқда. Сиз ёшлар жаҳонни бирлаштириш буюк даврининг асосий ҳаракатлантирувчи шахслари бўласизлар. Менинг авлодим — ривожланаётган давлат сифатидаги Корея Республикасининг охириги авлодидир, деган гапни мен тез-тез такрорлаб тураман. Сиз эса ривожланган, илғор мамлакатнинг биринчи авлоди бўлмоғингиз лозим. Баъзи ёшлар Америка, Англия ёки Франция сингари илғор мамлакатларда эмас, камбағал, кичик ҳудудга эга бўлган Кореяда туғилганликларидан зорланишади. Майли, биз ҳозирча бу мамлакатлардан ортдамыз, лекин улар эндиликда бамисоли ботаётган қуёш, бизнинг мамлакатимиз эса — чиқаётган қуёшдир. Сиз яхши кунлари тарих бўлиб қолаётган мамлакатларда эмас, илғор бўлишга чоғланаётган Корея Республикасида туғилганлигингиз учун ўз тақдирингиздан миннатдор бўлмоғингиз лозим. Сиз бош қаҳрамонлар бўлиб туғилгансиз, Умумжаҳон тарихи аталмиш спектаклнинг бош ролларини ўйнамоғингиз даркор. Яхлит дунё аталмиш буюк давр сизларга тегишлидир. Мана шунинг учун ҳам тақдирга шукрона айтинг.

Бундан йигирма йил олдин мамлакатимиз ўта қашшоқ бўлиб дунёда ҳеч ким эътибор бермас эди. Биз бамисоли қудуқдаги қурбақадек эдик.

Аммо, бизнинг авлодимиз қолоқликни енга олди, иқтисодни кўтарди, шаҳарларни янгитдан қурди, денгизорти

бозорларни ўзлаштира бошлади. Учподишоҳлик давридан сўнг биринчи марта бизни жаҳонда тан олишларига эришдик. Биз шундай қилиб қудуқдаги қурбақа тақдирини четлаб ўта олдик.

Албатта, биз омон қолиш учун жаҳонга чиқишимизга тўғри келди. Бизнинг ҳудудимиз кичкина, аҳоли зичлиги эса юқори. Аҳоли зичлиги бўйича Бангладеш ва Тайвандан кейин учинчи ўринда турамыз. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, бизнинг еримиз экин майдонларию табиий ресурсларга бой эмас. Таъбир жоиз бўлса, ҳеч нарса йўқ, катта бўлмаган бир парча ерда тўпланган улкан халқни боқиш керак эди. Мана, нима учун ташқи оламга чиқмаслик сира мумкин эмас эди.

Энди эса, биз ташқи оламга фақат шу сабаблигина нигоҳ ташлаётганимиз йўқ. Биз жаҳон бозорига интилоқдамиз. Бизнинг ўрнимиз саҳна ўртасида! Жаҳон оркестридаги биринчи скрипкани биз чалмоғимиз лозим!

Биз куч тўплашимиз керак. Сизнинг рақибингиз — сизнинг синфдошингиз эмас. Кўзингизни очинг. Билингни, ҳозир денгиз ортида, қаердадир — Япониядами, Америкадами ёки Хитойда худди сиз каби иззатталаб ўйлар билан чулғонган ёшлар жаҳон майдонидаги биринчи ролларга тайёрланмоқдалар, улар тунни-кунга улаб ўқимоқдалар, компьютерлар олдида жилмаётирлар. Мана, улар, сиз билмаган нотаниш рақибларингиз.

Жаҳон жамиятининг бўлажак сардорлари, менинг бир неча лўнда ва амалий маслаҳатларимга қулоқ солинг:

Аввало тиришқоқлик билан чет тилларни ўрганинг. Сиз жаҳондаги кўплаб халқлар вакиллари билан учрашасиз. Улар билан муомала қилиш учун бир-бирингизни тушунишингиз керак.

Ҳеч бўлмаса, инглизча равон гаплашишни ўрганиб олинг. Бундан ташқари, хитойчами, французчами, русчами, япончами, немисчами, испанчами тиллардан бирортасини эгалланг. Агар чет тилини билмас экансан, Кимпхо аэропортининг ташқарисидаёқ соқовдан фарқинг қолмайди.

Чет элликлар тилимизни билсалар яна ҳам яхши бўлур эди. Жаҳон майдонида таъсиримиз кучайганда улар бизнинг тилимизни ўрганишларига тўғри келади. Мен ишонманки, албатта, шундай замон келади. Лекин, ҳозирча, биз уларнинг тилларини ўрганишимиз лозим.

Бўлажак, буюк ҳамкорлик ўрнатилган дунёда яшаш ва ишлаши лозим бўлган сизлар автомашинани ҳам, компьютерни ҳам бошқаришни билмоғингиз керак. Сиз ҳар қандай шароитда ишлай билишингиз керак. Ҳамма нарса ҳам хоҳлагандек, ҳамма ерда ҳам қулай шароитлар бўлавермайди. Кутилмаган вазиятлар юзага келиши мумкин, бундай ҳолатларда вазиятга мос ҳолда иш юритиш лозим. Ҳозир мамлакатимиз анча бойиб қолди, ҳамма машинада юради. Яқин келажакда компьютер уй хўжалиги, мактаб ва фирмаларда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун замонавий жамиятда яшашга тайёрланинг, автомобиль ва компьютерни ўзлаштиришга вақтингизни аяманг. Буни сиз четлаб ўтолмайсиз.

Халқаро майдонга чиқа туриб, яна бир ҳақиқатни унутманг. Зарурат туғилиб қолса, ҳар қандай рақибни бир уришда қулатадиган кучли муштингиз бўлсин. Мени тўғри тушунишингизни сўрайман, мен ҳеч кимни катта йўлда зўравон бўлишга чорлаётганим йўқ. Фақат ўзини ҳимоя қила олишни, ўзлигига ишонишни, ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳан тушмасликни назарда тутаяпман.

Мен ўз хизматдошларим билан чет элларда кўп бўлганман. Бизнинг ходимларимиз билимда ва техникани бошқара билишда ҳеч кимдан қолишмайдилар. Улар Судан ва Ливия каби Африка мамлакатларида ишладилар.

Бундай кишилар АҚШ ёки Япония каби илғор мамлакатларда ҳам муносиб меҳнат қилмоқдалар. Кимки Африкада жонини жабборга бериб ишларкан, у ҳар қандай бошқа мамлакатда панд бермайди. Бундай кишини ҳеч ким доғда қолдиролмайди, қисувга ололмайди, у ўзини ҳимоя қила олади. Шунинг учун энг иззатталаб ходимларни Африка ёки Яқин Шарқдаги филиалларимизга ишга йўллайман. У ерда шароит жуда ноқулайдир. Бир неча йилдан сўнг уларни Америка ва Англия каби илғор мамлакатлардаги филиалларга ўтказаман. Шунда қийинчиликларни енгиб ўтиш учун курашда енгиб чиқиш қобилияти шаклланади.

Тушкунлик даврида бир қонуният юзага келади. Ижодий меҳнатнинг кадр-қиммати пасаяди, ахлоқ нормаларини менсимаслик кучаяди. Ҳар қандай цивилизация, исталган мамлакат билан шундай бўлган. Америка ҳақида гапирганда буни бугун хавотир билан эслашади. Бу ҳодисани илғор мамлакатлар касаллиги деб аташади. Нима учун касалликларни қабул қилишимиз керак экан?

Бизнинг ёшларимиз Фарбнинг бутун борлигини орқа-ўнга қарамай идеаллаштиришга мойилроқ, лекин у ердаги ёмон тажрибани ҳам ўзлаштиришимиз шарт эмас-ку?!

Улар юксакликда, халқаро жамият бошида турганларида биз уларга ўхшашга интилдик. У пайтда бизнинг ширларимиз такомиллаштириш, индустрлаштириш ва европалаштириш эди. Аммо чиқаётган қуёш ботаётган қуёшдан ўрнак олмаслиги керак.

Улар юксакликда, халқаро жамият бошида турганларида, биз ёш, тажрибасиз эдик. Агар биз кексаларга тақлид қилсак, у ҳолда умумжаҳон тарихининг қаҳрамонлари бўлиб улгурмаёқ улар ортидан пастга қулаймиз.

Биз кўз тикиб турган жаҳонга ўз кучимиз, ёшлик ғайратимизни намоёиш қилишимиз керак. Буни сиз — ёшлар қилмогингиз лозим.

Сиз авлодимизнинг умид куртакларисиз. Биз жаҳон миқёсидаги қаҳрамонлар бўлиб улғайиш ҳамда умумжаҳон тарихи саҳнасида бош ролларни ўйнашларингизни хоҳлаймиз!

Сизлар жаҳон халқларининг буюк ҳамкорлиги қарор топган даврдаги Корея Республикасининг илк авлоди эканлигингизни унутманг!

Кечқурун гоҳо икки маҳал овқатланаман

Мендан соғломлигингиз сири нимада, деб сўрашади. Мен бошқалардан фарқи равишда кўп ишлайман, тинимсиз йўл юраман. Шунинг учун ҳам одамлар мени соғлом юришнинг қандайдир муҳим сирини яширмайтимикан, деб қизиқишади.

Афсуски, менинг ҳеч қандай сирим йўқ. Шу пайтгача ўз саломатлигимга эътибор бериш имкониятига эга бўлмаганман. Балким, мақтаниш бўлиб туюлар, лекин ўзимни ҳали ёш деб ҳисоблайман. Худога шукр, ҳозирча соғлигим тўғрисида қайғуришимга тўғри келмаган.

Уруш йиллари, Тэгуда эвакуация бўлган вақтда газеталар сотардим ва кунига 10 километрдан ошиқ йўл босар эдим. Эҳтимол, шу тарзда мен ўз саломатлигимга асос солгандирман. Студентлик йилларимда бокс ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулландим. Лекин қачондир ўз соғлигимга кўпроқ эътибор берганимни эслай ол-

майман. Баъзилар ўйласа керак, бу бизнесмен ҳам гольф билан шуғулланади деб. Камина бирор марта ҳам гольф ўйнамаган. Аслида менда бундай кўнгилхушлик учун ҳеч қачон вақт бўлмаган ва умуман, менимча, гольф спорт эмас.

Бир куни машҳур япон бизнесмени Доко Досионнинг китобиди у гольфга қизиқмаслигини ўқиб қолиб, роса қулганман. У одатда гольф ўйнашни таклиф қилган ўз хизматчиларига шундай жавоб бераркан: “Коптокни кичкинагина чуқурчага туширишнинг нимаси қизиқ экан? Мен учун фирма ишлари билан шуғулланиш бундан кўра қизиқроқ”.

Мен ҳам шундай фикрдаман. Гольф ўйинидан бирор қизиқ нарса топмадим. Мен учун қувонч — ишда, ишдаги муваффақиятим танимга ғоят катта завқ бағишлайди. Ҳатто ўз саломатлигинг учун бўлса ҳам тўп суришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Мен ҳақиқатан ҳам саломатлик учун зарур бўлган бошқа кўпгина спорт турларини биланман. Шунга қаттиқ ишонаманки, иш билан банд одам учун умуман спортга эҳтиёж йўқ.

Соғломлаштириш клубларидаги югуриб тер тўкаётган одамларни кўриб, “наҳотки улар тер тўкиш учун муносиброқ иш тополмасалар?! деб ўйлайман. Кун сайин саломатлик клублари ва ҳаммомларнинг сони ортиб борапти. Демак, шу тарзда саломатлигини эҳтиёт қилаётган одамлар сони ҳам ортмоқда. Мен шу йўл билан саломатлигини мустаҳкамлаш учун пулни исроф қилаётган одамларга тушуна олмайман.

Менинг иштаҳам ёмон эмас, овқат танламайман, бу ҳам саломатликнинг гарови деб ўйлайман. Махсус таом емайман, кўп ейман ва бирпасда овқатланиб бўламан. Жуда кўп ишлаганим учун кўп ейман. Овқатни тўғри келган жойда ва нима беришса еявераман. Вақтим доим тигиз бўлганидан овқатни бирпасда паққос тушуриб қўя қоламан.

“Аталадан аъло дори йўқ”, деган эскирдан қолган гап бор: Ўйлайманки, агар таом иштаҳа билан ейилса, ҳеч қандай дорининг кераги йўқ.

Овқат танламаслик ва ҳар қандай таомдан лаззатлана билиш керак. Ўта таъби нозик одам ўз мамлакатидан ташқарида ишлай олмайди.

Буни осонгина тушуниш мумкин: чет элга чиққанингда ҳар хил одамлар билан тўқнашасан ва ҳар хил таомларни тотиб кўрасан. Африкада эчки гўштини есанг, Яқин

Шарқда — қўй гўштини ейсан. Агар сенга овқат ёқмаса ҳам сир бой берма, иштаҳа билан есанг, одамларга ёқади. Бу ҳам одамларни бир-бирига яқинлаштиради.

Агар савдо-соғиқни йўлга қўймоқчи бўлсанг, бу янада муҳимроқдир. Шунақасиям бўлиб турадики, кечки овқатга икки соат фарқи билан бирваракайига иккита таклифнома оласан. Бундай ҳолларда мен ноз қилиб ўтирмай, иккала сафар ҳам иштаҳа билан ейман.

Бахтимга иштаҳасизлик менга ёт. Эҳтимол, чет элдаги муваффақиятларим сабаби шундадир.

Албатта, овқатни тез ейиш одатимни мақбул деб бўлмайди. Лекин бу одат қонимга сингиб кетган, уни ўзгартиришнинг иложи йўқ. Агар хизматдошларим билан тушлик қиладиган бўлсам, бу айниқса кўзга яққол ташланиб қолади: ходимларим овқатларининг ярмини еб улгурмасданоқ мен тушликни тугатиб, идиш-товоқларимни йиғиштириб бўламан. Ўзим билан чет элга борадиган ходимларга менинг бу одатимга мослашишларига тўғри келади.

Айтишларича, Наполеон кечки овқатга 12 минут, тушликка эса 8 минут сарфлаган экан. Демак, ўтмиш замонларда ҳам ҳозиргидек ишга банд одамлар ҳатто овқатланишда ҳам вақтни тежаган эканлар.

Мен овқатланиш тўғрисида гапни чўзиб юборганга ўхшайман. Сизга шуни айтмоқчиман: саломатликни сақлаш учун ҳеч қандай дори ичиш ёки клубларга қатнаш шарт эмас. Фақат соғлом турмуш тарзи туфайлигина сihat-саломат юриш мумкин. Менинг фикрим шундай.

Тагин бир гап. Агар биз саломатлигимиз билан ортиқча шуғуллансак, ҳаётнинг маънавий томонини назардан қочиришимиз мумкин. Маънавий соғломлик ҳам муҳим. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлигини уйғунлаштира олган одамнигина чинакам соғлом дейиш мумкин. Жисмоний жиҳатдан соғлом, лекин маънавий жиҳатдан қашшоқ одамни бир тасаввур қилинг. У одам “муштумзўр”га айланади ва бундай одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Ким айтади уни соғлом деб? Қачонки одамда соғлом маънавият ва эркин фикрлар бўлсагина жисмоний соғломлик чуқур маъно касб этади.

Мен — бизнесмен бўлсам-да, маънавий қадриятларни моддий қадриятлардан устунроқ қўяман. Бизнесмен ўз меҳнати билан яшайди, у ҳеч қачон бўрдоқига боқилган чўчқага ўхшаб қолмайди. Агар оч сукротни овқатлантурсанг тўяди, лекин у ёғи тирсиллаб турган чўчқага айланиб

қолмайди-ку, ахир. Агар бойлик орттириш, моддий бойликларни кўпайтириш учун инсон чўчқа даражасида паст кетадиган бўлса, мен бунга қатъиян қаршиман. Моддий бойликларни кўпайтириш маънавий дунёмизни бойитмоғи, уни янада кенгайтирмоғи лозим. Ва аксинча, агар моддий бойлик маънавиятга путур етказса, инсонни тубанлаштира — бу неъмат эмас, балки офатдир.

Жисмонан соғломлик фикр-ўйларимизни соғломлаштиришга, маънавий дунёмизни бойитишга ёрдам бермоғи лозим. Шунинг учун ҳам маънавий бойликни жисмонан соғломлик ёки моддий тўкинликдан устун қўяман.

Ҳозир одамлар ўз соғлиқлари тўғрисида ҳаддан зиёд қайғурмоқдалар. Агар саломатлик учун фойдали дейишса, нимани қил деса қилишга, нима ют деса ютишга тайёрлар. Мени тўғри тушунинглар: саломатлик қанчалик муҳимлигини яхши биламан ва сизларни унга аҳамият бермасликка чақираётганим йўқ. Фақат таъкидламоқчи-манки, фаол иш ва соғлом руҳ ҳар қандай доридан ва ҳар қандай соғломлаштириш клубидан аълороқ. Кимнингки руҳи, ҳам танаси бирдай тегик, бардам экан, фақат ўшанигина соғлом дейиш мумкин.

Афсуски, моддий бойликларнинг ўсиб бориши билан инсоннинг маънавий дунёси қашшоқлашиб бормоқда. Жисмонан соғлом кўрингани билан аслида заиф одамлар жуда кўпайиб кетди. Тоғни урса талқон қилгудек, аммо маънавияти тор одам кимга керак? “Бўрдоқи чўчқа” дан нима кутиш мумкин?

Мен қайсидир китобда ўқиган эдим: ёшлар вақтини қандай қилиб яхшироқ ўтказиш, кексалар эса қанча вақтлари қолгани ҳақида ўйлашар экан. Тўғри мулоҳаза. Агар ёш йигит вақт ҳақида кексалардек ўйласа, у энди лоқайд, танбалдир. Уйлайманки, ёшларни руҳият олами, кексаларни эса ўз соғлиқлари кўпроқ қизиқтиради, десам янглишмаган бўламан. Агар ёшлар фақат жисмонан соғлиқлари тўғрисида қайғура бошласалар, демак, уларнинг ёшлиги энди ортда қолган.

Мен нимага қизиқаман?

Йилнинг 200 кунини чет элда ўтказаман. Агар бунга мамлакат бўйлаб хизмат сафарларимни қўшсам, унда оилам учун озгина вақт қолади. Гоҳида ўзимнинг туғил-

ган кунимни, ҳатто хотиним ва болаларимнинг ҳам туғилган кунларини унутиб қўяман.

Мен, гўё гилдиракчадаги олмахондек зир югураман. Лекин ишим беҳад қувонч бағишлайди. Шундай яратилган бўлсам, нима қилай? Одамлар “сен ишга туғилгансан” дейишади. Меҳнат фаолиятимни бошлаганимдан буён бирор якшанба мириқиб дам олмаганман. Ўзимнинг оилам билан бирор марта денгизда дам олганимни эслай олмайман. Бироқ бунга ҳеч қачон афсусланган эмасман.

Ишга ўзни бағишламасдан туриб, муваффақиятга эришган одамни ҳали учратганим йўқ. Ва ақлдан озгудек ишлаб ҳеч нарсага эриша олмаган одамни ҳам кўрмадим.

“Ким У Жунгга ўхшаб туну кун ишласанг, унда ҳаётнинг нима қизиги бор” деб сўрашлари мумкин. Эҳтимол, кимдир менга ачиниб: “Дам олишни ҳам унутманг, ўз ишининг “қул”ига айланишнинг нимаси яхши?” — деса керак.

Бу гапларни фақатгина меҳнатдан роҳат топа олмаган, меҳнат кишисининг қиёфаси ёқимлигини, ўзини бутунча ишга бахшида қилган, ёш йигитнинг нақадар гўзаллигини билмайдиган одамгина айтиши мумкин. Ўз меҳнати натижасидан фахрланиш ҳиссини туймаган, бажарилган бурч ҳиссиёти бахш этувчи қувончни татиб кўрмаган одамгина шундай дея олади.

Хўш, нима учун иш шунчалик ғашга тегади, азоблайди, ташвишлар келтиради? Агар яқинда фирманинг социологик гуруҳи ўтказган тадқиқотлар натижасига суянадиган бўлсак, олий ўқув юрларини яқинда битириб чиққан кўплаб ёшларга ишлаш ёқмайди: уларнинг 23,5 фоизи учун иш “жирканч”, “асабни кўзғатади”, “азобли”, 11,4 фоизигина ижобий баҳо берган. Ишга салбий муносабатдагилар икки баравар кўп. Нима учун бундай ҳодиса рўй берапти?

Бунга сабаб меҳнатни фақат кун кечириб воситаси деб қаралганидан эмасмикан? Мен фақат тириклик гамида маблағ тўплаш мақсадида ишлайдиган одамларни унчалик ҳам ҳурмат қилмайман. Агар, фақат ошқозон дардида ишлаётган бўлса, бу ачинарли. Қалбида улкан орзулар, келажак режалари бўлган ёшлар шу тарзда фикр юритса, минг карра ачинарлидир.

Шубҳасиз, ишда ёқимсиз ҳолатлар бўлиб туради. Лекин, агар шунинг учунгина ўз куч-ғайратингни фақат пулга

чақадиган бўлсанг, сен “меҳнат” деган табаррук сўзни оёқ ости қилган бўласан.

Меҳнатда шундай ноёб нарса борки, уни пул билан ўлчаб бўлмайди. Агар сен ўзингга, ўз ишингга ишонсанг, у ҳолда ишни қувончдай қабул қиласан. Иш қувонч бахш этаркан, қалбингни ўзингга ишонч ва ўзинг яратганларингдан фахрланиш туйғулари қамраб олади.

Ўқишда ҳам худди шундай. Тиришқоқлик билан ўқигин. Шундай ўқиш керакки, сен ҳақингда, ўқишга муккасидан кетибди, дейишсин. Столда диққат билан китоб ўқиётган ўқувчини кўриб кўзинг қувнайди. Бутунлай ўқишга берилиб кетган ўқувчидан бамисоли нур ёғилиб тургандай. Қандайдир ишга бажонидил берилган одамни кўриш доимо қувонч бағишлайди. Кимки зўрма-зўраки, фақат мажбур қилишганлари учун ўқиса, у оч қолмаслик учунгина ишга чиққан одамдан баттар аянчли ва нафратга сазовордир. Худди меҳнат қувончини ҳис қилган каби ўқишда ҳам ўзлигини топмоқ керак. Ўйлаб кўр ахир, сен кимнингдир кўрсатмаси ёки қандайдир бегона деб эмас, ўз хоҳишинг билан ўзинг учун ўқийсан. Бу сенинг ўз ишинг. Шундагина ўқишга муносабат ўзгаради. Ўқишга қизиқиш уйғонади.

Сен пул учун ўқиётганинг йўқ. Қолаверса, сен ўзинг яшаётган жамият равнақи учун ўқияпсан ва меҳнат қияпсан. Қандай қилиб меҳнат қувончга айланмасин? Қанақасига ўқимаслик мумкин?

Нималарга қизиқишим тўғрисидаги саволга жавоб беришим қийин. Аслини олганда, менинг аниқ қизиқадиغان, бошқача айтганда, “хобби” им йўқ, бунинг устига агар “хобби” деганда беҳуда вақт ўтказишни тушуниладиган бўлса. Оз-моз падук (корейс шашкаси) ўйнайман, лекин ўта берилиб кетмайман. Агар шашка билан қизиқаман десам, бу ҳақиқий шашка ишқибозларида жилмайиш уйғотган бўлар эди ва мен шунинг учун бундай дейишга ҳаддим сиғмайди. Бизда ҳамма ёппасига гольф “касалига” чалинганига қарамай, мен бирор марта ҳам гольф ўйнамаганман. Спортнинг бошқа турларига ҳам қизиқмайман. Менда театр ва концерт каби кўнгилхушликларга ҳам вақт йўқ.

Агар менинг қизиқишларим тўғрисида чинакамига, умумий фикрларга эътибор бермай, ортиқча бежамасдан гапириладиган бўлса, менинг ҳақиқий қизиқишим, доимо қувонч келтирувчи нарса бу — меҳнатдир. Мен ҳеч

қачон ўзимни мажбур қилиб ёки кимнингдир зўрлаши билан ишламаганман. Мен доимо ишдан ҳузур ва қониқиш топаман. Ахир бундай иш — қизиқиш эмасми?

Агар иш ёки ўқиш мажбурият деб қабул қилинадиган бўлса, ишонаверинг, тез орада у азобга айланади. Агар иш ёки ўқиш қизиқиш деб қабул қилинса, у сизга қувонч келтиради. Агар қизиқ бўлса иштиёқ билан ишлайсан, иштиёқ, ўз-ўзидан равшанки, иш унумини оширади. Бу эса яхши натижаларга олиб келади. Энг сўнггида шундай қониқиш ҳосил қиласанки, уни сўз билан таърифлаш қийин. Инсонга маълум бўлган қувончларнинг энг каттаси, эришилган муваффақият қувончидир, мен бу қувончни бошқа ҳеч нарсага алмаштирмайман.

Ташаббус билан, ҳузур қилиб ва берилиб ишлаётган одам секин-аста ўзининг кичкинагина фирмасини кенгайтириши, ишлаб чиқаришни такомиллаштириши мумкин. Кимки, яхши ўқиса, унинг баҳолари ҳам яхши бўлади, тақдирланади. Агар менга ишонмасангиз, ўзингизда синаб кўринг.

Қайтараман: агар берилиб ишламасангиз, муваффақиятга эришиш осмондаги юлдузни олиш каби мушкул. Кимки мақсадга интилиб “телбаларча” ишларкан, унга омадсизлик хавф солаолмайди.

Ўз корхонамни очмасдан олдин узоқ қариндошимнинг “Бизнес Хансон” фирмасида етти йил ишладим. Мен маош олардим, лекин хўжайиним каби бетиним ишлар эдим. Ҳеч ким мени ниқтамас, нима билан шугулланишни доимо ўзим топиб олар, дам олиш кунлари ағанаб ётмасдим. Мен ҳозир ҳам эришилганларни қўлдан чиқармаслик ва бахтиёрлик ҳиссини йўқотмаслик учун кўп ишлайман.

Мен гольф ўйнамаганим ёки бир-икки фильмни кўрмаганимдан бахтсиз эмасман. Лекин менга чет элда оддий бўлмаган шериклар билан музокаралар ўтказиб, натижада йирик буюртмалар олиш анчайин қизиқарлироқ.

Янги учрашувлар, янги ишлар — улар доимо қалбингда ҳаяжон уйғотади, ўзингни худди муҳим старт олдида турган спортчидек ҳис қиласан. Бу “мусобақа” нақадар қийин ва кенг миқёсли бўлса, диққатим ҳам ўткирроқ ва эҳтиросим кучлироқ бўлади. Мен гўёки, шеригимнинг картасига назар ташлайман, олдиндан белгиланган режа бўйича музокара юргизаман, ўз режаларимни амалга ошишига

эришаман. Ва ниҳоят, биз қониқиш билан бир-биримизнинг қўлимизни қисамиз. Бундай лаҳзаларда ҳар сафар мени қувонч қамраб олади, беҳуда яшамаётганимга иймон келтираман.

Лекин бу йил ҳам хотиним ва болаларимга ўз туғилан кунимни оилам даврасида нишонлашга ваъда беролмайман. Бунинг учун доимо ўзимни улар олдида айбдордек ҳис қиламан. Аҳволимга тушуниб, мендан хафа бўлмаётганлари учун яқинларимга раҳмат айтаман.

II

Агар биз бўлмасак — ким?

Ўргимчак дарахт пўстлоғига тухумчалар қўяди. Кўплаб тухумчаларни қўяр экан, уларни ҳафсала билан ўрайди. Вақти келиб ҳар бир тухумдан кичкинагина ўргимчак дунёга келади. Она ўргимчак ўзини аямай овқат ташийди ва болаларини тўйғизади. Бошқа кўплаб жонзотлар ҳам шундай. Бу вақт ичида она ўргимчак деярли ҳеч нарса емайди.

Ўргимчак болалари ўзлари ҳаракат қила бошлагандан сўнг, она ўргимчак ҳалок бўлади. Демак, зурриёти учун она ўргимчак ўзини қурбон қилади. Ўргимчакларнинг баъзи турлари борки, бунда катта ўргимчаклар ўз болалари учун емиш бўладилар. Бунга дарҳол ишонгим келмайди, лекин кичкина ўргимчаклар она танасини еб, ундан қувват оладилар.

Шундай қилиб, она ўргимчак авлодига ҳаёт бағишлаш учун ўзини қурбон қилади. Бу ҳақиқий оналикдир. Ўргимчак болаларига ҳаёт, том маънода оналарининг ҳалокати ҳисобига берилади.

Бир авлоднинг ривож ва равнақи бошқа авлод қурбонларисиз бўлмайди. Болалари бахти учун ишлаган, уларни ақл-идрокка ўргатган ота-оналар туфайли улғайган янги авлод бахтлидир. Бу авлод ота-оналарининг пешона тери ва кўз ёшлари билан сўғорилган далаларнинг неъматларидан баҳраманд бўладилар. Аксинча, бобо-момолари ялқов ва ношукур ота-оналарнинг авлоди бахтсиздир. Бу авлод, ота-оналари беҳуда йўқотган вақт ва мулк учун қиммат товон тўлайди.

Мен яхшигина таъминланган кўплаб оилаларни билман. Бу ўзларини аямай тер тўкиб меҳнат қилган катта авлод фидойилигининг самарасидир. Табиат оламидан

ўрнак олинг, болалари учун ўзини қурбон қилган она ўргимчакни эсланг. Ота-оналаримиз ҳам худди шу каби белни маҳкам боғлаб, бизни деб қаттиқ ишлаганлар. Биз ҳозирги даражага ўтган авлоднинг қурбонлари, меҳнатлари эвазига эришдик.

Агар бугун бирон-бир мамлакат ўзининг бойлигини кўз-кўз қилиб оламга жар солар экан, шуни унутмаслик керакки, фақат ўтмиш авлоднинг фидойилиги туфайлигина мамлакат шу даражага эришди. Германия ҳақида тез-тез “Рейндаги мўъжиза” деб гапиришади. “Мўъжиза?” Бунинг нимаси “мўъжиза”? Агар бу тикланиш мўъжизаси бўлса, у немис жамиятини уруш харобаларидан қайта тиклаш учун туну кун тинмаган қурилишлар шовқинию, болға-ускуналар суронидан юзага келган мўъжизадир. Уларнинг сурони — бу фидойилик овозидир. Урушдан кейинги Германияни бой қилган ҳам фақатгина шу сурондир. Бошқа нарса эмас.

Фақат Германиядагина бундай бўлган эмас. Америка Ғарбни бир неча кашшофлар авлоди туфайли ўзлаштира олган. Агар Мейдзи инқилоби бўлмаса, Япония ҳам бугун биз кўраётганимиз каби бўлмас эди. Ким Англияни буюк қилган? Феодал эгалиги инқирозидан сўнг бир неча авлодлар шаҳарларга қочиб кетдилар, одамлар у ерда қулдай ишлаб, заводларни ҳаракатга келтирдилар. Бу ўз елкасида саноат инқилобини кўтариб чиққан авлод эди.

Дунёда ҳеч нарса бекорга келмайди, бирор воқеа тасодифан содир бўлмайди. Қудук ҳам сен қанча тупроқ қазиб чиқарсанг, шунча чуқурлашади ва шунча сув билан тўлади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги авлод 60-йилларда ўзини фидо қилган авлоднинг ўзидир. Мен такрор айтаманки, бизнинг авлод ўзини қурбон қилган авлоддир. Бу қуруқ гап эмас. 60-йилларнинг сўнггида мамлакат иқтисодини кўтаришга қурбимиз етишини англаб етдик. Биз шундай қарорга келдик ва мамлакатимиз бошқалардан кам бўлмаслиги учун тиним билмай ишлашга тушдик. Энди, сиз ёшлар бу мамлакатда бемалол яшашингиз мумкин.

Биз қобилиятли ва фидойи кишилар авлодимиз. Биз аввалгидек мамлакатимизни бой, жамиятимизни бахтли қилиш истаги билан чулғанганмиз. Биз, албатта, энг илғор мамлакатларга етиб оламиз ва кейинги авлодга биз яратган бойликларни қолдирамиз, токи бу авлод ўз ватани билан фахрланиб яшасин. Фидойи авлод ўзи учун ҳеч нарса қилмайди. У ўзини қурбон қилади.

Бой мамлакатлардаги баъзи кишилар (айниқса яқиндагина нефтдан бойиб кетган араблар) мендан сўраб қолишади: “Жаноби раис Ким, нима учун сиз туну кун, дам олиш кунларисиз ишлайсиз? Эришилганлар билан қаноатланиш, хотиржамроқ ишлаш вақти келмадимикин?”

Мен ҳар сафар шундай жавоб қиламан: “Ҳозир мамлакатимизнинг турмуш даражасида катта фарқ бор, лекин келажакда кейинги авлодда бу фарқ қисқариши керак, шундай эмасми? Бизнинг авлодимизнинг вазифаси — ўзимиз турган заминга шундай уруғ сочмоғимиз керакки, токи бу уруғдан бизнинг келажакимиз равнақи униб чиқсин. Хотиржамликка ҳали эрта. Бунга ҳали асос йўқ”.

Ишончим комилки, биз яна ҳам кўпроқ қурбон бермоғимиз керак. Ҳозир эришган ютуқларимизни ортиқча баҳолашга мойил одамлар пайдо бўлмоқда. Улар ўзлари-ча, биз энди юксак даражада ривожланган мамлакатмиз дея телбаларча дабдабага берилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси мени жуда ташвишлантиради. Биз аввалгидек фидойиларча, мақсадга интилиб ишламоғимиз даркор. Давр биздан олдингидек фидойиларни талаб қилмоқда. Агар ўтмиш авлодлар келгуси авлод учун замин тайёрлаши лозим бўлса, бу авлод ҳамиша ўзини фидо қилгувчи авлодир.

Фидойи авлод нималарга эришганлигини тўғри баҳоламоғи лозим. Агар шону шуҳратга берилсак, бунинг учун бизнинг фарзандларимиз товон тўлашларига тўғри келади.

Бобо ўтқазган мевали дарахт набираларгагина ҳосил бериши мумкин. Ўзи ҳосилдан баҳра ололмаслиги учунгина мевали кўчат ўтқозишдан бош тортадиган инсон топилармикан? Агар ҳамма фақат ўзини ўйлаб, биронта дарахт ўтқазмаганда бу дунёда биронта олма бўлармиди? Майли, биз мевасигача етолмайлик, лекин биз мевали кўчатлар ўтқазаверамиз. Ҳеч бўлмаса менинг набираларим бу мевалардан баҳраманд бўлар ва боболарини миннатдорчилик билан эслаб қўярлар. Ахир, бу фароғат эмасми?

Фидойилик ўзи учун бўлмайди. Қачонки сен ўзгалар манфаатини ўзингникидан, эртанги авлод манфаатларини бугунги авлод манфаатидан, умум манфаатини шахсий манфаатдан устун қўя олсангинга бу чинакам фидойилик бўлади. Шу маънода ўз манфаатини қурбон қилиш — альтруизмнинг гултожидир.

Маълумки, ерга ташланган бир дона буғдой донидан бир қанча дон етишиб чиқади. Шу маънода, гўё, экилган буғдой дони қурбонликка берилади. У униб чиқади, гуллайти ва бошоқ кўтаради. Ерга тушмаган дон — донлиги-ча қолаверади, лекин уруғлик дон ерга тушиб, “фидойи” лик кўрсатса ва ўзини “қурбон” қилсагина у кўплаб дон бериши мумкин.

Уруғ ерга тушмоғи лозим. Ерга тушган уруғ “ҳалок” бўлмоғи лозим. Агар уруғ “ҳалок” бўлишни хоҳламаса, бу мева беришни хоҳламаган билан баробар. Бу қандай, қанчайин катта йўқотиш?! Биттагина дон ўзини қурбон қилишни хоҳламаганлигидан қанчалаб яхши донлар ёруғлик юзини кўрмайдилар.

Бизнинг ҳаётимизда ҳам худди шундай. Агар бир авлод ўзлигини унутиб ишласа, кейинги авлод унинг меваларидан баҳраманд бўла олади. Бир авлод келгуси авлод учун ниманидар қурбон бериши керак бўлсаю, ўзининг бир кунлик манфаатларини ўйлаб ва бахиллик билан бунни қилмаса, бу авлод кейинги авлод равнақи ва бойлиги йўлидаги говдир. Бу катта йўқотиш, қолаверса, нодонликдир.

Ҳозирги ёшлар, “қурбон” сўзини ёқтирмайдилар. Ўйлашимча, бунда бизга ғарбдан кириб келган индивидуализм ва практицизмнинг бирмунча таъсири бўлса керак. У ҳолда “фидойилик” сўзини ишлатиш мумкин. Бизнинг вақтимизда “қурбон”, “фидойилик” сўзларини тез-тез эшитар эдик. Лекин ҳозирги ёшларга бу сўзлар ёт. Ҳеч ким ёш авлод ўзини қурбон қилишга, фидойилик билан меҳнат қилишга тайёр деб айтмайди.

Биров бу ҳақда гапирмайди, мен эса айтмочқиман. Эртага яшаши лозим бўлганлар учун ўзингни қурбон қил, Ватанинг равнақи учун фидойиларча меҳнат қил! Ўзинг учун яшаш, албатта, ёмон эмас, лекин ўзингни ўйламай, келгуси авлодлар учун яшасанг, ҳаётинг ўзгача, муҳим маъно касб этади.

Биз — ўзини қурбон қилувчи авлодмиз, бизнинг авлодимиз мисоли ерга қадалган уруғ. Меваларини териш сизга насиб этади. Сиз шуни ёдда тутинг: бизнинг авлодимиз сиз учун борлигини қурбон қилди, сизнинг авлодингиз эса, ўз навбатида, фарзандларингизга аталган ажойиб неъматлар униб чиқадиган заминни ўзи билан озиқлантирмоғи лозим.

Барча истаклар рўёбга чиқадиган олам

Мен ўз ҳаётимда кўплаб яхши дўстлар орттирдим. Улардан бири жаҳонга машҳур протестант руҳонийси Роберт Шуллер. У деярли ҳамма вақтини воизлик фаолиятига бағишлаган. Мен яқинда уни ДЭУ ходимлари олдида ваъз айтишга таклиф қилдим.

Мана у нималар деди: “Агар, сиз чинакам шахс бўлишни хоҳласангиз, ўз қалбингиздан куч изланг, ўзингизнинг бутун тасаввур бойлигингиздан фойдаланинг”. Бошқача айтганда, тасаввур кучи билан ҳар ким ўзида мавжуд бўлган ўзлигини яратиши мумкин. Ҳазрат Шуллер бундай дейди: “Агар ўзингга ишонмай яшасанг ва доимо ўзингни бошқалардан ёмон, ҳаётда омади юришмаган деб ўйласанг, амалда ҳам худди шундай бўлади. Ёки аксинча, сен ўзингни бошқаларга ўхшамаган, иқтидорли, омади кулган инсон деб такрорлашдан чарчамасанг, ҳаётда ҳам худди шундай бўлиб чиқади”.

“Ажойиб скрипкачи бўлишни хоҳлайсанми? Сен ўзингни ўша деб ҳисобла. Машҳур адвокат бўлишни хоҳлайсанми? Ўзингни шундай деб тасаввур қил. Ҳар қандай муаммонинг ечими бор, амалга ошмайдиган истакнинг ўзи йўқ”, деб қайта-қайта такрорлади у.

Мен болалигимдан ўзимнинг келажагим манзарасини қалбимда сақлаб келдим. Албатта, у вақтда бунга ишониб қийин эди, лекин мен ҳақиқатан ҳам аъло даражали бизнесмен бўлишни орзу қилардим. Мамлакатимнинг гуллаб-яшнашига ёрдам бериш учун улуг тадбиркор бўлишни хоҳлардим. Бунга эриша олишимга ишончим комил эди. Менда марҳум отам ишонч уйғотган эди: мен ҳали кичкина болалигимдаёқ, у сендан албатта яхши савдогар чиқади, дерди. Мен ўша пайтданоқ бизнесмен бўлишга аҳд қилганман.

“Тадбиркор бўлишни хоҳлайман! Бўламан ҳам! Мен — буюк бизнесмен!” — шундай ниятлар менга пўлатдай мустаҳкам ишонч бахшида қилди. Мен диндор эмасман. Лекин, ёшлигимда менга Худо доимо ҳамроҳдай, олдимдаги йўлимни ёритиб, орқамдан суяётгандай бўларди.

Мен энга олмайдиган нарса йўқ, нимани хоҳласам ҳаммасига эришадигандай туюлар эди. Менда ботирлик, ўзимга ишонч ва ёшликдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Тан олмай иложим йўқки, улар менга жуда қўл келди.

Энг машҳур япон бизнесменларидан бири Доко Досио ўз кучига ишониш муҳимлиги тўғрисида шундай гапирган эди. “Нима муваффақият келтиради? Шубҳасиз, қобилият! У зарур, лекин бу етарли эмас. Бунга яна ўзини бағишлаш, тиришқоқлик ва мақсадга интилишни ҳам қўшиш керак. Булар ҳаммаси биргаликда сизни дадил қилади. Бу эса — катта кучдир. Қийинчилик ва омадсизлик доимо ишга ҳамроҳ. Қийинчиликларни мардларча енгиш, омадсизликдан тушкунликка тушмаслик — дадилликдир. Баъзан сиз бошлаган иш худди шу дадиллик туфайли дунёга келади. У ҳолда ҳеч нарсадан чекинманг ва ишни охиригача етказинг. Иложсизлик — қобилиятнинг етишмаслигидан эмас, балки сизда дадилликнинг етишмаслигидан бўлади. Мана, гап қаёқда?”

Мен хоҳлардимки, мамлакатимнинг ўғил ва қизлари ҳар қандай ишни бажара олишларига, ҳар қандай нарсага етишлигига ишонсинлар ва ҳамма ишларга киришиб, уни охирига етказсинлар. Бундай кишилар учун иложи бўлмаган ишнинг ўзи йўқ. Ҳаёт имкониятларга тўлиқ. Фақат уни аниқлаш ва ундан самарали фойдаланиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Кимки, ўзининг имкониятини қўлдан чиқармас экан, ўша муқаррар муваффақиятга эришади.

Кимнингки гайрати тўлиб тошар ва у ҳаётга ишонч билан қадам ташлар экан, фақат ўшангагина ҳаёт эшиклари очилади. Роберт Шуллер дейди: “Бизнинг бугунги ютуқларимиз кеча мумкин эмас, деб ҳисобланарди”. Ҳақиқатан ҳам шундай. Агар биз ўз вақтида “Бу мумкин эмас” — деб чекинганимизда пенициллин ярата олар ёки самолётда уча олар эдикми? Доимо ижод қилишга қодир одамлар бўлганлиги учунгина инсоният ҳамма нарсага эришди.

Муваффақиятга ишонмайдиган тушкун одамларга ҳаёт имконият қолдирмайди. Бундайлар олдида ҳамма эшиклар ёпиқ. Кимки аввалбошданоқ қўлни ювиб қўлтиққа урар экан, у тўлақонли ҳаёт кечира олмайди, ҳатто уларнинг қобилиятлари ҳам қўл келмайди ва шундайича ҳаётни пайпаслаб яшайдилар. Мисол учун анча-мунча иқтидори бўлган созандани олайлик. Агар у вақтини ва кучини беҳуда сарфласа бунинг устига Худо менга талантдан бермади, деб зорланиб юрса, у ҳолда иқтидори бир пул.

Бундай одамлар ўзларининг тимсолида ростдан ҳам Худо одамни шундай иродаси бўш ва калтабин яратган-

дай кўрсатиб юрсалар, улар Худони ҳам ҳурмат қилмаган бўладилар. Мен одам иш учун яратилган, унга талант берилмаган деб ҳисоблайман. Кимки ўз қобилиятларидан фойдаланмас экан, у нафақат ўзини беҳуда исроф қилади, балки жамиятга ҳам керак бўлмайди.

Ўзининг қобилиятларини қадрламаслик ярамайди. Албатта, уларни ортиқча баҳолаш ҳам керак эмас. Лекин, ҳарҳолда, қадрламаслик ортиқча баҳолашдан ёмон.

Эҳтимол, ичингизда математикадан кучсизроқ кишилар бордир. Кўпчилик ўртасида икки оғиз сўзга тили айланмайдиган ёки спортдан итдан кўрққандек кўрқадиганлар ҳам топилиб қолиши мумкин. Ҳойнаҳой, сиёсатчи бўлишни хоҳлаган ёки ўзини санъатга, ё фанга, ёки менга ўхшаб бизнесга бағишлашни истаганлар ҳам бордир. Катта авлод вакили сифатида ҳаммангизга, ўзингизга ишонч тилашни хоҳлайман. Ўз орзуларингизни шакллантиринг, уни авайланг ва қўлдан бой берманг.

Ёдингизда бўлсин: “Бизнинг бугунги ютуқларимизни кеча мумкин эмас деб ҳисоблар эдилар”.

Ҳамма жойда пешқадам бўл!

Уруш вақтида оиламиз Тэгуда паноҳ топди. Отам ҳибсга олинган эди, акаларим армияда хизмат қилар эдилар. Шундай қилиб, оила бошлиғи бўлиб қолдим ва оилани боқишга мажбур эдим. Мен газета сота бошладим. Ўшанда 14 ёшда эдим. Бундай даҳшатли уруш вақтида 14 ёшли ўсмирнинг бирон-бир иш топиши унчалик осон эмасди. Отамнинг газета таҳририятида ишлайдиган собиқ ўқувчиси менга газета сотувчиси бўлиб ишга киришимга ёрдам берди. У вақтда бу ҳам катта омад эди.

Газеталарни асосан Панчхон бозорида сотардим. Таҳририятдан бир бойлам газеталарни олгач, бозор йўлида битиринчидан сотмас эдим. Агар бозор йўлида ўтқинчиларга газета таклиф қилганимда эди, нари борса бир-икки дона сотган, лекин у ҳолда бозордаги гавжум жойни қўлдан чиқарган бўлар эдим. Бозорда одам доим гавжум бўлади. Агар газеталарни йўл-йўлакай сотсам, ўрнимни бошқалар эгаллашлари мумкин.

Шундай қилиб, бозордаги ҳамма газета сотувчилар орасида даставвал мен етиб келардим. Доимо биринчи бўлардим. Шундай бўлса-да, бугун бозорни қамраб ололмас-

дим. Кўп вақт қайтимни беришга кетарди. Харидорларда фақат йирик пуллар бўларди. Шунинг учун бозордагиларнинг зўрға учдан бирига хизмат қилиб улгурмасимдан мендан кейин келган бола ўтиб кетарди, чунки қолган ҳамма харидорлар уники эди-да.

Тўрт жондан иборат оилани боқиш учун кунига юздан ортиқ газета сотишим керак эди. Уйда мени ойим ва иккита кичкина укаларим кутишарди. Мен яна ҳам пишиқроқ бўлишга аҳд қилдим. Олдиндан кўпгина майда пулларни тайёрлаб олдим, қоғозларини учбурчак қилиб тахлаб, доимо чўнтагимда олиб юрдим. Натижаси узоқ куттирмади... Мен аввалгидек бозорга биринчи бўлиб етиб келар, пулни олибоқ қайтимини берар ва яна нари кетардим. Шундай қилиб вақтни тежардим. Лекин, барибир бутун бозорга хизмат кўрсата ололмасдим. Бозорнинг таҳминан учдан иккисини ўтишим билан бошқа болакай мени қувиб ўтарди.

Ўшанда мен қуйидаги йўлни ўйлаб топдим: пулни олмадан газеталарни ташлаб кетаверар, орқага қайтишда эса пулларимни йиғиштириб олардим. Энди мени ҳеч ким қувиб ўта олмади.

Кимдир газета пулни бермасди ҳам. Лекин ҳисоблаб кўрдимки, агар бир-икки киши тўламаса ҳам мен зарар қилмайман. Бугун ололмаган пулларимни бир неча кундан кейин тўлагигича қайтариб олар эдим. Бир неча ой шу усулда савдо қилганимдан сўнг бошқа болалар Панчхон бозорига қадам босмай қўйишди. Шундай қилиб мен бозорни тўла қўлга олдим.

Эҳтимол, ҳар бир ишда, ҳар қандай ҳолатда биринчи бўлиш фикри менга худди Панчхон бозорида келгандир — буни эслолмайман. Мен бутун умр биринчи бўлишга ҳаркат қилдим. Албатта, ҳамма нарсани ҳам уддасидан чиқолганим йўқ, лекин, мен бугун фахрлана оладиган кўп нарсаларга эришдим.

Кимки биринчи бўлишни хоҳларкан, бунинг учун ҳамма нарсани қилади. Эҳтимол, биринчи бўлиш мумкин бўлмас, лекин иккинчи бўлиш — турган гап. Агар аввал бошданоқ “ҳеч нарса қўлимдан келмайди, мен бунга қодир эмасман” ёки “биринчи бўлишга қурбим етмайди”, — десангиз, биронта ҳам истагингизга эриша олмайсиз.

Албатта, нима қилаётганинг ҳам муҳим. Аммо қандай қилаётганинг, ўз ишингга қанчалик кўнгил қўяётганинг ундан ҳам муҳимроқдир. Сиёсатчими, бизнесменми, санъ-

ат кишиси ёки олимми — ҳар қандай ишда биринчи бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Биринчи бўлишга ҳаракат қил! Ортада қолиш ёки ўтиб кетишга бефарқ, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, менга ҳаммаси барибир дейдиган одам бўлиб қолма. Доимо биринчи бўлишни ўзингга мақсад қилиб қўй. Бунинг учун яхши ҳаракат қилиш керак. Биринчи бўлиш учун бор кучини аямаган одамга мен ишонаман. Ҳеч нарса қилмасдан биринчи ўринни оладиган одам бўлмайди.

“Мен футболга кўп вақт сарфлайман. Ўйнамаётган вақтда футбол ҳақида ҳикоя қиламан, у ҳақда ўйлайман”. Меҳнатсиз машҳур футболчи бўлолмайсан. Биринчи бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Кимки ҳаётини танлаган ишига бағишласа, бунинг учун бор кучи билан ҳаракат қилсагина, ўша одам биринчи бўлиши мумкин.

Мўъжизалар бўлмайди. Бугун “ДЭУ” нинг тезкор парвози ҳақида бир мўъжиза дейишади, аммо биз биринчи бўлиш учун қанчалик тер тўққанимизни билмайдилар.

Мен “ДЭУ” ни етакчи ролларга олиб чиқиш учун яшадим. Мен ҳамма вақт ва ҳар ерда “ДЭУ” ходимларига айтaman: “Ҳар қандай соҳада фақат биринчи бўлишга ҳаракат қилинг”. Бундан кейин ҳам худди шундай бўлади. Мен эришилган ютуқ билан чекланиб қолмайман, тинмай юксалиш сари боравераман. Яхши биламанки, агар ҳамма қилиш мумкин бўлган ишлар қилинса, кейин афсусланишга, беҳуда ўтган вақт учун ачинишга ҳожат қолмайди...

Биринчиликка эришиш — ёшларнинг мақсади бўлмоғи лозим. Ҳамма нарсада биринчи бўлинг! Олдиндан ҳеч кимга биринчиликни бўшатиб берманг — бу кўнгилчанлик эмас, малайликдир. Бу ўзни қурбон қилиш эмас, балки ўзини ҳурмат қилмасликдир. Ҳатто, ўзингизча ҳам: “Менга иккинчи ролларда ҳам яхши” ёки “ишим юришмай турганда менга биринчи ўринга йўл бўлсин” деманг. Доимо: “биринчи ўрин меники”, “биринчи ўрин — фақат мен учун” денг.

Мумкин бўлган барча ишни қилинг. Шундагина муваффақият — сизнинг ҳамроҳингиз бўлажак!

Бизни жаҳон чорламоқда

1976 йили, мен машинасозлик билан шуғуллана бошлаганимда (эндигина “Хан Кук Кигэ” фирмасини сотиб олган эдим), пухта техник тайёргарлик қанчалик муҳим-

лигини тушуниб етдим. Янги ишдаги муваффақият ёки инқироз фақат шунга боғлиқ экан, деган хулосага келдим. Мен немис МАН фирмасига (бу фирма билан техник ҳамкорлик тўғрисида шартномамиз бор эди) техник кадрлар тайёрлашда ёрдам беришларини сўрадим. Олий ўқув юртларини битирган ходимлар ва бўлим мудирларидан 12 кишини танлаб, чет элга ўқишга жўнатишга қарор қилдим.

Аммо кўпчилик бунга қарши чиқди. Айниқса, бевосита ишлаб чиқариш учун жавобгар бўлганлар қаттиқ туриб олишди. “Биз бусиз ҳам техник маълумоти бўлган кадрлар етишмаслигидан қийналяпмиз, сиз бўлса, энг яхши техник кадрларимизни бир йилга ўқишга жўнатмоқчи бўляпсиз. Бу ҳолда ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолиши мумкин-ку”.

Албатта, улар иш тўғрисида хавотирланганлари учунгина қарши чиқдилар. Лекин мен ўз сўзимда туриб олдим. Мен бугунги кун билангина яшамай, эртанги кунга ҳам назар ташлаш керак деб ҳисоблардим. Агар ишлаб чиқариш тўхтаб қолишидан кўрқиб, замонавий ривожланиш даражасидан ортада қолсак, унда фирмани қатта қийинчиликлар кутар эди. Мен уларга: “Розиман, бугун бизга қийин, лекин келинлар, бунга биз эртанги сармо-яларимизга маблағ йиғиш деб қарайлик. Бугун ютқазсак, эртага ютамиз”, — дедим.

Орадан бир йил ўтди. Ўқишга жўнатилган кишилар қайтиб келишди. Ўшанда қарши чиққанлар менинг ҳақ эканлигимни тан олишди. Бу кадрларнинг Ғарбий Германияда олган техник билимлари биздаги ишлаб чиқаришни шу қадар юқори кўтардики, ўз кучимиз билан бу даражага эришиш учун камида беш йил сарфлаган бўлар эдик.

Илгари айтганимдай, менинг авлодим — ривожланаётган давлат сифатидаги Корея Республикасининг охириги авлодидир. Ҳозирги ёш авлод эса ривожланган илғор давлат сифатидаги Корея Республикасининг биринчи авлоди бўлади. Аслини олганда, бизнинг қурбонликларсиз мамлакатимиз бу қадар ривожланиб, гуллаб-яшнаш олманган бўлар эди.

Охириги 20 йилдан ортиқроқ вақт ичида биз ҳозирги ривожланиш даражасига эришдик. Бу бизнинг авлодимиз хизматидир. Биз кейинги авлодга ривожланаётган давлатни мерос қолдирмаслик учун фидойиларча ишла-

дик. Биз зурриётларимиз қўлига юқори даражада ривожланган давлатни топширишга умид қиламиз.

Мен ўғил ва қизларимиз бўлган юксак ривожланган Корея Республикасининг фуқаролари жаҳонга кўзларини катта очиб боқишларини, эртанги кун билан яшаб, уни дадиллик билан қуришларини хоҳлардим.

“Илгари ундоғ эди, илгари бундоғ эди...” дегувчи, ўтмишни кўмсовчи кишилар ҳам топилиб қолади. Ўтмиш уларнинг кўзларини хиралаштириб, келажакни кўришга имкон бермайди. Эскилик уларнинг оёқларини тушовлаб, келажакка ўтишларига йўл қўймайди. Улар учун умуман келажакнинг ўзи йўқ.

Корейларда бир мақол бор: “Тирик ит ўлик тўрадан аълороқ”. Ва яна: “Қорни тўқ ҳасадни билмайди”. Мен бу мақолларда халқимизнинг ҳаётий қарашларини кўраман. Бизда одамлар тахминан қуйидагича фикрлашади. “Ҳозир бизга яхши, шунисиға ҳам шукур”. Эртанги кун тўғрисида фикрлашни ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Бизда мана бу қўшиқни ҳам ёқтиришади: “Ёшлигингда ўйнаб қол, кексаликка ҳали бор...” Бундай ҳаётий қарашларда эртанги кун ҳақидаги қайғуришни кўрмайсан, келажак бахти ва шуҳрати учун ўзни қурбон қилишга тайёргарликка ҳам ўрин йўқ.

Лекин келажакка тик боқмоқ керак. Инсон ҳаёти қисқа масофага югуриш мусобақаси эмас. У кўпроқ марафон пойгасига ўхшайди. Ютқазиб қўймаслик учун вақтни ўйлаб сарфлаш керак. Марафончи ўз кучини финиш йўлаги учун сақлайди. Кимки бугун вақтни беҳуда ўтказмас экан, эртага унинг меваларидан баҳраманд бўлади.

Калта ўйликни ташлайлик. Бир дақиқалик ишнинг ордидан қувиб, асосийсини қўлдан бой берманг. Инсон бир кун яшовчи жонзот эмас. “Ким охирида кулса, ўша яхши кулади” деган гап бор. Хоҳлардимки, вақтни майда-чуйда кулига сарфлаб, лозим бўлганда кулолмаган нодонга ўхшаб қолманг.

Қўлингиздаги қуш билан қаноатланиб қолмай, катта-роқ нарсаларни орзу қилинг. Кимки иккинчи роллар билан қаноатланар экан, у эртага итнинг кейинги оёғи бўлиб қолиши мумкин.

Шунинг учун янги буюк мамлакатнинг биринчи авлоди бўлгувчи ёшларга маслаҳатим: келажакка интилиб яшанг, жаҳонга очик кўз билан қаранг.

Бу дунё торлик қилиб қолди, энди унда ҳамма худди қўшнилардай. Масалан, Японияга бир кунда бемалол бориб келиш мумкин. Ва бу кичкина қурраи заминда дўстона яшамоқ лозим.

Кудукдаги қурбақа дунё қанчалик кенглигини билмайди. Юксакликдан боқсанг, унда бошқа гап. “Баланд парвоздаги қуш узоқни кўради”. Жаҳонга чиқсанг, дунёқарашинг кенгаяди, ана ўшанда фақат ўзингни ўйлаб кўр-чи!

Аввалбошданоқ эътиборимни бутун оламга қаратган эдим. Илгари ташқи бозор ҳақида камдан-кам одам ўйларди. Эҳтимол, бу яхши бўлгандир, лекин ички бозор чекланган, ташқи бозор эса чексиз бепоён. Мен оламни кўп кездим. “ДЭУ” ҳам кенгайди. Мен доимо бутун дунё миқёсида фикрлайдиган одамлар билан ишлашга интилдим. “ДЭУ”нинг бугунги руҳи — иш аъмоли шундай.

Мамлакатимизнинг ёш авлоди бўлажак умумжаҳон тарихининг бош қаҳрамонлари бўлишини хоҳлайман. Сизнинг фаолиятингиз майдони бутун жаҳондир.

Келажакка пешвоз чиқинг, жаҳонга юз тутинг. Ўтмиш ва ҳозирги куннинг асири бўлиб қолманг. Кичкинагина Корея Республикасининг чегараларига ўралашиб қолманг. Келажак ёшларникидир. Бутун олам ёшларга тегишли!

Илдизи бақувват дарахт

Мамлакатимизда фойдали қазилмалар оз. Худудимиз кичкина ва аҳолимиз ҳам кўп эмас. Умуман, шароитларимиз қулай эмас. Бизнинг биргина ҳақиқий бойлигимиз — одамларимиз. Уларнинг билимга ўта чанқоқлиги, билимдонлиги, меҳнатсеварлиги, янгиликка интилишлари Кореянинг энг ривожланган мамлакатлар сафига интилиб, орадаги фарқни қисқартиришга имкон берди.

Ҳозир биз ҳеч кимникидан қолишмайдиган техникага эгамиз. Мутахассисларимизни бутун дунёда тан оладилар. Касб маҳорати бўйича ўтказиладиган халқаро кўрикларда кўп йиллардан буён мукофотлар олиб келмоқдамиз.

Бизнинг маҳсулотларимиз жаҳон бозоридан ўз сифати бўйича илғор мамлакатларникидан қолишмайди. Улкан ишлаб чиқариш потенциалини яратганимиз сабабли бошқалардан ёмон яшамаймиз.

Лекин фақат ҳайратомуз техниканинг ўзигина камлик қилади. Биз ишлаб чиқариш технологиялари асосини ташкил қилувчи фундаметал фанлар соҳасида анча заифмиз. Бу ерда биз ҳозирча орқадамиз. Бизда фундаметал фанлар билан кам шуғулланадилар.

Биз ўз вақтида бунга жуда юзаки қараганмиз. Албатта, зарурат бизни дарҳол бозорга чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мажбур этди, шунинг учун ҳам кўпроқ, ишлаб чиқариш технологиялари ва татбиқий фанларга эътибор берган эдик. Агар биз фундаметал фанлар соҳасида тадқиқотларни тезлаштирмасак, фақат тақлидчиларга айланиб қоламиз.

Энг янги техникаларнинг ижодкорлари бўлиш учун фундаметал фанларга эътиборни икки-уч ҳисса ошириш, уларга кетадиган харажатларни кўтариш керак. Қайси мамлакат ижодкорга эътибор бермас экан, бу мамлакат емирилишга юз тутади. Жаҳонда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Омонат пойдевор устига қурилган уйни тасаввур қилинг. Бу уй қачон қулаб тушишини билмаганинг учун унда яшаш хавотирли ва хавфли. Дарахтда илдиз кучли бўлсагина у тўкин мева беради. Мустақкам пойдеворсиз уй бўлмаганидай, агар фундаметал тадқиқотларга эътибор берилмаса, ишлаб чиқаришни чинакам гуллаб-яшна-тиб бўлмайди.

Биз узоқ вақт чет эл технологияларини ўзлаштириб юрдик, энди ўзимиз ижод қилишимиз керак. “ДЭУ”да бу ҳақиқатни англаб етдилар. Фундаметал фанлар соҳасидаги кўплаб мутахассисларни ўқишни давом эттириш учун чет элларга жўнатяпмиз. 2000 йилга келиб “ДЭУ”да 1000 дан ортиқ фан доктори даражасидаги олим ишлайди. Ўйлаймизки, биз ўша вақтда ўз технологияларимизни яратамиз, ҳеч кимда йўқ маҳсулотларни ишлаб чиқарамиз. Бошқа йўл билан енгиб чиқишимиз мумкин эмас.

“ДЭУ” фонди фақатгина фундаметал фанлар соҳасидаги тадқиқотлар материалларинигина босиб чиқарадиган илмий-техникавий журнал чиқаради. Биз бу билан цивилизациянинг ривожиди фундаметал фаннинг ролини яна бир марта таъкидлашни хоҳлаймиз. Ахир, фундаметал фан ҳар қандай фан ва техниканинг чинакам илдизи-ку.

Яхши маълумотли одамларимиз — асосий ресурсларимиз. Корея бошқа мамлакатлар билан рақобат қила оли-

ши учун ёшларимиз табиий ресурсларга бой бўлган мамлакатларнинг ёшларидан кўра кўпроқ ўқишлари ва иш-лашлари лозим. Мен табиатан иқтидорли ёшларимиз кўпроқ ўзларини фундаметал фанларга бағишласалар, ҳаёт йўлини шу йўсинда топсалар, дердим.

Албатта, ҳозирги вақтда ўта замонавий фанлар кўпроқ оммалашган. Улар ҳам албатта, муҳим. Лекин уларнинг илдизи фундаметал фанларда. Фундаметал фансиз ҳар қандай соҳадаги тадқиқотлар муваффақиятсизликка маҳкум.

Мен кундалик ҳаётдан мисол келтираман. Корея Республикаси аҳоли жон бошига алкоголь истеъмол қилиш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Лекин мамлакатимиз аҳолиси алкогольнинг, келиб чиқиши тарихи, ичимлик турлари, алкогольнинг саломатликка таъсири, спиртли ичимлик маданияти, унга боғлиқ бўлган урф-одатлар, овқат ва алкогольнинг таъсири ҳақида кўп нарса биладими? Буларнинг ҳаммасини ўйлайдиган одам деярли топилмаса керак. Кўпчилик ичимлик борлиги ва ундан яхшигина яйраш мумкинлиги учунгина ичади. Шунинг учун ҳам спиртли ичимликлар кўп истеъмол қилинишига қарамай, бизда бу соҳада лозим бўлган маданиятнинг ўзи йўқгина эмас, балки жаҳон талабидаги ичимлик ишлаб чиқарилмайди. Сабаби битта — асосларини билмаймиз.

Бошқа соҳаларда ҳам шундай. Биз аввалгидек тўқима-чилик саноати, электроника ва автомобилсозлик соҳаларининг илмий-техник тараққиётида тақлид қилиш босқичида турибмиз. Бизда ўзларининг “юқори технология”лари билан ўта фахрланадиган, компьютер чизган эълонлар ёрдамидагина ишлари юрадиган фирмалар кўплаб топилади. Бу юзаки кўргазма, холос. Ичкарида нима гап?

Ўз вақтида аъло ҳисобланган ҳар қандай буюм вақт ўтиши билан оддийга айланиб қолади. Лекин ҳар қандай ўзгаришларда ҳам аслича қоладиган, ўзгара олмайдиган ва ўзгарилмаслиги лозим бўлган, асосни ташкил қилувчи нарсалар бор. Бу — ҳаёт қонуни. Мен хоҳлардимки, ёшлар ўз ҳаёт йўллариини шошмашошарлик билан ёки модага эргашиб белгиламасларидан олдин асосий нарсалар тўғрисида диққат билан ўйлаб кўрсинлар. Фундаметал фан — фанларнинг отасидир. Бутун жаҳон илмиётининг илдизидир. Айниқса, “абадий” ва “бузилмас” нарсалар тўғрисидаги тушунчалар йўқолиб бораётган бугунги кунда ҳаётимизнинг шундай илдизи, асоси бўлмоғи лозим.

Нима учун ҳозир жамиятимиз палапартиш, бетартиб ва бўшашган? Нима учун ҳамма ўзини ҳар ёққа уриб, ўзларини кўйгани жой топа олмайди? Шундай фикр ҳаёлимда бонг уради: авлодимиз ҳаётнинг абадий, умуминсоний асослари тўғрисидаги тушунчаларни йўқотиб қўймапти-микин?

Ҳаётда ҳеч нарсага таяна олмайдиган авлоднинг ҳолига вой. У бир қирғоқдан кета туриб иккинчисига чиқа олмайди ва шамол уни ҳар кўйга солади. Ўз ҳаракатининг солиштириш мумкин бўлган ҳадислар йўқ. Нима учун яшаётганингни билмасанг, ҳаётнинг маъноси қолмайди, бутун олам чир айланиб турган машъалага ўхшаб турган ҳаётда қандай яшаш керак?

Биз яна ўз илдизларимизни топмоғимиз, бу ҳаётда яхшилик ва ёмонликнинг фарқини ажратмоқ учун қадимий ҳадисларимизни қайта-қайта ўқиб чиқмоғимиз лозим. Ўшандагина иккиланаётганларни ҳақиқий йўлга солишимиз, инсон деган номга муносиб бўлишимиз мумкин.

Роберт Фулгеймнинг “Нимани билишим зарур бўлса ҳаммасини болалар боғчасида ўргандим” китоби нима учун камёб китобга айланиб қолди, деб ўйлайсиз? Бу китобда ҳаётимизнинг асосларини ташкил қилувчи абадиёт ҳақида сўз юритилади. Ҳақиқатан ҳам бу абадиёт ҳақида биринчи маърузани болалигимизда билган эдик. Ажойиб, чуқур маъноли, эҳтимол ўшанда кўпчилик учун тушунарсиз бу сўзларни олимлар минбаридан ҳам кам эшитасан. Бу китоб туфайли биз оддий ҳақиқатни—ҳамма нарса ҳаёт ўзати эканлигини англадик. Уни йўқотганининг ҳолига вой. Бу китобнинг камёблиги шундан эмасмикан?

Ёшлик йилларида ҳаёт асослари белгиланади. Кимки абадий ва ўчмас асосларни эгаллаб олса, бутун ҳаёти мустақам, бой ва ёрқин бўлади. Агар ўйин-кулгига берилиб, ўз вақтида ҳаёт таянчлари ҳақида ўйламас экансан, худди кум устига қурилган уй каби омонат ҳаёт кечирасан.

Катта сарф-харажат ва кичкина тежамкорлик

Пулни сарфлашни билиш керак. Вақтдан унумли фойдаланиш қийин бўлганидек, пулни ақл билан сарфлаш ҳам осон эмас. Ақл-хушли одам ўз пулини ўз ўрнида сарф-

лайди. Қачон зарур бўлса, ўшандагина сарфламоқ лозим. Худди бир дақиқани беҳуда сарфлаб бўлмаганидек, арзи-маган пулни ҳам бекор исроф қилиш мумкин эмас.

Ёшликданоқ пулга соғлом муносабатни шакллантирмоқ лозим. Пул аслида дахлсиз нарса. Пул ўзича яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам эмас. Аммо нимага ишлатилишига қараб у яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёшликдан пулни фойдали ишларга сарфлашга ўрганинг.

Пулни фақат зарурият туғилгандагина сарфлаш керак. Пул фойдали сарфлангани ёки йўқми буни заруратнинг ўзи кўрсатади. Фойдали сарфлаш — энг зарур нарсага сарфлаш демакдир.

Ўта зарурат туғилганда пулни аяш керак эмас. Агар ўта эҳтиёж бўлмаса, бир мири сарфлаш ҳам ўринсиз. Бу ерда гап пулнинг миқдоридан эмас, балки ундан фойда бўлиш-бўлмаглигидир.

Бўлар-бўлмасга пул сарфлаш бемаънилиқдир. Масалан, режалаштирилмаган харидлар. Шунақасиям бўладики, бирон-бир товарни керак бўлмаса ҳам, фақат арзонлиги учунгина сотиб оладилар. Бу ачинарли ҳолдир.

Бошқа томондан, агар келгусида фойда келтирса ва одамлар ҳождатини чиқарса, ҳар қандай катта пул сарфла-санг арзийди.

Айтайлик, ўз билимингни оширишга, саломатликни тиклашга ёки муҳтож кишиларга ёрдам беришга бажонидил пул сарфлайсан.

“Хан Кук Кигэ”ни сотиб олганимда ишни одамлар кайфиятини кўтариш ва жамоани жипслаштириш учун лозим бўлган маиший шароитларни яхшилашдан бошладим. У пайтларда камдан-кам одам меҳнаткашлар турмуши ҳақида ўйлар эди.

Кишилар ҳақида ғамхўрлик қилмасам, мен ҳеч нарсага эриша олмайман, деб ўйладим. Шундай қилиб ходимлар учун замонавий ошхона, ёлғиз кишилар учун уйлар, сартарошхона ва бошқа бинолар қура бошладим. Бунинг учун камида 3 миллиард вон ўша пайтдаги курс бўйича талаб қилинар эди. Бошқарувчилар, ҳаммаси бир бўлиб бунга қарши чиқдилар.

Албатта, уларда асос бор эди. “Хан Кук Кигэ” компаниясининг ўзи 6 миллиард вон турар эди. Бу сумманинг ярми эса ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган маиший хизмат комплекси қурилишига ажратилди.

Боз устига, фирма у вақтда зарар кўраётган эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик масъул шахслар биринчи навбатда камомадни бартараф қилиш керак, деб ҳисоблар эдилар. Бунга қўшилмаслик қийин эди.

Лекин ўз сўзимда туриб олдим. Ходимлар учун мақбул маиший шароитларни яратиш ҳар томонлама фойдали эканлигига ишончим комил эди. Асосийси — меҳнаткашларнинг руҳини кўтариш, иккиланмасдан, зарур пулни сарфлаш керак, деб ҳисоблардим.

Шубҳасиз, 3 миллиард вон катта пул. Бу пулни сарфлашга қарор қилганим бизнесни тушунмаганимдан эмасди. Агар арзийдиган иш бўлса, катта пулни ёки озми нима фарқи бор. Арзийдиган ишга мен сира иккиланмасдан истаганча пул қўяман. Агар гап арзимас нарса устида боргудек бўлса, мен хасисга айланаман ва сариқ чақа ҳам бермайман.

Биз ўшанда ходимларни Сеулдан фирма корхонаси жойлашган Инчхон шаҳрига автобусда олиб келардик. Шосседан юрилгани учун ҳар бир рейсга 500 вон ҳақ тўларди. Мен тасодифан агар заводга бошқа йўлдан борилса, ҳар бир рейс 350 вонга тушишини билиб қолдим. Бу ҳолда йўл бироз узайишига қарамасдан, барибир автобус йўналишини ўзгартиришга буйруқ бердим, чунки ҳар бир рейсдан 150 вон тежаб қолинарди.

Бу ерда гап фақат 3 миллиард вон ёки 150 вонда эмас, балки, керак бўлса, 3 миллиард вонни ҳам аямасликда. Яъни ҳар қандай пулни фойдали ишга сарфлаш мумкин. Беҳуда сарфлардан эса, у 150 вон бўлса ҳам сақланиш керак. Оз пулни ҳам тежашни билиш керак. Бу — пул сарфлаш санъатидир.

Иш бўйича шерикларимга совғаларни одатда ўзим танлайман, кўпроқ керамика сотиб олишни афзал кўраман. Кўпинча сотувчилар ақл бовар қилмайдиган нарх сўрашади. Ахир, мен энг йирик фирманинг раисиман-ку! Шунда мен савдолашишга тушаман ва мумкин қадар нархни туширишга ҳаракат қиламан. Мол учун ортиқча ҳақ тўлашнинг ҳожати йўқ. Эҳтимол, керамика сотувчиси мени хасислик қиляпти, деб ўйлар, асло бундай эмас. Гўёки, пулни бетига қарамай сарфлаётган одам ҳотамтою, фақат зарур жойга сарфлаётган одам — хасис деган фикрни миядан чиқариб ташлаш керак.

Агар гап йўлдан тежалаётган 150 вон ёки керамика сотиб олиш тўғрисида бораётган бўлса, мен ҳақиқатан ҳам

“хасис” ман, лекин ходимларни ўқитиш учун 20 миллиард вон сарфлашга ачинмайман. “ДЭУ” фирмасида атрофга зарар етказувчи ишлаб чиқариш деярли йўқ, чунки корхоналаримизга тозалаш қурилмалари сотиб олиш учун пулни аямаймиз. Мабодо, ходимларимиздан биронтаси ишлаб чиқаришда ҳалок бўлса, унинг оиласига товон тўлашда ҳам пулнинг юзига бормаймиз. Шунинг учун, пулни қаерда ишлатиш керагу, қаерда ишлатмаслик кераклигини аниқ билиш лозим. Зарур жойга пул сарфлайдиган киши мақтовга лойиқ. Кимки пулни керак жойга ҳам, кераксиз жойга ҳам сарфлайверадиган бўлса, демак, у ўз вақтида пул муомаласига ўргатилмаган. Пулни яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам ишлатиш мумкин, ҳаммаси пул кимга тегишли эканлигига боғлиқ.

Ёшликдан пулни тежашга ўрганган яхши. Бугун қўлида қанча пул бўлса ҳаммасини сарфлайдиган одам нодондир. Келинлар, пулни эртанги кунни ҳам ўйлаб сарфлайлик. Бу олий даражадаги оқилона иш бўлади. Диний ислоҳотчи Жон Уэсли бир куни: “Қўлингдан келгунча ишлаб топ. Жамғара олгунингча жамғар. Хайрли ишга қанча сарфлай олсанг, шунча сарфла”, — деган эди.

Бунга мен қуйидагича қўшимча қиламан: “Агар лозим бўлса ҳар қандай катта пулни ҳам аяма, лекин зарурат бўлмаса сариқ чақа ҳам сарфлама”.

Қўл билан ўйнаш — қондани бузишдир

Биз рақобатлар даврида яшайпмиз. Ўз моҳиятига кўра, бутун ҳаётимиз рақобатдан иборат. Фақат бир киши биринчи бўлиши мумкин. Югурувчилар кўп, лекин олтин нишон уларнинг биттасигагина nasib этади. Олдинга югурмасанг — ортда қолиб кетасан.

Ҳар қандай мусобақанинг ўз қонун-қоидалари бор. Мусобақа қатнашчилари унга амал қилишлари керак. Қондани бузганлар огоҳлантирилади ёки майдондан чиқариб юборилади.

Мана икки йилдирки, мен Жанубий Корея футбол федерацияси раисиман. “ДЭУ”нинг ҳам “ДЭУ ройялс” деган ўз футбол командаси бор. Футболчи қўли билан тўп ўйнамаслиги (албатта, дарвозабондан ташқари), рақибнинг оёғига тепмаслиги ёки уни чалиб йиқитмаслиги ке-

рак. Бу қоидага зиддир. Қоидани бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ўйин шуниси билан қизиқ.

Ҳаётда ҳам худди футболдаги сингари маълум қоидалар мавжуд. Биз ҳаммамиз иссиқ жой учун курашамиз. Ва бу кураш ҳалол бўлмоғи, қоидага амал қилинмоғи лозим. Ушандагина бу кураш бирор маъно касб этади.

Ҳаёт аталмиш мусобақада ҳалоллик ғалабада ҳам, мағлубиятда ҳам ҳамма нарсдан юқори бўлмоғи лозим. Ғалаба муҳим, лекин ҳалол ва муносиб кураш ундан ҳам муҳимроқ. Фирром ғалабадан ҳалол мағлубият аълороқ. Мен учун мумкин бўлмаган усуллар билан муваффақиятга эришган ғолибдан кўра ғалаба учун ҳамма нарсани ҳалоллик билан бажарган мағлуб азизроқ.

Биз ялпи мусобақа даврида яшамокдамиз. Аммо бу можаро ва низолар даври бўлмаслиги керак. Рақобат ҳаёт-мамот кураши эмас, аксинча у туфайли ҳаёт ҳаммага яхши бўлмоғи лозим. Шу маънода ҳалол рақиб — меҳрибон дўст ва доно устоз билан баробардир. Агар 100 метрга чопаётган спортчининг рақибни уни қадам-бақадам таъқиб этмаганда, балки у рекорд ўрната олмаган бўларди. Рақиб ортингдан таъқиб қилаётгандагина яхши натижаларга эришиш мумкин. Мусобақанинг моҳияти шунда. Аввал бир чопқир олдинга ўтиб олади, маълум вақтдан сўнг орқадиги уни қувиб ўтиши мумкин. Улар гуёки бир-бирларига куч бераётгандай бўладилар ва шунинг учун ҳам яхши натижага эришадилар.

Мана, мусобақа нима! Ўзи яхши яшаши учун рақибни йўқ қилиши эмас, балки чиндан иккаласига яхши бўлиши учун бир-бирларига туртки бўлиш — ҳалол мусобақанинг асосий тамойилидир. Фақат шу йўл билангина у унумдор кучга айланиб, ижодий қувватни уйғотади.

Мабодо, белгиланган қоидалар чегарасидан чиқилса, унда можаролар ва тўқнашувлар муқаррардир. Унда қанақасига ижод бўлсин. Жамият тузумининг асослари емирилиши мумкин. Бошқаларни йўқотиш ҳисобига ўз фаровонлигига эришиш — ҳалокатга юз тутиш билан баробарлигини доимо ёдда сақламоқ лозим.

Ҳозирги давр — яккахонларники эмас. Фақат ўзингиз учун яшаманг ва бошқалар ҳисобига яшаш мумкин деган фикрни улоқтириб ташланг. Ҳамкорлик қилиш ва бир-бирига хизмат қилиш лозим. Мисол учун автомобиль саноатини олсак. Уни беҳудага улкан айсбернинг чўққисига, машинасозликнинг маҳсулига ўхшатмайдилар. “ДЭУ”

ёки “Хендэ” каби улкан компаниялар бир-бирларидан ажралган ҳолда машиналар ишлаб чиқара оладиларми? Биргина машинани йиғиш учун юзлаб, минглаб деталлар талаб қилинадиги, уларни кўплаб катта ва кичик компаниялар етказиб беради.

Фирмалар ўртасида қаттиқ рақобат кетади. Натижада истеъмолчилар аъло сифатли маҳсулот оладилар. Рақобат бўлмаса, ҳеч ким сифатни оширмайди, яъни техникани кўлламайди. Агар фирмалар ўзаро рақобатлашмаганида, ким билади, балки биз ҳанузгача кўл билан ишлатиладиган кир ювиш машинасидан фойдаланаётган бўлармидик. Янги сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, янги техникани ўзлаштириш учун кўп маблағ ва вақт талаб этилади. Лекин бошқа фирманикидан аъло маҳсулот ишлаб чиқариш, бозордаги рақобатга дош бериш учун ҳар бир компания янги техникани ўзлаштиради. Натижада истеъмолчилар вақти келиб аъло сифатли кир ювиш машиналари ёки холодильниклар оладилар.

Шу тарзда, рақобатдошлар бир-бирларига душман эмас, балки яхши шерик бўлиб қоладилар. Албатта, баъзи фирмалар курашда ярамас усулларни қўллаган ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Масалан, рақиб ҳақида ҳар хил ғийбатларни тарқатадилар ва унга чет эллик шерик билан битим тузишга халақит берадилар. Буни энди ҳалол кураш деб атай олмаймиз. Бу, эҳтимол, мусобақанинг асосини ташкил қилувчи ҳикматни, унинг ҳақиқий маъносини тушунмасликдан юзага келади. Ўйин қоидасига амал қилиш керак. Қоидалар бўйича курашиш керак. Ҳеч қачон йўлдан уриш, бош-бошдоқлик, ҳийла-найранг каби пасткаш, фирром усулларни қўлламаслик даркор.

Баъзида: “Мақсад усулларни оқлайди,” — дейишади, йўқ, бундай эмас! Пасткаш восита-усулларни оқлаш асло мумкин эмас. Фақатгина тўғри йўлдан борилгандагина муносиб мақсадга эришиш мумкин.

Имтиҳонда партадошидан кўриб ёки кўчириб, 100 балл олгандан, ҳалоллик билан 90 балл олган аъло. Чунки балл сизнинг ҳақиқий билимингизни кўрсатади. 100 балл эса ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Бу имтиҳон билан ҳаёт тугамайди. Нопок йўл билан тўпланган 100 балл бир кун сизга панд беради.

Сизнинг муносиб рақибингиз борми? Бизнинг даври-мизда, кучли рақобатлар даврида сизга мадад бўладиган, тиришқоқлик билан берилиб ўқишингиз ёки ишлашин-

гиз учун сизга куч бағишловчи рақобатдошингиз борми? Ахир, бундай рақобатдош қуруқ вайсашдан бошқага ярамайдиган оғайнингиздан кўра фойдалироқ-ку!

Йўлга шундай рақиб билан чиқинг. Ундан ҳам яхши-си — ўз шерикларингиз учун ўзингиз намуна бўлинг! Шундай қилиб йўлда имиллаб, ёлғиз боргандан кўра шериклар билан биргаликда ҳаракат қилсангиз, фаровон келажакка тезроқ етишасиз.

“ДЭУ”ни ким бошқариши керак?

“Дарё манбаида сув тоза бўлса, қуйи оқимида ҳам тиниқ бўлади” дейилади эски корейс мақолида. Ва бу ҳақ гап. Дарё юқоридан қуйига оқади. Дарё сувнинг тозаллиги унинг бошланиши қанчалик тозаллигига боғлиқ.

Инсоният жамиятида ҳам худди шундай. Агар раҳбар пок бўлса, жамият ҳам тоза бўлади. Агар жамият ахлоқи унинг раҳбари қандай ибрат кўрсатишига боғлиқ десак муболага бўлмайди. “Дарёнинг манбаида сув тоза бўлса, қуйи оқимида ҳам тиниқ бўлади”, — деган юқоридаги мақол ҳам раҳбарнинг ролини таъкидлайди. Раҳбар керак. Халқни уйғотиш, жамиятни яна ҳам яхшилаш учун ғайратли, масъулиятли раҳбар керак.

Ким раҳбар бўла олади? Ҳар ким ҳам эмас. Раҳбарлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани ёмон, лекин улар оз бўлса ҳам ярамайди. Бизнинг Кореяда: агар кемада эшакчилар ўта кўп бўлса, унда кема ўзини қирғоқдаги тоққа уради, агар ўта оз бўлса, у ўрнидан жила олмайди, дейишади. Қобилиятли, талантли одам раҳбар бўлиши керак. Агар бундай хислатларга эга бўлмаган одам раҳбар бўлиб қолса, жамият жар ёқасига келиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб ким раҳбар бўла олади? Аввало раҳбар оммани ишонтира билиши, ишни ташкил қилиши ва жамоанинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши учун кураша олиши керак. У ҳар соҳада бошқалардан бир поғона юқори туриши керак. Агар раҳбарнинг бор-йўғидан наф бўлмаса, унинг нима кераги бор? Одамларни ўзига эргаштира олиш — раҳбарга зарур фазилатдир. У жамоадаги тушунмовчилик ва зиддиятларни тезлик билан самарали еча билиши, жамоа куч-қувватини қўйилган вазифаларни бажаришга йўллай билиши керак.

Лекин хато қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Сардор билан диктаторни адаштирмаслик керак. Жамият аъзоларининг хоҳиш-иродасини сўндирувчи диктатура билан сардорлик бутунлай бошқа-бошқа тушунчалардир. Бир вақтлар биз зўравонликка асосланган диктатурани ҳурматга муносиб бўлган сардорлик деб қабул қилган эдик. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ҳозир кўпчилик бунинг фарқига бормайди ва ҳар қандай сиёсий сардорликка қарши чиқади.

Демократия бу — жамиятда ҳар қандай сардорлик бўлмаслиги эмас, аксинча, ҳозирги демократлаштириш даври — жамиятда соғлом, дадил сардорликни қўллаб-қувватлаш шаклланиб бораётган ўта муҳим даврдир. Бундан ташқари, ҳақиқий сардорлик мустаҳкам илдиз отиши учун фуқаролар соғлом сиёсий онгга эга бўлиши керак.

Фақат ўшандагина жамиятда демократик, соғлом халқнинг хоҳиш-иродасига таянувчи изчил сардорлик қарор топади ва сиёсий сардорликни очиқдан-очиқ диктатурага алмаштиришга уринишлар барбод бўлади.

Раҳбарга яна бир талаб — фидокорлик. У шуни чуқур ҳис қилиши ва доимо ёдда тутиши лозим. Бошчилик қилиш унга азалдан ёзиб қўйилган, у шунинг учун туғилган ва лозим бўлса, бу ишга ўзини фидо қилмоғи керак, бу Худодан унга берилган муқаддас бурчдир. Бундай тушунчадан маҳрум бўлган раҳбар масъулият ҳиссини йўқотади ва ҳокимият унинг учун ўз истакларини қондириш воситасига айланади. У етакчи бўлган жамоа соғлом бўлиши мумкин эмас. Кимки ўз бурчининг муҳимлигини англамас ва ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўяр экан, у бошқаларга раҳбарлик қилишга ҳаққи йўқ.

Раҳбар фидокорликка тайёр бўлмоғи лозим. Ўзини фидо қилиш ғояси сардорлик бурчини англашдан келиб чиқади. Кимки ўзини Яратганнинг амрига кўра сардор деб ҳис қилмас экан, у ҳеч қачон ўзини фидо қилиш ҳақида ўйламайди. Ва аксинча, ўз бурчинини бошқаларни ўзингизга эргаштириш деб билсанг, одамлар учун жон фидо қилиш фикри аввал бошданоқ, сен учун ёт бўлмайди. Ўз ишинг пойдеворига шундай тошларни қўймай туриб, ҳақиқий сардор бўлолмайсан. Сардорлик ўзидан-ўзи осмондан тушмайди. У шунчаки, сен юқори лавозимни эгаллаганлигинг учунгина берилмайди. Сардор бўлишга ўзининг муқаддас бурчини англаган, ўзи ишлаган жамоа учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган кишигина ҳақлидир.

Кимки ўзига сардорлик юкини олар экан, у машаққатли йўлга қадам қўяди. Бу гап мамлакат раҳбаригагина эмас, балки энг кичик жамоа бошлиғига ҳам тегишли. Раҳбар бўлиш ёки бўлмаслик, ўзини фидо қилишга тайёрликка боғлиқ.

“ДЭУ” ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун мен ўз шахсий ҳаётимдаги ҳаловатимни қурбон қилдим. Уйқу нима, дам олиш нималигини билмай ишлайман. Мен ўз ҳаётим давомида эрмак ўйлаб топмадим, шароб таъмини тотмадим (мен уни ҳеч қачон тотиб кўрмаганман). Мен оилавий ҳаётда ўз бахтимни топа олмасмидим? Лекин иш учун буларни ҳам қурбон қилдим. Аввалига, хотиним норози бўлиб юрди, ҳозир менимча, тақдирга тан берди, шекилли. Мен доимо болаларим олдида ўзимни қарздордек ҳис қиламан — улар билан бирон марта бирга дам олган эмасман. Энди билишимча, улар мени тушунадилар, ҳатто ўз оталари билан фахрланадилар ҳам. Мен қандай қилиб бунинг учун улардан миннатдор бўлмай?

Албатта, оилалардан жамият ташкил топади. Қадрдон оила — бахтнинг асоси эканлигини ҳам тушунаман. Лекин раҳбарлар — алоҳида тоифадаги одамлардир. Раҳбар ўз шахсий фаровонлиги тўғрисидаги ташвишдан юқори туриши керак. Агар ҳамма фақат ўзининг шахсий бахтини ўйлайдиган бўлса, унда ким инсониятни олға етаклайди? Ахир, буни кимдир қилиши керак-ку!

Кимдир шахсий фаровонлигидан воз кечиб, ўз қавмлари бахт-саодати учун ғамхўрликни зиммасига олиб, уларни ҳақ йўлига бошламоғи керак. Агар ўз қалб амринга муносиб бўлишни хоҳласанг, ҳеч бўлмаса, шундай кичик фидойиликка тайёр бўл.

“ДЭУ”да бундай кишиларни қадрлашади. Бизга ижодий фикрловчи, фидойиликка, чин юракдан берилиб ишлашга тайёр одамлар келадилар. Бундай одам — тайёр раҳбар. Бундай одам вақти келиб дарғалик қилиши мумкин. Баъзиларига ижодий учқунлар етишмаса ҳам майли, барибир, агар у бор кучини аямай, тўлиқ унум билан ишласа — у бизнинг одам.

“ДЭУ”нинг масъул лавозимига фирма манфаатларини ўзиникидан устун қўядиган, ижтимоий бурчини шахсий фаровонлигидан муҳим деб ҳисоблайдиган одамлар келади. Улар ўзларининг борлигини фирманинг гуллаб-яшнашига бағишлаганлар.

Афсуски, фирмада ишлаб туриб, фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиганлар ҳам бор. Улар фақат ўзлари учун яшайдилар. Улар фирма муваффақиятига ҳисса қўшишга ҳаракат қилмайдилар, балки шахсий фаровонлик ва оилавий бахт билан қаноатланадилар. Лекин бундайлар бизда қадрли эмаслар. Улар кўпи билан оддий ходим лавозимига умид қилишлари мумкин, холос. Умуман эса, жамоа ишлари билан шахсий ютуқлар орасида ўзлигини англай олмайдиганлар “ДЭУ”да узоқ туриб қолмайдилар.

Раҳбар агар иш билан ўзининг одамларга раҳбарлик қилишга ҳақли эканлигини исбот қилса, уни муқаддас бурч ҳисси илҳомлантирса, ўзини фидо қилишга тайёр бўлса, у ҳурматга сазовор бўлади. Раҳбар ҳурматга эга бўлмоғи лозим. Сардорнинг диктатордан фарқи шу ерда билинади. Одамлар диктатордан қўрқадилар, унга бўйсунадилар, лекин уни ҳурмат қилмайдилар. Ҳақиқий раҳбардан қўрқмайдилар, уни ҳурмат қиладилар ва шунинг учун унга эргашадилар.

Ҳурмат туфайли ҳақиқий обрў шаклланади. Раҳбарга обрў зарур, фақат шундагина у одамларни ўз ортидан эргаштира олиши мумкин. Раҳбарнинг обрўси диктаторнинг якка ҳокимлигидан тубдан фарқ қилади. Зўрликка асосланган диктатор ҳокимиятини раҳбар обрўсининг кучи билан адаштирмаслик керак. Авторитар интилишларга қарши туриш керак, одамларга хизмат қилишга, лозим бўлса ўз манфаатларини қурбон қилишга тайёр турган раҳбар ҳурматга лойиқдир.

Мен сардорнинг жамиятдаги ўрни ҳақида кўп гапирдим. Лекин мен хоҳлардимки, ёшлар практицизмни енгиб ўтсалар, худбинлик қарашларидан воз кечсалар ва ўзларида жамият ва давлатга ҳақиқий сардор бўлишлик эҳтиёжини туйсалар. Ҳолбуки, ҳар ким ҳам сардор бўла олмайди, раҳбарлик лавозимига эришганларида ҳам, амалда улардан ҳақиқий раҳбар чиқмайди.

Лекин қайсидир даражада бизнинг ҳар биримиз раҳбармиз. Ахир, ҳеч қачон ҳаётимни мен учун яратмайди-ку. Шу маънода ҳар биримиз ўз ҳаётимизнинг раҳбарларимиз. Шунинг учун ҳам мен раҳбарлар ҳақида нима деган бўлсам, ҳаммага бирдай тегишлидир.

Кимки чинакам сардор бўлишни хоҳласа, улкан ишлар учун ўзини қурбон қилишга тайёр деб билса, ўз ҳаётини гўзал ва порлоқ яшаб ўтказишни хоҳласа, ҳозиргина ўқиганлари ҳақида яна бир бор ўйлаб кўрса, ёмон бўлмас эди.

Биз ҳаммамиз — корейслармиз

Баъзилар нима учун ўз туғилган ери билан чиранишига сира тушунолмайдиман. Бизда — Корейда, масалан, таркибига Шимолий ва Жанубий Чолла вилоятлари ва Чеджудо ороли кирадиган Хонам ўлкаси аҳолиси билан Шимолий ва Жанубий Кёнсан вилоятларини ўз ичига олган Ёнгнам ўлкаси аҳолиси ўртасида ўзаро бегонасираш эскидан сезилиб туради. Кейинги ўн йилликда, мамлакат такомиллашиш йўлига кириб олган бир пайтда, айниқса бу ҳолат жуда кучайди. Мен эса, ўзимни корейс, Корея Республикасининг фуқароси, деб ҳисоблайман.

Менинг ота-онам Чеджудо оролидан. Чеджудо аввал Чолла вилояти таркибига кирар эди. Кейинчалик у алоҳида вилоят бўлиб ажралиб чиқди. Отам у ерда ҳисоб бўйича иккинчи губернатор эди. Шунинг учун ҳам мен ороликман ва Хонамдан келиб чиққанман.

Ўзим Тэгуда туғилганман. Тэгу шаҳрининг Понгсан райони — менинг ватаним. Мен шу ерда мактабга қатнай бошладим. Уруш тугагунча яшадим. Шу маънода оладиган бўлсак, мен Ёнгнамликман.

Сеулда эса ўсиб улғайдим шу шаҳарда мактабни, университетни битирдим, иш бошладим, хуллас, мен Сеулликман ҳам.

Бошқача қилиб айтганда, ўзимни бирон бир жой билан боғламайман.

Яна такрорлайман — мен корейсман, Корея Республикасининг фуқаросиман. Бир тилда гаплашадиган, битта кичкина мамлакатда бирга яшайдиган одамлар бир-биридан нимаси билан фарқ қилиши мумкин? Айтайлик, биров бейсболни севади, қувноқ, одамлар билан осон тил топишади, бошқаси эса классик музикани ва уйда ўтиришни ёқтиради. Шуниси билан фарқ қилади, холос.

Албатта, одамлар бир-бирига ўхшамайди. Иккита бир хил одамнинг ўзи йўқ. Лекин, шу билан бирга, уларнинг бир-бирларига ўхшаш томонлари ҳам бор. Ҳатто ўхшашликлари фарқларидан кўра кўпроқ.

Одамлар бир-бирига ўхшаганлари билан, бу уларнинг ўзлиги йўқ деган гап эмас. Бошқа томондан эса, баъзи кишиларнинг хусусиятларига ортиқча аҳамият бериш ҳам керак эмас. Биз ҳар хилмиз, лекин ҳаммамиз одамлармиз. Бор гап шу. Бордию, фарқлар одамларни таъқиб қилиш учун баҳона бўладиган бўлса, бу ёввойилиқдир. Қолавер-

са, бу яҳудийларни фақат немис бўлмаганликлари учунгина қирган Гитлернинг мантиқидир. Инсонни унинг такрорланмас ўзлиги билан ҳурмат қилган жамият — соғлом жамиятдир.

Бизнинг кичкина мамлакатимизда ким бир жойдан, бошқаси бошқа жойдан бўлганлиги учун ёқтирмаслик ҳолати бўлмаслиги керак. Жамиятимизда ҳанузгача бундай кайфиятлар сақланиб келаётганлиги учун биз катта авлод вакиллари ҳам масъулмиз деб ҳисоблайман.

Ёшлардан нега бошқа жойдан келганларни ёқтирмайсизлар деб сўрасанг, улар доим оилада шундай жавоб беришади. Наҳотки ота-оналар фарзандларига, қўшнига менсимай қараш одатидан бошқа бирон нарса беролмасалар? Миллатнинг бирлиги ва равнақини устун қўядиган, ўз юртининг ҳақиқий фуқароларини эмас, балки, ўзининг туғилган ўлкаси билан чиранишга қодир такаббурларни ўзлари хоҳлабми-хоҳламайми тарбия қилган баъзи бир “катта”лар учун ёш корейслар авлодидан узр сўрамоқчиман. Сиз — илғор мамлакат бўлган Корея Республикасининг фуқароларисиз. Сиз умумий битта Ватаннинг ҳар хил бурчакларидан чиққанлар муҳолифликни енга олган, миллат бирлиги ва мустақамлиги руҳи билан йўғрилган авлод бўлмаганингиз керак.

Бунинг учун сиз ҳамма гап фақат биргина “мен” атрофида айланувчи тор фикрлашдан қутулиб, маркази “биз” бўлган кенг фикрлашни ишлаб чиқмоғингиз даркор. Бу “биз” принципи бўйича фикрлаш, ҳақиқий ўзлигини намоён қилиш учун муҳит яратади. Ҳамма нарсдан “мен” ини устун қўядиган одам ўз худбинлигининг асири бўлиб қолади, бу эса доимо бошқалар билан можарога олиб келади. Қачонки, умумий “биз” тўғрисида ўйласанг, ҳар бир кишининг манфаати тўғрисида қайғурсанг, унда ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш муносабатлари ўз-ўзидан шаклланиб боради.

Чет элларда бўлинг. Саёҳат қилинг. Ўша ерда “мен” тушунчаси қандай қилиб “биз” тушунчасига айланишини англайсиз. Сиз фақат ўзингизни ўйлаганингиз учунгина келиб чиққан жанжал учун уялиб қоласиз. Агар илдизларига боқадиган бўлсак, маҳаллийчилик — қудуқдаги бақага хос бўлган, дунёга тор, бузилган қарашлардан бошқа нарса эмас.

“ДЭУ” да ҳеч кимдан қаердан келгансан, деб сўрамайдилар. Нимагалиги шундоқ ҳам маълум. Биз бутун жаҳон

бўйича ишлаймиз. Шундай экан, сен Чолла вилоятдан-мисан ёки Кенсан вилоятданмисан, бунинг нима аҳамияти бор. Дунё кенг. Биз Чолла, Кенсан вилоятларининг эмас, балки Корея Республикасининг фуқароларимиз.

Мен умумий ватанимизнинг ҳар хил бурчакларида туғилган кишилар бир-бирлари билан ака-ука тутинсалар, дейман. “Болаларимиз таътил вақтида бир-бирлариникида меҳмон бўлсинлар, Чолла ва Кенсан йигит-қизлари бир-бирларини севишлари ва биргаликда бахтли яшашларига ҳеч ким, ҳаттоки ота-оналар ҳам халал бермасалар дейман. Мен бутун мамлакат бўйлаб ҳар хил жой аҳолисининг бир-бирларидан бегонасирашларига барҳам берилса дейман. Агар бундай ҳаракат бошланса, уни чин қалбдан қўллаб-қувватлардим.

Мана, олдингизда бир киши учун ёпилган пирог. Лекин кўпчилик уни татиб кўришга ошиқиб, тамшаниб ўтирибди. Айтилик, тўрт ёки беш киши. Бу ҳолда талашиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Ахир, пирог бир кишига мўлжалланган-да. Кимдир ярмини бўлиб олади, кимдир учдан бирини, кимгадир эса умуман қолмайди. Эҳтимол, жанжал авжида яна бирор элчил чиқиб қолса, жанжаллашаётганлар умуман ҳеч вақосиз қолишлари мумкин.

Агар пирог устида жанжаллашмасдан, тўпланишиб, қандай қилиб каттароқ пирог ясаш мумкинлиги ҳақида биргаликда ўйласалар, натижа бутунлай бошқача бўлади. Агар кафтдеккина кичкина пирог бир кишига текканди ҳам, бундан у катта бўлиб қолмайди. Лекин биргаликда баркашдай пирог ясаб, уни ҳаммага тенг, айтилик тўртга бўлсак, у ҳолда унинг тўртдан бири ҳам аввалги пирогдан каттароқ бўлиши мумкин. Биз ҳаммамиз ҳам шундай аҳиллик билан яшаб, биргаликда ишламоғимиз даркор. Агарда умумий бойликларимизни биргаликда кўпайтириб, адолат билан тақсимласак, бойликларимиз камаймайди, балки, биз уни яратиш учун биргаликда қанча меҳнат қилсак, шунчалик ортиб бораверади. Қизини уза-таётганда йиги-сиги қилаётганда ота-оналарга қандай тасалли бераётганларини тез-тез эшитиб қоламан. “Қизимни йўқотаяпман” деб сира ўйламанг. Ҳаммаси қандай ёндашишга боғлиқ. Агар икки киши бирлашадиган бўлса, уларнинг улуши ярмига камайиб қолмай-ди, аксинча, икки хисса ортади.

Биз кичкинагина ерда яшаймиз. Бутун мамлакатимиз — Американинг кўпгина штатларидан ҳам кичик. Худуди-

мизнинг ярмидан кўпрогини тоғлар ташкил қилади. Бунинг устига, мамлакатимиз иккита — Жануб ва Шимолга ажратилган. Мана шундай кичик мамлакатда кишилар ҳар хил ўлкаларда туғилганликлари учунгина бир-бири билан келишолмайдилар. Бу пирог талашини эслатади, нима учун биз бирлашиб, қандай қилиб катта пирог ясаш тўғрисида ўйлаш ўрнига, бир-биримиз билан гажишамиз.

Мен сизга бизнинг умумий пирогимиз каттароқ бўлиши учун нима қилишимиз кераклигини айтиб қўймоқчиман. Ўзингиз билан ўралашиб қолманг. Кичкинагина ерда жанжал қилиш эмас, балки битта катта пирог ясаш учун умумий “биз”га бирлашиш керак. Ўшанда ҳар биримиз каттароқ бўлакка эга бўламиз.

Шундай қиламизки, ҳар биримиз эркин ва тўкин яшаймиз. Агар биз нигоҳимизни кенг, ҳақиқатан ҳам чексиз жаҳонга қаратсак, “мен” ва “сен” йўқолади ва фақат битта умумий “биз” имиз қолади.

Биз шундай даврда яшайпмизки, мураса қилиш ва биргаликда маслаҳат билан ишлашдан бошқа йўл йўқ. Ҳар биримизни сиқиб турган “мен”ни улоқтириб ташлаймиз ва чегарасиз “биз” денгизига чиқамиз. Кичкина пирогни унутиб, ҳаммага етадиган катта пирог ҳақида ўйлаймиз. “Мен”ни сиқиб, “биз”га айланамиз. Биз ҳаммамиз — корейслармиз, ахир.

“Жамият” отлиғ китоб

Тажриба — энг яхши дарслик. Одамлар ўз тажрибаси орқали соғлом фикрга эга бўладилар, ҳаётда нима зарур бўлса, ҳаммасига эришадилар.

Кунлардан бир куни қўлимга XVIII асрда яшаган инглиз сиёсатчиси Филипп Честерфилднинг Нидерландияда элчи бўлиб юрган вақтларида ёзган китоби тушиб қолди. “Жамият — китобларнинг энг буюғидир”, — деб ёзади у. “Жамият деб аталмиш китобдан олинган билимлар, шу вақтгача ёзилган китобларнинг ҳаммасини бир қилиб тўплангандагидан кўпроқ ёрдам беради”. Бу — ҳақиқат. “Жамият” аталмиш китобни ўқишни билиш керак. Жамиятни ўрганиб, соғлом фикрли бўламиз, қандай яшаш лозимлигини тушунамиз. Мана, нима учун мен тажрибанинг муҳимлигини таъкидлаяпман. Жамиятни фикран қамраб олиш учун тажрибадан кўра муҳимроқ нарса йўқ.

Билимлар фақат тажрибадан туғилади, деб таъкидлашади Френсис Бэкондан тортиб Локк ва Хьюмларгача бўлган барча инглиз мутафаккирлари. Бошқача сўз билан айтганда, янги туғилган гўдак бир варақ тоза қоғозга ўхшайди. Унинг онги ҳам, фикри ҳам йўқ. Фақат ҳаёт тажрибасигина йиллар давомида бу вараққа ўз расмларини чизади. Тажриба чизган расмлар инсон ҳаётининг ўзидир.

Ёшлик йилларида кўпроқ тажриба тўплашга интилинг. Шундагина чуқур фикр юритасан, дунёқарашинг кенгайди. Ҳаётнинг барча сирларини эгаллайсан. “Учта йўлдошдан ҳеч бўлмаса бири менга устоз бўлади” деган эди Конфуций ҳам.

Мен “жамият” китобини нисбатан эрта ўқий бошладим. Уруш вақтида яшаган Тэгуда мен оила бошлиғи эдим. Шу туфайли инсоний муносабатларнинг ички ва ташқи томонларини, иш билан пулнинг ўзаро алоқасини, даромадли жой учун толмай курашишнинг муҳимлигини тушуна олдим. Ҳа, ўша йиллар менинг ҳаётимга озмунча таъсир кўрсатмади.

Ўзингизни ҳар хил ишда синаб кўринг. Ёшлар ахлоққа зид бўлган ишлардан бошқа ҳаммасини синаб кўришлари керак. Спорт билан шуғулланиш, ўқиш, дўстлар орттириш, севиш-севилиш керак. Кўлда белкурак ушлашни, машина ҳайдашни, яхши саёҳат қилишни билиш керак. Ҳеч нарса қилмагандан, ҳаммасини бир-бир кўриб қўйган яхши.

Шахсий тажрибасиз ҳеч нарсани билолмайсан. Бошқаларнинг тажрибасига умид қилмай, фақат ўз тажрибангга суянибгина бирор нарса ҳақида ишонч билан фикр юритиш мумкин. Биз фақат ўз тажрибамизда синаган нарсаларнигина чинакамига билишимиз мумкин. Тажриба — бу ажойиб ва тақдорланмас ҳаёт дарслигидир.

“Жамият” отлиг китобни ўргана бошлаганларга бундай маслаҳатларни бермоқчиман.

Биринчидан, имконияти борича, кўпроқ саёҳат қилинг. Саёҳат бу — янгилик билан танишишдир. Саёҳатнинг чин маъноси — янги дунё билан учрашув ва дунёқарашни кенгайтиришдир. Агар сиз янги дунёга бефарқ бўлсангиз, фақат ялло қилсангиз, бу вақтни беҳуда сарфлашдан бошқа нарса эмас. Агар саёҳатдан бирон-бир фойда чиқаролмас экансиз, унда саёҳат қилиш арзимайди.

Дунё кезганингизда ўзингизни ўраб турган ҳаётни синчиклаб кузатинг. Сиз учун янги бўлган бу оламни диққат билан ўрганинг. Олдинги кўрганларингизни солиштиришга уриниб кўринг. Сиз борган жойларда одамлар нима билан яшаётганларини тушунишга ҳаракат қилинг. Ўрганинг, кузатинг, ҳеч нарсани назардан қочирманг. Юзаки кузатувчи киши меванинг фақат пўстлогини еяётган ёки шундоқ ҳам бор кучи билан чопаётган отни яна ниқтаётган одамга ўхшайди. Атрофга боқиш унинг ҳаёлига ҳам келмайди. Қизиқувчанликдан маҳрум бўлган саёҳатчи — қимматбаҳо буюмни тушириб қўйган одам билан баробар. Дунёда бориб кўришга арзимайдиган жой йўқ. Албатта, тарихи қизиқарли жойларни кўриш, ўз ўлкангни яхши билишинг керак.

Йилнинг учдан икки қисмини чет эл сафарларида ўтказаман, шунинг учун доимо ўзимни оилам олдида айбдор ҳис қиламан. Мен ота ўз фарзандларига қилиши лозим бўлган ишларнинг ҳаммасини қилолмайман. Ўзимни озгина бўлса ҳам оқлаш, бир оз бўлса ҳам болаларимга ғам-хўрлик қилиш учун мен уларни таътил пайтларида чет эл саёҳатларига жўнатаман. Албатта, буни маълум мақсадни кўзлаб қиламан. Улардан жаҳон миқёсида фикр юритадиган одам чиқишига умид қиламан. Саёҳатга жўнатаман, лекин ҳуда-беҳуда пул сарфлаш мумкин бўлган Европага эмас. Маданият ва тараққиётнинг қадимий илдизлари олдида инсоният тарихини ҳис қилишлари ва инсон ақлзаковатининг улугворлиги ҳақида ўйга толишлари учун Мисрга, Ҳиндистонга, қадимий Майя шаҳарлари харобаларига жўнатаман.

Иккинчидан, кўплаб дўст орттириш керак. Яхши дўст — бу “жамият” аталмиш китобдан ёмон эмас. Шубҳасиз, ҳар бир одамнинг яхши дўсти бўлиши керак. Дўстлик — катта бойлик. Ҳаётда ҳар томонлама, кенг дўстлик муносабатлари катта роль ўйнайди. Ёшликдаги дўстларингиз ким бўлиб етишишларини ҳеч ким билмайди. Дўстлар иложи борича кўпроқ, душманлар камроқ бўлиши керак.

Лекин бир нарсани ёдда сақланг: дўст орттиришда сон кетидан қувиш бефойда. Агар сенда ўзингга ишонгандай ишонадиган дўстинг бўлмас экан, юзта дўстинг ҳам асқотмайди. Ҳолбуки, улар айна муҳтож бўлиб турган пайтда сендан юз ўгиришлари мумкин. Шунинг учун ҳамма билан яқин бўлинг, аммо ҳеч бўлмаса битта ҳақиқий дўст топишга ҳаракат қилинг.

Учинчидан, ҳамма нарсага қизиқинг. Агар бизни ўраб турган теварак-атрофни диққат билан кузатсак, ҳамма нарса мактаб бўлиши мумкин. Жуда хоҳласанг, кўчалардаги пештоқ ёзувлари ва реклама битикларидаги иероглифларни ўрганиш мумкин-ку. Агар метро, автобусда у ён, бу ёнга эснаб юрадиган бўлсанг, бу ўз билимингни тўлдириш учун кетадиган вақтни беҳуда йўқотиш демакдир. Бу вақтда, масалан, ўқиш, магнитофонга ёзиб олинган инглиз тили дарсини эшитсанг бўларди.

Тўртинчидан, китоб билан дўстлашинг. Ўқиш орқали ўзгалар тажрибаси билан танишасан. Бу дунёда ҳамма нарса ўз тажрибанг билан ўрганиш имкони йўқ. Бизнинг вақтимиз ўлчоғлик, ҳамма жойда бўлмаймиз. Китоблар туфайлигина бизгача кашф этилган билимларни эгаллаймиз, ўзимиз бошимиздан кечиришимиз мумкин бўлмаганларни китоб орқали билиб оламиз.

Шахсий тажриба орқали тўпланган билимлар энг ишончлидир, лекин улар чекланган. Олам шу қадар улкан ва сеқирраки, ҳаммасини бир йўла қамрай олмайсан. Китоблар эса инсониятнинг биргалликдаги тажрибасидан, унинг асрий ҳикматларидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради.

Китоблар яқин дўстларингдир. Кўпроқ дўст орттириш ҳамда ҳар хил китобларни ўқиш керак. Бу ерда ҳам худди дўст танлагандай: ёмонларидан воз кечиш, яхшилари билан дўстлашиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, арзийдиган китобларни ўқишга ҳаракат қилинг. Худди ҳақиқий дўстни унутиб, кўплаб танишувларга берилиб кетиш ярамаганидай, китоб ўқиганда ҳам, сон ортидан қувманг. Маъносини тушунмай юзлаб китоб ўқишдан не наф. Яхши кишилар билан дўстликни қадрланг, китобни диққат билан ўқинг. Доим ўқинг, сиз бунга ўзингизга қоида қилиб олинг, ҳар сафар, бўш вақтингиз бўлганда, қўлга китоб олинг.

Одамлар орасидаги муносабатлар

Сиз, эҳтимол, чумоли ва кабутар тўғрисидаги эртакни эшитгандирсиз. Мана, эшитинг: ёмғир кўп ёққанидан дарё тошиб, қирғоқдаги чумолини оқизиб кетибди. Учиб бораётган кабутар чумоли оқиб кетаётганини кўриб, раҳми келибди ва унга барг ташлабди. Чумоли баргга чиқиб олибди ва шундай қилиб қутилиб қолибди.

Орадан бир неча кун ўтибди. Кабутар дарахт шохига кўниб, мудраб ўтирган экан, бир овчи буталар орасидан уни нишонга олибди. Буни чумоли кўриб қолибди ва ўрма-лаб бориб овчининг оёғини чақибди. Овчи қўрқиб кетиб, қичқириб юборибди. Бу қичқирқдан кабутар бир сесканиб, учиб кетибди.

Бошқаларга нафи тегмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Бошқа томондан, кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлмаган одам ҳам йўқ. Одамизод бир-бирига ёрдам бериш учун яралган.

Бизнес билан шуғуллана туриб, ҳар хил ишларни кўришимга тўғри келди. Одамлар билан мурося қилишни билиш қанчалик муҳимлигини ўз тажрибамда синаб кўрганман. Масалан, шундай воқеа эсимда: “ДЭУ” ташкил бўлган дастлабки йилларда Индонезиянинг “ТЭЙ” деган ташқи савдо фирмаси билан ишладик. Биз унга ҳар ярдига 20 центдан газлама жўнатдик. Лекин қутилмаганда Индонезияда импортни чеклаб қўйдилар ва газламанинг нархи тенг ярмига тушиб кетди.

Индонезия фирмаси биз билан узоқ муддатли шартнома тузганлиги сабабли, фирма зарар кўраётганига қарамай, илгаригидек маҳсулотларимизни олишга мажбур бўлди. Мен бундан хабар топганимдан сўнг, уларнинг зарарини бирмунча камайтириш мақсадида, товар жўнатишни камайтирдим. Шунга қарамай “ТЭЙ” қийин аҳволда қолаверди.

Уларга зудлик билан 30 минг доллар керак бўлиб қолди. Акс ҳолда, банк уларнинг мулкини гаровга олишлигини маълум қилди. Ўшанда мен ўзим Индонезияга бориб ўша суммани бердим. У вақтда фирмамизнинг капитали бор-йўғи 10 минг долларни ташкил қилгани учун 30 минг доллар топиб бериш ҳазилакам иш эмас эди.

Орадан бир йил ўтди. Қутилмаганда вазият кескин ўзгарди. Индонезияда импортга чекланишлар олиб ташланди ва бир ярд газламанинг нархи 36 центгача кўтарилиб кетди. Шартномада илгари 17 центга келишилганига қарамай, “ТЭЙ” бизга 35 центдан тўлашга қарор қилди. Шундай қилиб биз 17 центдан сотмоқчи бўлган газламизга 35 центдан ола бошладик ва натижада 1 миллион доллар ишлаб олдик.

Бизнинг кўрсатган ёрдамимизга “ТЭЙ” миннатдорчилик билдирганди. Қачонки, бошқаларга қўмаклашсанг, улар ҳам сенга бажонидил ёрдам берадилар. Агар сенга

беролмаган тақдирда ҳам, бошқа кимгадир ёрдам қўлини чўзадилар. Бу — ҳаёт қонуни. Бошқаларга ёрдам бериш билан сен аввало ўзингга ёрдам берган бўласан.

Агар ўз манфаатинг кетидан қувиб, қавминга қийин дақиқаларда ёрдам бермасанг, эҳтимол бугун сен бу фойдани олурсан, лекин охир-оқибатда ўзингнинг калтабинлигинг учун товон тўлайсан. Агар бошқалар билан муносабат ўрнатаётганингда фақат ўзингни ўйласанг, сен кўп нарсани хавф-хатарга қўйган бўласан. Ким билан алоқа қилмагин, ҳаммага баробар яхши бўлиш ҳақида қайғуриш керак. Бир-икки бор бошқалар ҳисобига иш бажарсанг ҳамма сендан дарҳол юз ўгиради.

Бизда “ДЭУ”да бу принципларга жиддий амал қилдилар. Биз шерикларимиз билан фойдани тенг таъминлашга ҳаракат қиламиз. “Ким ДЭУ билан ишлар экан, у ҳеч қачон ютқазмайди” — деб ҳамкорларимизни ишонтирамиз.

Ишончим комилки, одамлар билан муносабатда ҳам шундай бўлиши керак. Агар кимда-ким бошқадан ўз манфаати учун фойдаланишга уринса, бундай муносабат иккала томонга ҳам фойда келтирмайди. Бордию, бир-бирининг ишларига киришиб, тушунган ҳолда гамхўрлик қилсалар — ундан иккала томон ҳам фойда кўради.

Ҳаётимизда одамлар орасидаги яхши муносабатлар камдан-кам учрайдиган ноёб нарса. Дўстинг кимлигини айтсанг — сенинг кимлигингни айтаман, дейишади. Яна: қозонга яқин юрсанг, қораси юқар. Шунинг учун яхши кишилар билан дўстлашиш керак.

Ёшлар ёмон дўстлари туфайли панд ейишлари тўғрисида тез-тез эшитиб тураман. Бу дўст танлаш нақадар муҳимлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Агар яхши одам билан дўстлашсанг, ўзинг ҳам билмаган ҳолда унга тақлид қила бошлайсан. Ва аксинча, ёмон билан алоқа қилсанг, беихтиёр ёмонга айланасан.

Одамлар билан яхши муносабат ўрната олган кишини ҳаётда муваффақиятга эришди, дейиш мумкин. Яхшилар билан яхши муносабат — улкан бойликдир. Бу — пулдан ҳам қиммат. Дўстликни сотиб ололмайсан. Одамлар ўртасидаги муносабатлар — мураккаб нарса, ким билади, балки шунинг учун ҳам у алоҳида қадрланар. Яхши муносабатлар ўз-ўзидан бўлмайди, бунинг учун астойдил ҳаракат қилиш керак.

Одамларни бир-бирига боғловчи муҳим ип бор. Бу — ўзаро ишонч ипларидир. Лекин ишонч инсонда ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Сизга ишонишлари учун кўп ҳаракат қилиш, чидам бўлиши керак.

Ёшлигимда бўлиб ўтган яна бир воқеани ҳикоя қилиб бераман. Кредит олишим керак эди. Лекин менда уни таъминлаш имконияти йўқ эди. Банк эса ҳеч ким билмаган, кафолати йўқ ўспиринга кредит бера олмасди. Қисқасини айтганда, мен уларда ишонч туғдира олмадим. Шунинг учун мен бу банкнинг бўлим бошлиғи олдига ҳафтасига камида икки маҳал қатнай бошладим ва унга ўз режаларимни айтдим. Барибир, менинг бошқа йўлим йўқ эди.

Баъзида бўлим бошлиғининг уйига борардим. Қиш пайти эди. Бир куни эшигини тақиллатсам, ҳали ухлаяпти, деб айтишди, ҳатто уйга ҳам киргизишмади. Уни ташқарида, совуқда кутишга тўғри келди. Шу тарзда тахминан бир йил ўтди. Озмунча меҳнат, сабр-тоқатим кетди-ми. Охири менга ишондилар. Шундай қилиб ўз ниятимга эришдим. Айтмоқчи, ўша пайтларда икки ўртада юзага келган ишонч ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Бизнесда, айниқса, инсон муҳим ўринда туради. Шунинг аввали инсон. Бу — буюк куч. Шунинг учун ҳам компаниялар кадрлар масаласига тобора кўпроқ эътибор бермоқда. Ахир, охир-оқибатда, ишлайдиганлар одамларку! Фирманинг ривожига ёки синиши уларга боғлиқ. Одамлардан муҳимроқ нарса йўқ.

Умума, ҳаётда шундай. Муваффақият ёки омадсизлик доимо инсоний муносабатларга, одамлар билан қандай мурося қилишингга боғлиқ десам, асло янглишмайман. Атрофингизда мумкин қадар яхши одамлар кўпроқ бўлсин. Доимо ёрдам қўлини чўзишга тайёр туринг. Меҳнатингиз ўзингизга юз карра ортиғи билан қайтажак. Инсонга ёрдам беринг, сиз ҳам тақдирланасиз. Эҳтимол, дарров эмасдиру, лекин келажакда албатта бунинг нафани кўрасиз.

Пул топиш ва пул сарфлаш

Мен пул топишга устаман. Ҳеч ким бу ҳунарни менчалик билмайди. Мени ҳамisha Кореянинг энг машҳур кишилари, бошқача айтганда, биздаги пул топишни била-

диган кишилар қаторига қўшишади. Ҳа, ҳамма жойда мени жаҳон миқёсидаги бизнесмен деб ҳисоблашади. Номи кетган бизнесменми ёки бошқача атамасинлар, бу ҳаммаси битта нарсани билдиради: мен пул топишни биламан.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Мен қаерда бўлмайин, ҳамма жойда пулни кўраман. Шунинг учун ҳазиллашаман: “Пуллар йўлда сочилиб ётади. Мен фақат уларни тераман”. Албатта, бу ҳазил, мажозий бир гап. Ҳеч қайси мамлакатда пуллар йўлда сочилиб ётмайди, уни ишлаб топиш ҳам унчалик осон иш эмас, пул осмондан ҳам тушмайди. Пул топиш — катта меҳнат талаб қиладиган иш. Лекин, шунга қарамай, ўзимнинг бизнес тўғрисидаги тушунчамни ифодалашга ҳаракат қиламан.

Рассом қаерда бўлмасин, биринчи навбатда пейзажга мос бўлган гўзал манзараларни кўради. Балиқчи балиқ яхши илинадиган жойни эслаб қолади, тадбиркор эса ҳамма жойдан пул топиш усулини қидиради.

Мен бирор жойга бориб қолсам, одатда, бу ерда нимани фойда билан сотиш мумкину, нимани сотиб олишга арзийди — дарҳол кўраман ва натижада фойда қиламан.

Пул топишнинг кўплаб усуллари биламан ва қулай келиб қолса, имкониятни бой бермайман. Мен кўп пул ишлаб топаман, аммо бир талантдан тегмай қолган. Камчиликларим оз эмас ва улардан бири — пул топишни билишимга қарамай, уни сарфлашни билмаслигим. Пул топишда керак бўлса, менга тенг келадигани йўқ, сарфлашга келсак — яхшиси, ишдан бўшата қолинг.

Ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши керак, деб ҳисоблайман. Кимнинг спортга иқтидори бўлса, спорт билан шуғуллансин. Мусиқага ишқи тушса, уни ривожлантириши лозим. Лекин қалб амри мусиқа бўлган одамни, инженерликка ўқишга мажбур қилиш — мусибат.

Модомики, пул топиш усталари бўлса, унда уни ўрни, жойида ишлатишни биладиганлар ҳам топилади. Майли, улар сарфлайверсин. Ўшанда пуллар керакли ишга сарфланади. Агар пулни нўноқ одамлар бошқара бошласа, улар пулни ҳуда-беҳудага ишлатиб, йўқ қилишлари мумкин.

Мен дунё бўйлаб кезарканман пулни ўзим ёки оилам учун топмайман. Агар бунинг ўзим учун қилганимда аллақачон бойсам-да, шахс сифатида кўп нарса йўқотар эдим. Мен “ДЭУ”ни ҳеч қачон ўз мулким деб ҳисобламаганман. Агар кимки шундай ўйласа —янглишади. Мен “ДЭУ”нинг эгаси эмасман, мутахассис-раҳбарман, холос.

“ДЭУ” топаётган пуллар ҳам меники эмас. Бу пулларни уларни жамият равақига йўллай оладиган одамлар бошқариши керак, деб ҳисоблайман. Мен “ДЭУ” фондини ташкил этиб, унга бутун бойлигимни қўйдим. Мен шахсий бойишим учун қанчалик қайғуришимга энди ўзингиз баҳо бераверинг.

Эҳтимол, бу ерда онамнинг таъсири катта бўлса керак. У бутун борлиғи билан христиан эди. У менда фидойликни, қавмларимга хизмат қилишга тайёрликни тарбиялади. Ана шу христиан ақидалари қон-қонимга сингиб кетган бўлиши керак.

“Фирманинг фойдаси жамиятга қайтади”, дейишади. Биз “ДЭУ” да худди шундай бўлишига ҳаракат қиламиз. “ДЭУ” фонди ҳам шунинг учун тузилган. Унинг фаолиятига менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Фонддаги одамлар пул сарфлашни мендан яхши билишади. “ДЭУ” фонди илмий-техник, айниқса фундаментал фанлар соҳасидаги тадқиқотларга молиявий ёрдам кўрсатади ва уларнинг натижаларини матбуотда эълон қилиб боради.

Биз фундаментал фанлар соҳасида орқада эканлигимизни англадим ва барча билимлар асоси шунда эканлигини вақтида тушундим. Шунинг учун ҳам фонд айнан фундаментал тадқиқотларга муҳим эътибор беради.

Мана 10 йилдирки, Фонд Мудю (Шимолий Чолла вилояти), Вандо (Жанубий Чолла вилояти) каби узоқ районларда, Синан, Чиндо ва бошқа жойларда соғлиқни сақлаш ишларини маблағ билан таъминлаб келади. Бу Худо қарғаган жойларга маданият етиб бормаган. Мактаб таълими муаммоси ўткир, бунинг устига чекка жойларда ишларни ҳеч ким хоҳламайди. Бундай вазиятда бу жойлардаги деҳқонлар ва балиқчилар тўғрисида фидойиларча ғамхўрлик қилаётган, айтишлик, врачларга тан бермай бўлмайди. Юксак масъулият ҳиссисиз ҳеч ким буни қилмайди. Айниқса, ҳозир врач мутахассислиги пул топиш воситасига айланган бир пайтда уларнинг фаолияти таҳсинга лойиқ.

Биз чекка районлардаги аҳолига медицина ёрдамини кенгайтиряймиз. Мен у ерда кўплаб касалхоналар қурган бўлардим, лекин айтишларича, у ерда ишлашга кўнадиган одамлар топилмайди. Шунинг учун ҳам мен ўша ерлик қобилиятли болалардан танлаб, врачликка ўқитишни ўйлабман. Ўшанда улар маълумот олиб, ватанларига қайтадилар ва ҳозирги жонкуярлар сафини тўлдирдилар.

Маорифга келсак, бизнинг кемасозлик корхонамиз жойлашган Окпхода “ДЭУ” хизматчиларининг болалари учун боғчалар ва мактаблар очилган, Сувонда эса биз Аджу университетини оталиққа олганмиз.

1978 йили журналистларнинг Сеул жамияти орқали ёш журналистларни чет элга жўнатдик, уларни стипендия билан таъминладик, материалларини эълон қилишга ёрдам бераймиз. Шундай қилиб, улар ўқишларини давом эттирмоқда, ўз дунёқарашларини кенгайтирмоқда. Бу зарур, чунки публицистлар жамоат фикрини шакллантиради, илгор ғояларни халққа етказди.

Мен ортиқча “керилиб” кетмадимми? Бекорга айтишмайди-ку — хайрли ишлар билан мақтаниш керак эмас, деб. Шунинг учун, эҳтимол, “ДЭУ” халқ учун қилаётган ҳамма ишларини бу ерда санаб ўтиш фойдасиздир.

Мени тўғри тушунишларингизни сўрайман. Буларнинг ҳаммасини ўзимни мақташ учун ҳикоя қилганим йўқ. Ёшларга бир гап айтмоқчиман: пулнинг ортидан қувманг. Пулни ишлаб топиш эмас, ишлаб топилган пулни фойдали ишларга сарфлаш муҳим.

Эҳтимол, орангизда мен каби бизнесмен бўлишни хоҳлайдиганлар топилиб қолар. Мен сизларга омад тилайман. Сиз пул топиш санъатини ўрганишингиз керак. Қарда ишламанг ва қандай вазиятда бўлманг, ҳамма жойда пулни кўра билиш керак. Пул қилиш учун кўп ишлаш, жаҳон бўйлаб кўп кезиш лозим.

Лекин бу оз. Ёдингизда бўлсин: кўп пул ишлаб топаётган одам ҳали бизнесмен эмас. Бизга пул нима учун керак? Уни ақл билан сарфлаш керак. Кимки пул топиб, уни беҳуда исроф қилар экан, у ҳақиқий тадбиркор бўла олмайди. Кимки фақат ўз бойлигини оширишни ўйлар экан, у хато йўлда. Агар фирмамизда кимдир дакки еса — шунақасиям бўлиб туради — у пул топа олмагани учун эмас. Бизда пулни ўрнида сарфлашни билмайдиганларни тергашади.

Ишлаб топишни эмас, балки сарфлашни билиш муҳим. Кимки пулни сарфлашни билмаса, биладигандан ўрганиши керак. Ишонинг, бу жуда осон. Қачонки, сиз ўзингизда мулкдор тушунчасини енга олсангиз ва топган пулингиз фақат сизники, бошқа ҳеч кимники эмас, деган фикрни улоқтириб ташласангиз, пулни жойида ишлатишга ўрганишингиз осон бўлади. Шундай қилиб ҳар ким ўз ишини қилиши керак: ким пул топишни билса — топсин,

ким сарфлашни билса — сарфласин. Фақат умум равнақи учун сарфласин. Агар шундай бўлса, олам яна ҳам гўзалроқ ва барқарорроқ бўлади.

Барча бирга яшайдиган олам

Инсон ёлғиз яшай олмайди. У одамлар орасида, жамиятда яшайди. Инсон жамиятни яратади, жамият ҳам ўз навбатида инсонни. Бу — факт. Америка жамиятшунослари Питер ва Бригитта Бергерлар “Ижтимоийлаштириш” деган китобида, қандай қилиб аввал алоҳида шахслардан жамият шаклланиши, кейинчалик, шахс ва жамиятнинг ажралиш давридан сўнг, қандай қилиб улар ўртасидаги уйғунлик юзага келиши ҳақида ҳикоя қиладилар.

Инсон бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди. У ёки бу йўл билан одамлар бир-бирига боғланган. Ва шунинг учун ҳам биз бирга яшамоғимиз лозим. Бу нима дегани? Қандай яшаш керак?

Бирга яшаш — шахсий бахилликка берилмаслик демакдир. Одамлар бошқаларга эътибор бермай, фақат ўзлари учунгина бирор нарсага эришишга интилган пайтда жиддий ижтимоий муаммолар юзага келади.

Озгина бўлса-да қавмлари ҳақида ўйлаган киши гиёҳвандлар билан савдо қилмайди, овқатга зарарли моддаларни қўшмайди. Агар сўзда эмас, амалда, камбағал қўшнилари уй-жой сотиб олишга қурби етмаганлигию, каттаю кичик тор хонада аянчли турмуш кечиришга мажбур бўлаётганлигини ҳис қилсанг, унда ёлғиз ўзинг бутун бошли квартирадан қиммат турадиган пўстинда юрмайсан, уй ва ер участкаларини уч баравар қимматга сотмайсан.

Афсуски, кўпчилик шундай қилади, уларнинг бошқа билан иши йўқ. Улар ўз бахилликларининг асирдирлар. Бундай одамлар қилмишидан уяласан киши.

Машхур тарихчи Арнольд Тойнби инсон бахиллиги ва худбинлигининг энг ёмон кўринишлари ҳақида ёзган эди. Худбинликни енга олиш — инсониятни қутқаради, дейди у.

Бунда фақат ўз мамлакати ҳақида ўйлаш керак эмас. Умум равнақи ҳақида, зарур бўлса, шахсий манфаатлардан ҳам кечиб, ғамхўрлик қилиш лозим.

Ҳар ким ўз ҳолича эмас, балки бошқалар билан бирга, бир заминда яшаётганлигини унутмаслиги керак.

Бирга яшаш — бу шунчаки бирга ҳаёт кечириш эмас. Бирга тараққиётга эришиш, бирга ривожланиш лозим. Мана шу биргаликдаги тараққиёт мен амал қиладиган фалсафанинг асосини ташкил қилади.

Ўзаро инсоний муносабатларда бўлгани каби, бизнес дунёсида ҳам, ўзгалар манфаатлари билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Капиталистик дунёда фойда чиқаришга интилиш — табиий ҳол. Буни рад этиш ярамайди. Бу — гўё у ёки бу сиёсий партия ҳокимият тепасига келишини ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, деб тасдиқлаш билан баробар. Лекин корпорация худди ҳокимият партия учун ягона мақсад бўлмаганидай, фақат биргина фойда ортидан қувиб кетмаслиги даркор. Фойда олишга интилиб, рақобатбардош компанияни синдиришга эришмаслик керак.

Фирманинг фойдаси бутун жамият равнақи учун хизмат қилиши лозим. Шахс жамиятдан холи бўлолмаганидай, корпорация ҳам ундан холи эмас. У ҳам жамиятда яшайди. Бизда “ДЭУ”да оғишмай амал қилинадиган бир принцип бор: шерикларимиз ҳам, хоҳ мамлакат ичкарисида бўлсин, хоҳ чет элда бўлсин, ҳеч қачон фойдадан қуруқ қолмасликлари керак. “Фойданинг ҳаммаси ўзимизга бўлсин”, деган тамойил билан яшасанг, эҳтимол фойдалидир, лекин эртани, келажакни ўйласанг, бундан бемаъни иш йўқ. Ҳаммасини осонгина тушуниш мумкин, фақат шерик учун ишлашни хоҳлайдиган ишбилармон ҳали дунёга келгани йўқ. Кимки шунақасини учратишни ўйлаётган бўлса, унга бизнесда қиладиган иш йўқ. Агар, битим натижасида қўйилган капиталимдан, айтайлик, бешдан бирига тенг фойда оладиган бўлсам, мен шеригим учун ҳам худди шундай фойда тўғрисида ғамхўрлик қилишим керак. Ўз чўнтагим ҳақида ҳам, шеригим чўнтаги ҳақида ҳам ўйлашим керак. Бу фақат биринчи қарашда фойдасиз бўлиб кўринади, лекин келгусида ўзини оқлайди.

Сиз билан зарар қилмаслигига шерикни ишонтириш лозим. Мен доимо оғишмай шу қоидага амал қиламан. Менимча, худди шунинг учун ҳам кўпчилик чет эл фирмалари “ДЭУ” билан жон деб ҳамкорлик қилишади. Қоидамизни маъқул кўришади. Биз ўз пудратчиларимиз билан ҳам муносабатларимизни шу тарзда ташкил этамиз. Барча фойда ва чиқимларни улар билан тенг баҳам кўраемиз.

Ўзимизни ҳам, албатта, унутмаймиз. Биз шерикларимиз манфаатлари устида қандай қайғурсак, улар ҳам бизнинг манфаатларимиз тўғрисида шундай ғамхўрлик кўрса тишади. Мен шерикларимдан, ўзлари қанча фойда олса, бизни ҳам шунча фойда билан таъминлашларини талаб қиламан. Америка Қўшма Штатларида, Алясканинг Прадхобей қўлтиғи қирғоғида денгиз сувини тозаловчи завод қуриш тўғрисида шартнома тузганимизда масалани худди шундай қўйдим.

Машҳур Америка корпорацияси “Бектел” буюртмачи эди. Улар қурилишни “ДЭУ”га топширишга қарор қилдилар. Лекин қутилмаганда шартномага биз учун ўта номақбул шартларни киритишга урина бошладилар. “Бектел” ўзи учун шартномани бир томондан бекор қилиш ёки ўз мажбуриятларини бажариш муддатларини орқага суриш ҳуқуқларини сўради. Бундан ташқари, биз билан ҳисоб-китобни фақат қурилиш тугаллангандан сўнггина қилмоқчи бўлишди. Булар ҳаммаси шунин билдирар эдики, бизнинг фирмага буюртма бера туриб, “Бектел” хоҳлаган пайтда шартномани бекор қилиши, ҳатто шу пайтгача бажарилган ишлар учун бир мири ҳам тўламаслиги мумкин эди.

Мен бу шартларга рози бўлолмас эдим. Менинг принципим — тенглик, адолат ва ўзаро фойда. Лекин мен “Бектел” билан шартномадан ҳам воз кеча олмас эдим, ахир буюртма жуда фойдали эди-да. Бундан ташқари шартномани тайёрлаш учун озмунча меҳнат сарфламаган эдик. Мен “Бектел” президенти билан учрашиб ўз қарашларимни баён этишга қарор қилдим.

Шартнома иккала томон учун ҳам мақбул, ўзаро адолатли бўлиши керак деб исботлашга тушдим. Бу “ДЭУ” амал қиладиган қоидадир. Ахир, Америкада ҳам шундай эмасми? Лекин афсуски, мен уни ишонтира олмадим. Қанчалик оғир бўлмасин, қурилишдан воз кечишга қарор қилдим. Мен бундай номақбул шароитларда ишлаш мумкин эмаслигини қатъий туриб айтдим.

Натижада шартноманинг баъзи шартларини ўзгартиришга муваффақ бўлдим. Шароит тубдан ўзгарди. Қурилиш ишлари учун тўловнинг бир қисмини биз олдиндан олдик.

Ўзаро фойда олиш қоидаси нафақат тадбиркорликда, балки, одамлар билан муносабатларда ҳам жуда фойдали, ҳаммага мақбул бўлмоғи лозим. Омаддиларга доимо яхши,

лекин уларнинг муваффақиятларидан бошқалар азият чекадиган бўлса, унда бугун жамиятда фаровонлик бўлмайди. Аксинча, бундай жамиятда кескинлик авж олиб боради.

Нафақат ишбилармонлар, балки меҳнаткашлар ҳам яхши яшашлари керак. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, ўқитувчилар ва талабалар, ота-оналар ва болалар — ҳамма қониқмоғи керак. Бу фаровон жамият учун бирдан-бир йўлдир.

Бирга яшаш — бир-бирларига ишониш демакдир. Ўзаро ишончсизлик — ҳозирги давримизнинг энг ўткир, фавқулодда хавfli касаллиги бўлиб қолди, деб ҳисоблайман. Ҳукумат ва халқ, ўқитувчилар ва талабалар, ишбилармонлар ва ишчилар, ота-оналар ва болалар бир-бирларига ишонмайдилар. Агар одамлар бир-бирига ишонмасалар, улар бирга яшашлари жуда қийин, бусиз эса ўз навбатида ўзаро ишонч бўлмайди. Натижада танг ҳолат юзага келади.

Бундан бир неча йил аввал аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлардан бирида қуйидаги масалага қизиққан эдик: “Сиз ўзингиз ишлаётган фирмадаги тартибларни адолатли деб ҳисоблайсизми?” деган саволга меҳнаткашларнинг ярмидан кўпроғи ижобий жавоб бердилар. Агар бугун шундай сўров ўтказиладиган бўлса, ижобий жавоб яна ҳам камроқ бўлади, деган ташвишдаман.

Бугун ишчилар ўртасида ҳам зиддиятлар кам эмас. Айтишларича, бу зиддиятлар улар учун умумий бўлган адолатсизликлардан келиб чиқади. Лекин асосийси, менимча, уларнинг бир-бирига ишонмасликларидир. Одамлар бир-бирларига таяна олмайдилар. Ўзаро ишончсиз қандай қилиб бирга яшаш мумкин?!

Фараз қилайлик, эр хотинига ишонмайди, хотин — эрига. Улар қандай қилиб бир том остида яшай олсинлар?

Ишончсизлик бахиллик билан маҳкам боғланган. Кўришиб турибдики, суронли, нотинч ҳаётимизда ўзимиз билмаган ҳолда бахиллик ва ишончсизлик касалига чалиндик, чоғи. Ўз келажагига ишонмаган одамлар фақат ўзлари ва оилаларининг фаровонлиги билангина чегараланиб қоладилар шунда. Қандай қилиб бахиллик ва ишончсизлик уруғлари униб чиқмасин? Ҳақиқатан ҳам бу ачинарли ҳолдир.

Кимга ишонсанг, уни ҳамма вақт тушунасан. Ишонч бўлмаса, тушуниш ҳам бўлмайди. Агар эр-хотинлар бир-

бирига ишонмасалар — оилада тинчлик йўқ. Дўстлар бир-бирига ишонмасалар — дўстликка раҳна тушади. Тадбиркор билан ишчилар ўртасида ишонч бўлмаса — фирманинг иши юришмайди. Ҳукумат билан халқ бир-бирларига ишонмас экан, мамлакатни можаролар кемиради. Бирга яшаш учун биз ҳаммамиз бир-биримизга ишонмоғимиз лозим. Кимдир сенга ишонишларини талаб қилиши керак эмас. Сен ўзинг унга ишонч намунасини кўрсатишинг керак.

Мен эндигина ҳаётга қадам қўяётган ёшларга мурожаат қиламан. Одамлар бирга яшаш керак, деган доно ўғитни ёддан чиқарманг. Инсон ёлғиз яшай олмайди. Инсон доимо одамлар орасида яшайди. Ҳаёт бу — қўплаб одамлар билан мулоқот. Инсон ёлғиз эмас. Олам ёлғизлик учун яралмаган. Оламда ҳамма бирга аҳил яшаш учун сизни бахилликнинг офати чулғаб олишига йўл қўйманг, бир-бирларингизга ишонинг, қавмингиз тўғрисида ғамхўрлик қилишни унутманг. Ўшанда сиз яшайдиган олам чинакам гўзал бўлади.

III

Бизнеснинг буюк олами

Мен янги ишларни ёқтираман. Ишсиз ўтира олмайман. Умуман, менимча, энг оғир машғулот — ишламай ётишдир. Баъзилар буни хордиқ деб тушунади. Мен бундай “хордиқ”дан кўра қаттиқ меҳнатни афзал кўраман. Ҳаракат қилиш, нима билан бўлса ҳамки шуғулланиш керак. Менда доимо ишлар ошиб-тошиб ётади.

Менга доимо нима биландир шуғулланишни излаб турадиган ёшлар ёқади. Уларни ўзимга ўхшаганлари учун севаман. Лекин, муҳими бошқа томонда. Улар янги уфқлар очиши мумкин. Ишни бошлаб қўйиб охирига етказолмайдиганларни маъқуллай олмайман.

Менга ишни бошлабгина қолмай, уни аввалгидек гайрат ва матонат билан якунлайдиган ёшлар ёқади. Улар кўп ишлайдилар, балки шунинг учун ҳам ҳеч нарса билан шуғулланмайдиганларга нисбатан кўпроқ янглишадилар. Лекин мен бундай ёшлар бир-икки омадсизлик биланоқ синадилар, деб ўйламайман.

Кимки омадсизлик ва тушқунликка тушмасликка одатланган ва бундай ҳолатда ўзини қайта қўлга ола билар экан, унинг учун ҳар қандай қийинчилик ҳам ҳеч гап эмас. Қўрқмаслик керак. Кимки хато қилишдан чўчиб иш бошлашга ботина олмас экан, у қурт тушишдан кўрқиб озик ғамламаган одамга ўхшайди. Озик ғамламасанг уни тотиб кўрмайсан ҳам. Хато қилишдан кўрқсанг, ҳеч қачон муваффақият қувончи нималигини билмайсан.

Ишчан одам дунёси ҳақиқатан ҳам буюк. Чунки у ҳали ҳеч кимнинг қадами етмаган жойларда бўлиши ва ҳеч ким қилмаган ишларни қилиши керак. Шундай одамлар туфайлигина тарих қадам-бақадам олға силжиган. Инсон

етмаган ерга етишга, қилмаган ишини қилишга ҳамisha тайёр турадиган ва интиладиган одамларни биз кашшофлар деб атаймиз.

Кашшофнинг ҳаёти хавф-хатарга тўла. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Улар номаълум қадам босадилар. Уларни суймайдиганлар ҳам йўқ эмас. Ахир, улар янгилик яратишга уринадилар. Бу баъзиларга ёқмайди, шунинг учун ҳам гоҳида панд ейишга тўғри келади. Лекин ҳақиқий кашшоф хавф-хатардан ҳам, таъна-маломатлардан ҳам кўрқмайди. Хавф-хатарлар енгилиб, янги ерлар очилганда, бошланган янги иш муваффақият қозонганда-кашшофлар чинакам ҳурматга сазовор бўладилар.

Кашшофлар руҳи боқий бўлган мамлакат мустаҳкам бўлади ва гуллаб-яшнайти. Ва аксинча, қайси мамлакатда хотиржамлик ҳукм сурар экан, қаерда ўз тинчларини ўта қадрлар эканлар, у мамлакат муқаррар инқирозга юз тутаети. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Англияда қиролича Елизавета вақтларида салтанатга янги ерлар кўшганлари учун ҳатто денгиз қароқчилари ҳам дворянлик даражасига кўтарилганлар. Осмонда ҳеч қачон қуёши ботмайдиган Британ империяси шу тариқа пайдо бўлган. АҚШ-чи? Агар Фарб ўзлаштирилмаганда, бугунги қудратли мамлакатни тасаввур қилиш мумкинми? Ўша йилларда Америкада ерни ишлашга қурби етган ва хоҳиши бўлган ҳар бир кишига 200 минг пхендан¹ ер майдони қайтиб топширмаслик шarti билан тарқатиб берилган эди. Шу одамлар ҳам Американинг кашшофлари бўлган эдилар. Америкаликлар қалбида ҳанузгача яшаб келатган кашшофлар руҳи туфайлигина АҚШ бугун биз билган даражага эришганлигини ҳеч ким инкор қилмайди.

Испания-чи? Кўпчилик қуруқ хаёлпараст деб ҳисоблаган Колумбни кўллаб-қувватлагани учунгина Испания янги қитъа очди. Мен ҳозир ким тўғрисида гапирган бўлсам, ҳаммаси доимо бенуқсон ҳаракат қилганлар, деб айтмоқчи эмасман. Ачинишга арзийдиган, кўплаб адолатсизлик ҳолатлари ҳам содир бўлган. Лекин уларнинг ҳеч биридан янгиликка, ҳеч ким қилмаган ишни қилишга интилишни тортиб ололмайсан.

Узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, бизнинг халқимизда кашшофлик руҳи етишмайди. Биз доимо янгилик

¹ Бир пхен 3,3 кв.м.га баробар.

очишдан кўра хотиржамликка берилдик, тақдирни қўлга олишга кўпам ҳаракат қилмадик, бир четда жимгина ўтиришни афзал кўрдик. Ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлишига умид қилиб, воқеаларнинг табиий ривожига ўта ишондик. Эҳтимол, шунинг учун ҳам баъзан Кореяни “қумуш мамлакат” ёки “саҳарги сокинлик мамлакати” дейишса керак. Нима бўлганда ҳам, биз ҳанузгача илғор мамлакатлардан кўп жиҳатдан ортамыз.

ДЭУ ўз фаолиятининг бошиданоқ ўз назарини ташқи дунёга қаратган эди. ДЭУнинг оёққа туриш йилларида экспорт фақат зиён келтиради, деган фикр ҳукм сурар эди. Мана шунинг учун ҳам баъзи фирмалар фақат импорт билан шуғулланар эдилар ва ўз товарларини четга чиқариш, чет эл бозорларини ўзлаштиришни ҳаёлларига келтирмас эдилар. Шундай шароитларда биз дадиллик билан ташқи бозорга чиқа бошладик. Ушанда ҳамма тилини таксиллатиб, бошини чайқаган эди. Ҳамма гап шу пайтгача унга қўл урмаганлигимиздан. Ҳали уришиб кўрмасданоқ “бунинг иложи йўқ” дейиш ўтакетган бемаъниликдир.

ДЭУ Америка ва Европа бозорларини ўзлаштирди. Ҳали номаълум нарсаларга интилиш, кашшофлик руҳи ДЭУ ни ҳатто ҳали дипломатик алоқалар ўрнатолмаган мамлакатлар — Судан, Нигерия, Ливия, Ангола, Жазоир, Хитой, Венгрия, Чехословакия, СССР ва бошқа мамлакатлар бозорларига олиб чиқди. Судан, Ливия, Нигерия, Ангола, Жазоир ва Венгрия каби мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар кўпроқ уларнинг бозорларини ўзлаштира бошлаган ДЭУ туфайлигина ўрнатилган эди.

Ёшлар, бизнес олами буюқдир. Лекин, сийқаси чиққан йўлдан бораётган одатдаги ишни қилаётганлар учун эмас, бундайлар учун олам топталган йўлакдек тор. Ҳаётда аллақачон жонга теккан нарсалардан бўлак ҳеч вако йўқ. Янгилик очиб туриб, юрилмаган йўллардан юрган кашшоф қалбидагина бизнеснинг буюк олами очилади. Жуда бўлмаганда мен шу пайтгача кашшофлик руҳи ва интилишлари билан яшадим. Ва бундан кейин ҳам фақат шундай бўлади. Янги ишларни амалга ошираман, барча бошлаганларимни охирига етказаман.

Сиз ёшмисиз? Унда, кашшоф бўлинг! Янгилик очиш — мана, ҳақиқий ҳаётга йўл. Бугун олам шу даражада торайганки, уни ягона ўлка “қишлоқ” деб аташади. Лекин унда

ҳам ҳали ўтилмаган йўллар, шу пайтгача номаълум бўлган ишлар жуда кўп. Омадсизликлардан кўрқманг. Ўз келажагининг кашшофлари бўлинг. Бу — ҳаёт.

Бизнинг бахтимиз нимада?

Мени кўпинча ўз билимларингни ҳада қилиб юборясан, деб койишади. Кореяда: “Билимли одам вилоят идорасига раҳбарлик қилади”, — деган мақол бор. Мана, билим қанчалик юксак қадрланган. Кимки кўп ўқиса — кўп нарсани билади. Бизнинг боболаримиз ва оталаримиз билим ҳаётда қанчалик ёрдам беришини ўз тажрибаларида синаб кўришган. Бу бамисоли жонли дарс бўлган, айтиш мумкинки, билимларни эгаллаб олиш осон кечмаган. Буни улар ўз бошларидан кечиришган. Билим ниҳоятда қадрланадиган бутунги жамиятга назар солар эканмиз, яна бир бор бунинг гувоҳи бўламиз.

Дунё шундай тузилганки, кимки сабот билан ўқиса ва кўп нарсани билса, ҳаётдан ўз ўрнини топиши осон кечади. “Билим — кучдир” деган мақол жуда топиб айтилган. Ёшлик йиллари етук ҳаётга тайёрланиш вақтидир. Сенинг ҳаётинг ёрқин ёки гурбатли бўлиши мана шу вақтдан қандай фойдаланишингга боғлиқ.

Мен сизнинг тиришқоқлик билан ўқишингизни ва кўп нарсани билишингизни хоҳлайман. Менга “Билим — кучдир” деган мақол ёқади. Билимларни “ҳада қилиш” ҳақидаги таъналарга келганда эса, бориб турган худбин одамгина шундай дейиши мумкин.

Билимларни бошқаларга ҳам улашиш — менинг қатъий эътиқодимдир. Билимларга эга бўлган киши ундан одамларни ҳам баҳраманд этиши лозим. Бу унинг ижтимоий бурчидир. Нафақат билимларни, балки бошқа нарсаларни ҳам улашиш лозим. Биз ҳамма нарсани — билимларни ҳам, пулни ҳам баҳам кўришимиз керак. Эгоизм — у моддий ёки маънавий бўладими — ҳаммаша қораланишга лойиқдир. Одамлар учун яшаш керак. Одамлар учун яшар экансан, олам чароғонроқ, тотлироқ ва қувончлироқ кўринади. Бутун олам ўз уйингга айланади.

Мен: “Бошқалар билан нима ишим бор, ёлғиз ўзимга яхши бўлса бўлди, билимларни ёлғиз ўзим эгаллаб олсам, менинг ўзим хотиржам яшасам бўлди”, деганлардан наф-

ратланаман. Бу одамлар бутун жамиятнинг неъматларидан фойдаланаётганликларини, ҳақиқий бахт — одамларга хизмат қилишда эканлигини тушунмайдилар.

Мен Тэгуда яшаганимда газеталар ҳам сотгандим ва бу машгулотдан жуда роҳатланар эдим. Барча қочоқлар учун ҳаёт оғир бўлиб, яшашдан кўра ўлиш осонроқ эди. Биз ҳамма вақт оч-наҳор юрардик, лекин шуниси ажабланирлики, очлик бизга куч-қувват бағишлар эди.

Отамни қамоққа олдилар, акаларим армияда эди — уйимиз ҳувиллаб ётарди. Мана шундай қилиб оила бошлиғи бўлиб қолдим, эндиликда онам ва икки укам учун жавоб беришим керак эди. Шу сабабдан газета сота бошладим. Бир кун газета сотмасам, оила егуликсиз қоларди. Мана шу сабабли ҳар куни камида 10 километр йўл бошига тўғри келарди.

Мен Панчхон бозорида газета сотардим. Ҳар куни юз нусха газета сотиш учун қош қорайгунча ишлардим. Онам ва укаларим кечки овқат қилмасдан мени кутишарди. Фақат мен билан биргаликда овқатланишни хоҳлашарди. Улардан миннатдор бўлмай бўладими? Чарчаб, ҳориб-толган бўлсам ҳам бирга ўтириб овқатланардим. Бироқ кечки таом шунчалар тоғли, улар билан бирга ўтиришим шу қадар завқли эдики, асти кўяверинг.

Бизга камтарин дастурхон атрофида бирга ўтириш камдан-кам насиб бўларди. Қор ёки ёмғирли ёгин-сочин кунлари уйда қолиб кетардим. Панчхон бозорида бостирма бўлмаганидан қорли-ёмғирли кунларда бозор ишламас эди. Мана шундай кунлари мен чойчақасиз қолардим. Бир кунда камида юзта газета сотсамгина оилани боқишим мумкин эди. Ёгин-сочинли кунлар бизга катта кулфат келтирарди. Ҳар қандай ҳолда ҳам мен дастмояга эга бўлишим керак эди, чунки газеталарни таҳририятдан пулга сотиб олардим. Шу сабабли овқатланиш учун жуда кам пул қолдирардим.

Ўша кунлари уйга кеч қайтардим. Онам ва укаларим ухлаб қолган бўларди. Илгарилари ҳамма вақт мени кутиб оладиган қадрдонларим нима учун вақтли ухлаб қолишгани аён эди. Чунки гуручдан тайёрланган таом фақат бир кишига етарли бўларди, шу боисдан улар оч ҳолда ухлар эдилар. Онам гуруч таомни олдимга кўйиб: “Биз овқатландик. Сен очсан? Е, болам”, — дерди.

Онанинг қалбини тушунмай бўладими?! У атиги бир ликопчагина бўлган гуручни менга қолдириш учун укала-

римни жўрттага вақтли ухлатган. Менинг жажжи укаларим ўзларини оч қоринга ухлашга мажбур қилишган. Уларга тикилиб қараб йиғлагим келарди, бироқ кўз ёшларимни куч билан тийиб: “Мен бозорда овқатландим. Тўқман. Ойи, ўзингиз энг, укаларим яна тўйиб ейишсин”, — дейман.

Онам ҳам, мен ҳам ёлғон сўзлардик. Гапимиз ёлғон эканлиги аён кўриниб турарди. Бироқ бу муқаддас ёлғонни, қалбимизнинг энг қаъридан чиқаётган бу туйғуни нима билан ўлчаб бўлади?!

Бахт, бу — осмондаги камалак сингари қандайдир англаб бўлмас мавҳум нарса эмас. Мен баъзан ўйлаб қоламан: ўша вақтлар менинг энг бахтиёр кунларим эмасмиди?! Онам, укаларим менга ғамхўрлик қилишарди, мен ҳаётда уларни ҳамма нарсадан ортиқ қадрлар эдим.

Биз ўша вақтлари камбағал, айни вақтда бой ҳам эдик. Бизнинг ҳеч вақомиз йўқ эди, бироқ нималарнидир одамларга улашгимиз келарди. Одамнинг кўп нарсаси бўлиши мумкин, бироқ у бойлигини қучоқлаб ўтирса, уни муносиб равишда тасарруф эта олмаса, қандай қилиб бундай одамни бой деб бўлади? Ҳақиқий маънода бойлиги кўп одамни эмас, балки бошқаларга кўп нарса бера оладиганни бой-бадавлат одам дейдилар. Кимки ўзгаларга бирор нарса улаша олса, кимки бойлиги оз ё кўплигидан қатъи назар, бировларга берадиган нарсаси бўлса — ўша бойдир. “Бой” деганда, мана, нимани тушуниш керак. Муҳтожларга ёрдам қилиш, шафқатлилик — жуда ҳам қадрли юксак сўзлардир!

Инсоннинг бахти нимада? Мен бунинг жавобини билмайман. Бироқ шуни айтишим мумкинки, у менинг бугунги аҳволимга, менинг раҳбарлигимга, хурмат-эътиборга сазовор эканлигимга ҳеч бир алоқадор эмас.

Ҳа, мен чиндан ҳам биз қочоқлар қаторида бўлган ва моддий жиҳатдан қийин аҳволда яшаган вақтларимизни энг бахтли кунларимиз эди, деб ҳисоблайман. Ўша вақтдан буён мен одамлар учун яша, деган қоидани ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қиламан. Мен бунинг қанчалик мушкул эканлигини тушуниб етдим. Лекин шундай бўлсада, бундан кейин ҳам мана шу қоидага риоя этишга ҳаракат қиламан.

Одамларни деб яшаш учун уларни сева билиш лозим. Фарб маданиятининг энг зарарли таъсирларидан бирини — тор эгоизмни енгиб ўтиш, ҳар бир одамда атрофдаги одам-

ларга меҳр- муҳаббатни қайта тиклаш даркор. Мен бунга қаттиқ ишонаман. Бахт муҳаббат билан тирик, уни севги бунёд қилгандир.

Ҳамманинг бахтли яшагиси келади. Ҳамма шунга интилади. Бироқ биз бахтга эришиш йўлини билмаймиз. Албатта, мен ҳам бундан воқиф эмасман. Мен фақат бир нарсага ишонаман: фақат ўз-ўзингни эмас, одамларни севсанг, ўзинг учун эмас, одамлар учун яшасанг, бахтли бўлишинг мумкин.

Ўз билимларимиздан бошқаларни баҳраманд қилиш учун тиришиб ўқишимиз, одамларга кўмак бериш учун тер тўкиб ишламоғимиз зарур. Ҳаётга энди қадам қўяётган ёшларга юрагимиздан чиқариб ёрдам берамиз кулфатда қолганларни ҳам ёлғизлатиб қўймаймиз. Эртага одамларга бахт улашиш учун толиқмасдан ишлаймиз ва билимларни эгаллаб борамиз. Келгуси фаровонлик учун бугун ўқиш керак.

Менинг шаъним

Инсон қадрлаши зарур бўлган нарсалар беҳисоб. Уларнинг орасида инсоннинг шаъни, ор-номуси биринчи ўринда туради. Агар ҳаётдан кўз юмиш инсоннинг жисмоний ўлимини англатса, ор-номуснинг йўқолиши — унинг жамият аъзоси сифатида тамом бўлганлигини билдиради.

Пулдан айрилиш, шубҳасиз, ачинарли, лекин бу энг катта кулфат эмас, чунки пулни яна ишлаб топиш мумкин. Умуман олганда, пулнинг вазифаси унинг сарфланишидир. Аммо номусни, эзгу номни йўқотмаслик керак. Номуснинг йўқотилиши инсонни жамиятдаги ўридан маҳрум қилади. Мана шунинг учун ҳам номусни ҳаётнинг ўзидек асраш лозим.

Ҳар бир одамнинг исми бор. Исм, ном одамни ифодалагани қолмайди, у инсоннинг ўзи ҳамдир. Бирор исми эшитиб, биз шу заҳоти бу исм тегишли бўлган одамни: унинг ташқи кўринишини, овозини, характери, ижобий ва салбий томонларини кўз олдимишга келтирамиз. Ҳа, исм — инсоннинг ўзидир. Нероннинг исми монарх тираннинг қиёфасини хотирамишга тирилтиради. Швейцер исми бутун ҳаётини Африканинг туб жой аҳолиси тўғрисида гамхўрлик қилишга сарфлаган буюк инсонпар-

вар образини гавдалантирад. Мана исмнинг аҳамияти нимада. Биз ўз исмишимизни қадрламоғимиз лозим.

Ўз номини бадном қилиш — жуда аянчлидир. Номусни йўқотиш — ўз номини бадном қилиш демакдир. Ор-номусни покиза сақлаш ўз исмига муносиб бўлишдир. Бир марта номусни йўқотиб қўйгач, уни қайта тиклаш мушкул.

Ор-номусни қандай қилиб сақлаш мумкин? Ўз номини қандай қилиб доғ туширмасдан олиб юрса бўлади? Сизнинг ҳаётингиз, барча хатти-ҳаракатларингиз ўзингиз олиб юрган унвонга муносиб бўлиши керак. Агар муаллим ҳаётда ўзини ўқитувчидек тутмаса, обрўсидан маҳрум бўлади. Талаба ўзини талабадек тутиши лозим, бўлмаса иззатидан айрилади. Шунга ўхшаш шифокор, руҳоний, тадбиркорнинг хулқ-атвори, қилмишлари мана шу номга зид келиб қолса, иснодга учрайди, ор-номусини йўқотади.

Ҳар бир унвонга муайян хатти-ҳаракатлар образи, ўз хулқ-атвор меъёрлари хос бўлади. Биз ҳар бир кишининг ўзини мана шу унвонга муносиб ҳаракат қилишини қаттиқ кузатиб борамиз. Агарда руҳоний ўз доирасидаги одамлар учун қабул қилинган ақидаларни бузса, биз уни мактаб ўқитувчиси, талаба, тадбиркорни айблагандек қоралаймиз.

Бироқ, афсуски, дунёда ўз номини пок сақлаш ҳақида қайғурмайдиган, дуч келган жойда обрўсини туширадиган одамлар ҳам йўқ эмас. Бебурд ота-оналар учраб туради. Афсуслар бўлсинки, педагог ёки маънавий устоз деган муқаддас номга иснод келтирадиган сохта ўқитувчилар, сохта руҳонийлар сафи кенгайиб бормоқда. Биз тадбиркорлар орасида ҳам шундайлар бор. Улар ўзини унга муносиб равишда тутмасдан, бу унвоннинг қанчалик хурматли унвон эканлигини унутиб қўядилар.

“Ўқитувчилар кўп, бироқ улар орасида ҳақиқий устозлар кам” деган сўзларни бот-бот эшитишга тўғри келади. Агар ушбу гап тўғри бўлса, бу энг аввало ўқитувчилар ўзларининг ижтимоий вазифасини унутиб қўйганликларидан далолат беради. Беморнинг ҳаёти ва ўлими қўлида бўлган шифокор, агар гапни даволаниш ҳақи — пулдан бошлайдиган бўлса, бу унинг одамлар олдидаги ўз бурчини эсдан чиқариб қўйгани демакдир, бунга ҳеч нарсани қўшимча қилиб бўлмайди.

Тадбиркорлик ҳам — вазифа, бурч. Мен иқтисодиёт соҳасида меҳнат қиладиган, мамлакатнинг ривожланиши ва юксалишига кўмаклашиш бурчи бўлган одамни тадбиркор деб атайман.

Башарти мен фақат ўзим учун, оиламнинг хотиржамлиги учун ишлаганимда эди, бу ишни аллақачон йиғиштириб қўйган бўлардим. Агар сизларнинг орангизда кимдир ўзига дабдабали ҳаёт яратиш учун тадбиркор бўлишни орзу қилса, у яхшиси бу орзудан воз кечиб, бошқа йўлни танлагани маъқул.

Агар мен энди хотиржам яшашни истаганимда ҳам, ундай қилолмаган бўлардим. Чунки менинг номим — Ким У Жунг — бунга имкон бермайди. Менинг лақабим — “ишчан одам”. Агар мен ишни ташлайдиган бўлсам, Ким У Жунг номи билан боғлиқ жозибали образ чил-парчин бўлади. Бу ном эса менга жуда қадрлидир.

Биз “ДЭУ”да қатъиян рад этадиган нарсалар бор. Биринчидан, бу кўнгил очар жойлардир. Мен ресторанлар, тунги барлар ва шунга ўхшаш кўнгил очар жойлар энгил ва катта даромад келтиришини биламан. Бироқ мен ўзимнинг жиддий бизнесмен сифатидаги обрўйимни қадрлайман. Бу мен учун шаън, ор-номус масаласидир. Иккинчидан, уларсиз ҳам кун кечирса бўладиган истеъмол товарлари бор. Биз асосан хом ашё ва ишлаб чиқариш воситаларини импорт қиламиз, истеъмол товарларидан эса — фақат мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиганларини четдан келтирамиз. Учинчидан, биз ҳеч қачон майда ва ўрта тадбиркорларнинг нонига шерик бўлмаймиз. Улар фойдали ишни қилмоқдалар. Йирик корпорациялар уларни сиқиштирмаслиги керак.

Мен бу ҳақда батафсил гап юритишим тасодифий эмас, чунки гап яна бориб бизнинг номимиз — Ким У Жунг ва “ДЭУ”га бориб тақалади. Мен ўзимнинг машҳур исмига ва фирмамнинг шарафли номига асло доғ тушмасин дейман.

Қарсақлар, қарсақлар...

Фаолиятимнинг илк даврида жуда кўплаб мукофотлар олганман. Бу мукофотлар нимадан далолат беради? Умуман олганда, ижтимоий тан олинганликни билдиради. Аини вақтда бу рағбатлантириш зимманга катта масъу-

лият ҳам юклайди. Бехосдан ўйлаб қоласан: сен мукофот олиш ҳуқуқига эгамидинг, одамларнинг ишончини оқлай оласанми? Буларнинг барчаси мени янада яхшироқ ишлашга ундайди.

Мукофотни бекорга олмаганлигимни исботлаш, мени мукофотлаб ишонч билдирган халқни уялтириб қўймаслик учун икки ҳисса куч билан ишлардим. Мен ҳозирги мавқеимга мана шундай эришганман.

Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда мукофотларни аямаслик керак, деб ҳисоблайман. Улар қанчалик кўп бўлса, шунча яхши.

Менга халқимиз чапақларга, мақтовларга, мукофотларга хасирокдек туюлади. Америка ва Европада лекциялар ўқиганимда оёқда тик туриб олқишлашган. Баъзан мен гапиргандан кўра кўпроқ қарсақ чалишган. Мен ҳозиргача миннатдорчилик мактублари оламан. Баъзан бундай лекцияларни ўзимизда, Кореяда ҳам ўқийман, бироқ унчалик шавқ билан кутиб олишмайди. Америка Қўшма Штатларида мени Авраам Линкольннинг нутқларига тенглаштира бўладиган бутун бир даврга татийдиган сўзларни айтганлигим учун зўр ҳаяжон билан олқишлашмаган. Чет эллик бўлганлигим учун қарсақ чалишмаган, ажнабий одам бўлганлигим, менинг маърузам нотиқлик санъати намунаси бўлганлиги учун қўлимни сиқишмаган, албатта. АҚШда ва бошқа кўплаб мамлакатларда мана шу тарзда қутлаш ва ўз туйғуларини изҳор қилиш анъанаси мавжуд бўлганлигидан чапак чалишган. Бизда эса бундай эмас.

Бироқ инсон ҳар қандай мукофотдан, ҳатто унча арзимас мукофотдан ҳам хурсанд бўлади. Кимники мақтасалар, ҳатто бу одатдаги мақтов сўзлари бўлса ҳам унинг кайфияти кўтарилади. Бундай пайтлар одам мақтов ва мукофотларга ярашиқ бўлишга ҳаракат қилади.

Жазолаш орқали ким томонидандир йўл қўйилган ҳатони тўғрилаш мумкиндир. Бироқ мукофот унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши турган гап. Шу сабабли мен кўпроқ рағбатлантириш, ҳеч бўлмаганда тарбиявий мақсадларда рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайман. Кимки мукофотга сазовор бўлса, ўз шаънини қадрлайди. У жамият уни тан олганлигидан ғурурланади, ўзининг пок номини сақлаган ҳолда муносиб тарзда, тўғри ва бошқалар учун фойдали яшашга интилади. Мендан ҳақлигимнинг исботини сўрасалар, ҳеч бир иккиланмасдан “Бунга менинг ҳаётим далил” деб жавоб бераман.

Ҳаётда муносиб ўрнингиз бўлсин

Ҳар кимнинг ҳаётда ўз ўрни бор. Нафақат инсоннинг, балки ер юзидаги жамики мавжудотнинг ўрни бўлади. Қонуният шундай. Ҳамма нарса ўз жойида бўлиши керак. Ана шундагина оламда тартиб ва тинчлик бўлади. Тартиб бўлмас экан, дунёда ҳамма нарса остин-устун, алғов-далғов бўлиб кетади, яшаш қийин кечади. Мана, кўзимиз ё бурнимизни кўринг — улар ўз ўрнида. Башарти оғизнинг ўрнида қулоқ, қулоқ ўрнида кўз турса нима бўларди? Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиши лозим, ана ўшанда оламда тартиб, тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради.

Гуруч — корейсларнинг қадимий таоми. Биз овқатланишимиз керак. Овқатсиз ҳеч ким яшай олмайди. Бироқ гуруч қозонда пишиб, лаганга сузилгандагина таом бўлади ва одамга ҳаётий куч бахш этади, башарти гуруч ерда сочилиб ётса, уни супуриб олиб, ахлат қутисига итқитадилар.

Шу боисдан ҳамма нарса ўз жойида бўлгани маъқул. Барча офат мана шу қонуният бузилганда юз беради. Уйингиздаги ашёларнинг жойини ўзгартиб кўринг — бирдан муаммо пайдо бўлади. Жамиятда ҳам шундай: одамлар ўзлари қилиши лозим бўлган ишни қилмаганларида — ота-оналар ўз вазифасини бажармаса, аёллар ўз ишини қилмаса, ишчилар ишдан ўзларини четга тортсалар, тadbиркорлар ўз ишларини ташлаб қўйсалар, муаммолар пайдо бўлаверадилар.

Бир янги йил арафасида “ДЭУ”да ҳаммага табрикнома топширилди, унда жумладан қуйидаги истаклар бор эди: “Истагимиз янги йилда ҳар ким ўз ўрнини, эркаклар — ишдаги, аёллар — оиладаги ўз ўрнини топсин, кексалар ҳам, ёшлар ҳам ҳаётдан ўз ўринларини топсин. Майли, у ким бўлмасин, ишчими, артистми, ўқитувчими, ишбилармонми ёки ёзувчими — фақат ўзигагина хос бўлган ўринни эгалласин”.

Табиатда ҳар бир жонли мавжудотнинг, ҳар биримизнинг ҳам ўз ўрнимиз бор. Тўлақонли яшаш учун фақат мана шу ўринни топа олиш лозим.

Бу дунёда ҳар бир инсон учун муносиб ўрин ажратилган. Сайёрамизда, мамлакатимиз — Корееда ва бутун ер юзиде муносиб ҳаёт кечириш учун ҳар ким мана шу ўз ўрнини изласин.

Ҳа, ўқувчи ҳам, талаба ҳам, ишчи ҳам, аскар ҳам ўз ўрнида бўлиши даркор. Фақат мана шу тарзда жамият тинч яшаши ва ривожланиши мумкин. Ишчининг ўрни бўш туришига ёки бу ишни эплай олмайдиган бошқа биров бу ўринни банд қилишига йўл қўймаслик керак. Ҳамманинг: мактаб ўқувчисининг ва аскарнинг, ота-она ва аёлларнинг ўз ўрни бўлиши лозим.

Ҳар бир жойнинг ўз хўжайини бўлади. Уни фақат шу жойнинг эгаси эгаллаши зарур. Биз кўпинча одамлар ўз ўрнини топмаганлигини кўриб тураемиз. Ҳар бир жой ўзича муҳим ва зарурдир. Агар бу жойни унга мос бўлмаган, бу ишни уддалай олмайдиган одам банд қилса нима бўлади?

Ўқитувчининг ўрнида маълумоти паст одамни бир тасаввур қилиб кўринг. Ўқувчилар ундан нимани ўрганишди? Департамент директори ёки таҳририят мудири лавозимида бу ишлардан беҳабар одамни тасаввур қилинг? Фирма ношуд раҳбар бошчилигида бир меъёрда ишлай оладими? Кўр кўрга йўл бошловчи бўлиб, бир-бирини етакласа, иккаласи ҳам чуқурга кулайди.

Бизда ҳеч қандай махсус кадрлар сиёсати йўқ. Мувофиқ одамни тегишли ўринга тақсимлашгина бор, холос. “ДЭУ”да ушбу қоидага сўзсиз риоя қилинади. Хизмат зиналаридан юқори кўтарилиш қобилиятга кўра аниқланади. Қобилиятли одам хизмат пиллапояларини сақраб ўтиши — оддий ходимдан бирданига бўлим мудири, гуруҳ бошлиғидан бошқарувчи бўлиши ҳам мумкин. Бу “ДЭУ”да тез учраб турадиган ҳодиса. Бу бизнинг тўғри юрихтаётган кадрлар сиёсатимиз натижасидир. Хизматга бир вақтда кирган одамлар турли йўлларни босиб ўтади: бири гуруҳ раҳбари, иккинчиси ўрта бўғиндаги масъул ходим бўлиши мумкин.

Ҳар кимнинг қобилиятига қараб лавозимга қўйилади — кадрлар сиёсатида бундан муҳим яна нима бўлиши мумкин? Мен яқингинада кадрлар масалалари билан шуғулланар эдим. Энди бўлинма бошлиқлари кадр танлаш принципини ўзлаштириб олишди ва ушбу масалани заруриятга кўра ўзлари ҳал этишди.

“Айланади, айланади ўриндиқ, унга ким ўтирса — ўша хўжайин...” деган халқ қўшиғи мисралари эсимга келади. Йўқ. Ҳар бир жойнинг ўз эгаси бор. Фақат у мана шу жойга ўтириши керак. Маълум курсига керакли одам ўтириши ва керакли ишни қилиши лозим. Фақат мана шундай бўлиши керак. Агар бу ўринга ишнинг кўзини бил-

майдиган одам ўтирса ва ишни барбод қилса ёки уни ёмон бажарса — кулфатдир.

Иккита бир хил жой йўқ, ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Инсон ўз жойини топиши учун нима қилмоғи лозим? Сен бу жойда фойда келтира олишингни олдиндан ўйлашинг керак.

Ёмон ва яхши жойлар бўлмайди. Агар сен уз ўрнингда бўлсанг, демак бу яхши жой, агар сен бировнинг жойини эгаллаб ўтирган бўлсанг — бу жой, шубҳасиз ёмон жойдир.

Бейсболчиларнинг ўйинини кузатар экансиз, кимнинг ўрни қаерда эканлигини, ким ўз вазифасини қандай бажараётганлигини аниқлаш қийин эмас. Ҳар бир ўйинчининг ўз жойи бор. Командада питчер ҳам, кетчер ҳам, инфилд ҳам, аутфилд ҳам бор. Ҳар кимнинг майдонда ўз вазифаси, ўз ўрни мавжуд. Аутфилд ўз жойини тарк этиб, шортстоп ўрнини эгаллаб олганлигини бир тасаввур қилинг. Унинг орқасидан бошқа ўйинчилар майдоннинг боши оққан томонига тарқалишади. Жамоа ўйинни давом эттира оладими?

Бейсболда яхши ва ёмон ўринлар борми? Умуман олганда, муҳим ва номуҳим ўринлар бўлиши мумкинми? Кимки ўз жойини топса, ўз ишининг устасига айланади, унинг учун бу жой энг яхши жой бўлади. Кимки бировнинг ўрнини эгаллаб турган бўлса, бу жойдан доим норози бўлади. Бейсболчи учун ўз ўрнида бор кучи билан ўйнаш, унинг шахсий ишигина бўлиб қолмайди. Алоҳида ўйинчилардан команда таркиб топади. Команданинг муваффақияти ҳар бир ўйинчи ўз вазифасини қандай бажариши билан белгиланади.

Ҳамма жойда шундай. Инсон қандай вазифани бажармасин, ҳамма вақт бу иш учун жавоб беради. Яхши командада ҳар бир ўйинчи кучини аямасдан ўз ўрнида ҳаракат қилади, жамиятда ҳам ҳамма ўз ўрнида сидқидилдан меҳнат қилса, фаровонлик бўлади. Ҳар ким ўзигагина мўлжалланган жойда усиз иш юришмайдиган одамга айланиши керак.

Ким ҳамма жойда қадрланади? Ўз ишининг кўзини биладиган. Кимки қўл учидан ишласа — ҳамма жойда унинг боридан йўғи афзал.

Кимки ўқиса, бутун кучини ўқишга бағишласин. Шундагина у керакли одам бўлиб етишади. Муаллим, агар у ҳақиқий ўқитувчи бўлса, бор имкониятини ўқувчиларга

сабоқ беришга сарфлайди. Бундай ҳолда у тенги йўқ одамга айланади. Кимки ишласа шу ишга борлигини фидо қилиши зарур. Кимки рўзгор учун жавоб берар экан, ўзини уй ишларига бағишлаши лозим. Ҳар бир инсон ўз ўрнида бўлган жамият бахтли ва омади чопган жамиятдир. Муаммолар одамлар ўз жойини топмаган, бошқаларнинг иши билан шуғулланадиган жойда пайдо бўлади.

Биз бировнинг ўрнини банд қилиб ўтирмаймизми? Ўз ўрнимизни кўздан қочириб қўймадикми? Агар биз ўз ўрнимизни эгалламасак, қанча жой эгалланмай қолса, жамиятда ҳам шунча бўшлиқ бўлади. Бу жойлар фақат бизни кутаётган бўлади. Агар биз ўз жойимизни топсак, ўрнимизни ҳеч ким босолмайди. Чунки ҳамманинг ўз жойи бор, ҳар бир киши ўрнини топиши ва: “Бу жой менинг жойимдир”, — деб айтиши керак.

Эгаллаб олишни ёки эришиш?

Биз кўпинча “фалончи ёмон яшайди” ёки бўлмаса “фалончи яхши яшайди”, деймиз. Бу билан биз нима демоқчи бўламиз? “Яхши яшаш” дегани нима, унинг мезони қандай? Агар хато қилмасам, кўпинча бойликка қараб ҳукм чиқарилади. “У яхши яшаяптими?” деган саволга, “Э, жуда бой одам” ёки бўлмаса “А, уми, камбағалнинг камбағали” деб жавоб беришади. Кимдир қандай яшаётганлиги ҳақидаги саволга ҳамма вақт у бой ёки камбағал деган жавоб бўлади. Бошқача қилиб айтганда “яхши” ёки “ёмон” яшаш бой ёки камбағал бўлишдан бошқа нарсани аниқламайди. Мени ҳамма вақт у кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар, фақат мол-мулк “яхши” ёки “ёмон” яшаш кўрсаткичи бўлиши ташвишлантиради.

Шубҳасиз, инсон яхши яшаши керак. Бироқ бойликни кўпайтириб бориш ўз-ўзидан “яхши” ҳаётга олиб келмайди. Балки бу бойлик сари олиб борадиган йўлдир, бироқ яхши ҳаётга олиб бормайди. Нима учун шундай? Жавоб қисқа: яхши яшаш миқдорга эмас, балки сифатга боғлиқдир. Гап бойликда, мулк миқдоридан эмас, балки ҳаётдан қониқишда, ўзингиз учун муҳим бўлган бирор нарсага эришишда.

Шундай тадбиркорлар борки, фақат бойлик орттириш учун бу иш билан шуғулланишади. Уларга фақат бойлик

керак. Шундайлар ҳам борки, бирор муваффақиятга эришсам дейди. Тадбиркор борки, бамисоли нинанинг учуда яшаётгандек, кунутун ўз бойлигини кўпайтириш ҳақида бош қотиради. Шундайлари ҳам борки, ишда ўзини кўрсата олганидан қувониб яшайди. Улардан қайси бири яхши тадбиркор? Албатта, ҳар бир тадбиркор фойда олиш тўғрисида ўйлаши керак. Бунингсиз бизнес бўлмайди. Бироқ фақат фойдани биринчи ўринга кўювчилар ҳақ эмас. Тадбиркор фақат фойда илинжида яшаса, ўз ишининг муваффақияти учун яшайди. Айтинг-чи, улардан қайси бири яхши яшаётган бўлади?

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Кимки фақат бир мақсадни — қандай қилиб фойда кўришни кўзласа, у ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлолмайди. Очкўзликнинг, яъни ҳамма нарсадан фойда чиқаришга, ўз мулкига айлангиришга интилишнинг чегараси йўқ. Бундай кимса 99 га эга бўла туриб, юзга эга бўлиш учун бировдаги бирни тортиб олишга тайёр туради. Бойликка ўчлик ҳам мана шундай нафратга сазовордир.

Мулкдан бошқа нарсани ўйламайдиган одам ҳаётдан қувонмайди. Буни изоҳлаш қийин эмас. Очкўзлик чегарани билмайди. Очкўзликка гирифтор бўлган одам доим ўзини ҳеч вақоси йўқ камбағалдек ҳис қилаверади. Дейлик кимдир қаттиқ меҳнат қилиб, кўп куч сарфлаб, ниҳоят, эзгу орзусига эришади — янги уй сотиб олади. Энди уни бой деб аташ мумкин. Бироқ атрофда уникидан кўркам, уникидан ҳашаматлироқ уйлар бор. Уларга қараб туриб унда бойликка ружу кўйиш яна қимирлаб қолади. Уни ўз уйи аввалгидек қувонтирмайди. Унда тўймайдиган очкўзлик уйғонади.

Бундай одамларда қувонч қайдан бўлсин? Уларнинг ҳаётини яхши деб бўладими? Очкўзликка бўйсундирилган, қувонч ва қониқишга ўрин бўлмаган ҳаётни яхши ҳаёт деб бўладими? Мени яшашимдан мақсад бойлик эмас, деб ўйлайман.

Бойлик ғурураниш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ўз бойлиги билан мақтаниш тентакликдир. Наҳотки, пул ёки мол-мулкдан бошқа мақтанадиган ҳеч нарса бўлмаса? Агар мақтанадиган бўлса, орттирган бойликка эмас, балки ундан қандай фойдаланилаётганлиги ва унинг бирор ишга фойдаси тегаётганлигидан мақтаниш керак. Сонсаноксиз бойликка эга бўлса-ю, бироқ одамлар учун ҳеч бўлмаганда бир пхун (воннинг юздан бир қисми) сарф-

лашни хоҳламагани бой деб бўлмайди. Мен бойлиги оз бўлса ҳам улардан бошқалар учун фойдалана оладигани бой деб атаган бўлардим. “Бой”, “камбағал” — булар сен қанча бойлик тўплаганингга эмас, балки бойликни қандай тасарруф этишингга, бойлик одамларга фойда бераётган-бермаётганлигига боғлиқдир.

Сўнгра, биз эгалик қилаётган пул ёки мулкни бойлик деб бўлмайди. Бундай ёндашиш ғаразўйликни, қандай йўл билан бўлмасин бойишга интилишни уйғотади, бундай ёндашиш билан энг қаттиқ қораланадиган қилмиш ораси бир қадам.

Христиан динида “ходимнинг онги” деган тушунча бор. Унинг маъноси қуйидагича: Мен ўз бойлигимнинг эгаси эмасман, балки оддий ходимман; бу бойлик менга вақтинча ишониб топширилган. Ҳозирча ҳаёт эканман, уни фойдали равишда ишлатишим керак — бу менинг бурчим ва вазифам. Мен буларнинг барчасига қўшиламан.

Инсон табиатан марҳаматли. Ва у бир куни ҳаёт билан видолашади. Дунё эса абадийдир. Мен жон-жаҳдим билан ёпишиб олган бойлик менга абадий тегишли эмас. Мендан кейин бошқаларга ўтади, бошқа одамлар ундан фойдаланадилар. Инсон марҳаматли мавжудот сифатида мангу табиат олдида камтарин бўлиши лозим.

Бойлик муайян маънода азоб ва истиробларнинг манбаидир. Мана шунинг учун Будда диний таълимоти ҳаётда оддийликка ва камтарона яшашга катта аҳамият беради.

Гарчи йирик тадбиркор бўлсам ҳам бойликка ўч эмасман. Кимки, фақат бойликни кўпайтириш учун бизнес билан шуғулланадилар, деб ўйласа хато қилади. Бундай одам бошлаган иши муваффақият қозонган тадбиркор ҳис қиладиган улкан қувончни ҳеч қачон тушунмайди. Агар мен фақат ўз бойлигимни кўпайтириш учун кечаю кундуз ишласаму, 24 соат камлик қилса, дунёда мендай бахтсиз одам бўлмас эди. Мен ҳеч нарсага арзимайдиган яна бир неча пхунни кўлга киритиш учун меҳнат қилмайман. Бунинг учун дам олишни билмай, елиб-югуриб ишга ўзимни бағишламайман. Менга кўпларга насиб қилмаган қувонч насиб қилади. Бирор бир зарур нарсага эришганингда энг катта қувончни туясан. Уни бойлигинг кўпайганидаги қувонч билан солиштириб бўлмайди. Одамлар бош чайқаб бирор иш чиқмайди, дейишади, сен эса гирдобга тушиб қолгандек олға интиласан, ҳамма нарсада ютуққа эришасан. Ёки бўлмаса, чет эл бозорида сенинг

товаринг кескин рақобат курашида ғолиб чиқади. Ғалаба қувончи сенга куч бахш этади, янада олға боргинг келади! Ҳаётнинг асл мазмуни қийинчиликларни енгиб ўтишда эмасми, ахир. Бу туйғуни сўзлар билан ифодалаш мушкул.

Мен тўғримда “пули кўп одам”, дейишларини хоҳламайман. Бундай баҳо мен учун мақтов эмас, балки ҳақоратдир. Наҳотки мақтайдиган бошқа ҳеч нарса бўлмаса? Наҳотки мен пул тўплашдан бошқага ярамайман?

Мени кўп нарсага эришган одам сифатида қадрлашларини истайман. Бойлик келади-ю кетади, эришганинг эса мангу қолади.

Ижодкор озчиликнинг кучи

Бугунги кунда Америка ҳақида “қулаётган паҳлавон” дейишади. У ерда ахлоқ ҳам аввалгидек эмас. Меҳнатсеварликка ва эътиқоднинг мустаҳкамлигига даъват этувчи сиполик ўз анъанасини яшаб бўлган. Инсон руҳи зўравонлик, жиноят, гиёҳвандлик чангалига тушиб қолган, ёшлар эса ўзларининг қимматли вақтларини айш-ишратга сарфламоқдалар.

Лекин, барибир, ушбу чалкаш шайтоний бошбошдоқликка, жамият тушиб қолган тушкунлик кайфиятига қарамай, ҳали ҳам ёрқин келажак учун, барча эришилган нарса бир лаҳзада ифлос кўпикка айланиб қолмаслиги учун уззукун тер тўкиб меҳнат қилаётганлар бор.

Америка катта аҳолисининг озчилигини ташкил этадиган бу ақлли одамлар кўпчилики — мамлакатнинг улкан жамиятини ўз ортидан эргаштирмоқда.

Рақамларга кўр-кўрона ишонавермаслик керак. Рақамлар миқдорий жиҳатларни кўрсатади, лекин сифат тўғрисида тасаввур бермайди. Масалан, юз ҳайвон билан бир одамни қандай қилиб таққослаш мумкин. Ахир, миқдор жиҳатидан улар 100:1 нисбатни ташкил этади. Ушбу ўринда рақамлар ожиз. Ҳар нарсада уларга суяниб бўлмайди.

Гап сонда эмас. Тойнби меросига мурожаат қилайлик. Тойнби тарих гилдирагини тараққиёт ва ривожланиш сари айлантираётган одамларни “ижодкор озчилик” деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам у жамиятнинг жуда оз қисмини ташкил этади. Лекин унинг кучи ва таъсири ушбу озчи-

ликни ташкил этувчи одамларнинг сони билан боғлиқ эмас, бу уларнинг ижоди билан белгиланади.

Жамиятнинг ақл-идрокини ташкил этувчи озчилик “но-ижодий” оммани ўз орқасидан эргаштиради, уларни ривожланиш йўлига етаклайди. Озчилик учун бу алоҳида ҳуқуқгина эмас, балки мажбурият ҳамдир! Агар ижодий озчилик ўзига юкланган вазифани бажара олмаса, инсоният жамияти ривожлана олмайди, таназулга юз тутади. Ижодкорларнинг миссияси — оммани ўзгартиришдан, камолотга етказишдан, тарихни олға томон ҳарақат қилдиришдан иборатдир. Агар улар ўз чекига тушган вазифани бажара олмаса, жамият ривожланишдан тўхтайд.

Калаванинг учи бир лаҳза бўлсин йўқотиб қўйилса, ўша заҳоти жамият, унинг маданияти тушкунлик йўлига тушиб қолади. Агар бу озчилик ўз кучларини ривожлантиришга йўналтирмаса, бу кучлардан ўз эҳтиёжлари учунгина фойдаланса, ақлсизларча шодлик ва байрамона кайфиятга муккасидан кетса — жамиятнинг ҳалокати муқаррардир. Менимча, Тойнбининг кузатишлари бугун ҳам долзарбдир.

Ижодий озчилик жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун ҳам, таназули учун ҳам жавобгардир. Агар раҳбар жавобгарликни ҳис қилмаса, ўз халқининг фаровонлиги учун фидокорона ишлашга тайёр бўлмаса, жамият олға боролмайди. Бу фирмага ҳам, мамлакатга ҳам тенг даражада тааллуқлидир. Фирманинг ривожланиши ва ўсиши учун биз жавобгарликни ҳис қилувчи фаол ижодкор одамларни жалб қиламиз.

Инсон ижодкор бўлиши лозим. Орамизда умумий ривожланиш, тараққиёт ва бахт-саодат учун тарих гилдирагини олдинга айлантирадиган чинакам ижодий қобилиятли одамлар бўлиши керак. Бу “ижодий озчилик” қандай бўлиши зарур? Ижодкор шахс бўлиш учун қандай яшаш керак? Ижодкор одам оқимга қараб юривчи ёки бетараф кузатувчи бўлмаслиги керак. У илк муваффақиятсизликдаёқ умидсизликка тушмайди. Фақат ўз шахси ҳақида ўйлайдиган пасткаш одам ҳеч қачон чинакам ижодкор бўла олмайди. Кенг фикрлаш, узоқни кўра билиш даркор. Ушандагина халқингга, мамлакатингга, бутун инсониятга нима зарур эканлиги, сен улар учун нималар қила олишинг аён бўлади.

Исроил халқи мисрликлар асоратига тушиб қолмаслик учун Ханаан деб аталган аждолари ерини излаб 40 йил дунёда тентираганлигини эсланг. Бу ерни тангрининг ўзи

ярлақан. Бироқ бу ерда бошқа халқ яшар эди. Шунда Исроил ўғиллари Ханаанга кириб боришдан олдин 12 кишини разведкага юборишади. Разведкачилар Ханаанга бориб, одамлар у ерда қандай яшаётганликларини билиб орқага қайтишади. Ўн иккитадан ўнтаси: “Бу ерни эгаллаб бўлмайди. Бу ерда яшовчилар биздан новча, уларнинг феъли-атвори ҳам қатъийроқ. Биз жангда енга олмаймиз. Биз уларнинг олдида чигирткамиз”, — дейди. Лекин иккитаси: “Ханаан ерига томон бориш керак. Чунки бу — бизнинг еримиз. Уни бизга Тангрининг ўзи ҳада этган”, дейди.

Агар ҳамма нарса сон билан белгиланганда эди, бу икки одамнинг фикри ҳеч нарсага арзимас эди. Чунки ўн киши уларга қарши фикрда эди. Лекин бунда масала кўпчилик овоз билан ҳал қилинмайди. Исроил халқи икки кишининг фикрига қулоқ тутди ва Ханаанни эгаллайди.

Исроил халқи томонидан Ханааннинг эгалланиши ҳақиқат кўпчилик унинг томонида эканлиги ёки йўқлигига боғлиқ эмаслигига ўргатади. Муқаддас китоб бу икки одамнинг номини бизгача етказган: улардан бирини Иешуа, бошқасини Галлеб деб аташарди. Улар “ижодий озчилик” эдилар. Икки одамнинг қатъийлиги ва ижодий руҳи Исроил халқини Худо ярлақан Ханаан маконига олиб келади.

“Ижодий озчилик” — ҳамма вақт ижобий миқдордир. Бу одамлар умид ва некбинлик машғаласини баланд кўтариб, хавф-хатар ва умидсизлик булутларини тарқатиб юборишга қодир. Ижодий озчилик келажакка ишонч билан қарайди. Ушалар туфайли тарих ғилдираги ҳеч қачон айланмасдан қолмайди ва инсоният тараққиёт, ривожланиш йўлидан бораверади.

Яна бунга нимани қўшимча қилиш мумкин? Ижодий руҳ, журъат ҳам жамиятимиз учун зарур. Мамлакат, халқимиз, инсоният, тарих тақдири учун жавобгарликни ўз зиммасига олувчи ижодий озчилик сафларига сиз ҳам келиб қўшилинг.

“Эҳтимол, етар энди?”

Менинг ёш дўстларим, сизда дадиллик ва таваккалчилик бор. Сизнинг қалбингиз журъат истаб, гуп-гуп уради, синалмаган чўққиларга интилади, журъат ва жасорат ёшиқда бўлади.

Ёшлар муваффақиятсизликдан тап тортмайди. Кимки, ундан кўрқса, хотиржам ҳаётга интилса, уни ёш деб ҳам бўлмайди.

Гап ёшда эмас, бошда. Кимки ёшларга хос яшаса, ўзини ёш деб ҳис қилса, ёшидан қатъи назар, ҳамма вақт навқирон бўлиб қолаверади.

Ким номаълум оламни забт этишга, янги кашфиётлар учун таваккал қилишга тайёр бўлса, уни тўла ҳуқуқ билан, нечага кирганлигидан қатъи назар, ёш дейиш мумкин. Ва аксинча, агар одам ҳар қандай ишга гумонсираб, ишончсизлик билан қараса, ҳамма нарса унинг учун зилзамбилдай оғир туюлса, уни ёш дейиш мумкинми? Бундайлар одатда ўз ёшидан катта ҳам кўринишади.

Ёшлар — келажак ижодкорларидир. Улар келажак учун таваккал қиладилар, журъатли бўладилар. Ёш инсоннинг чекинадиган жойи йўқ, шу сабабли у фақат олға интилади; қуйида унга жой йўқ, шу боисдан у фақат чўққини ўйлайди; унинг йўқотадиган ҳеч вақоси ҳам йўқ, шу сабабли унга хавф-хатар кўрқув солмайди. У ёш бўлгани учун ҳам хавфни писанд қилмайди. У ёш, шу боисдан куч-қувватга тўла. У ором олишни орзу қилмайди, ўзгаришларнинг қатъий тарафдори. Кимки таваккал қилишдан, синовлардан кўрқса, бориға қаноат қилиб яшайверса, бундай ёш одамнинг шарти кетиб парти қолган кишидан фарқи йўқ. Агар ғалаба эмас, мағлубият, бирор нарсага эга бўлиш эмас, йўқотишлар тўғрисида олдиндан ўйласанг, ўз ниятинг вожиб бўлиши йўллари изламасанг — сен руҳан ёш эмассан. Беташвиш, сокин яшаш, фақат шодмонликни ўйлаш — сўниш аломатидир.

Алоҳида бир одам ҳам, яхлит бир халқ ҳам йўл бошида журъат ва жасорат кўрсатиш пайида бўлади, эҳтимол тугтилган муваффақиятсизликлар ташвишга солмайди, улар доимо куч-қувватга тўла бўладилар. Бунгача номаълум Фарб томон интилган Американи биринчи бўлиб кашф қилганларни эсланг. Йўлида қанчадан-қанча хавф-хатар бор эди, муваффақият қозонишни ҳеч ким ваъда қила олмасди, уларнинг йўли олис ва оғир эди. Уларни нима ўзига тортади? Ёшлиқ, тизгинсиз дадиллик ва таваккалчилик олға бошларди. Ўша пайтлар бутун Америка ҳали ёш эди. У хотиржамликка берилган, фақат бугунги кун билан яшайдиган, қониқиш гулларини тераётган ҳозирги Америкага ўхшамайдиган бошқа Америка эди.

Фирманинг ёш ходимлари катта шижоат ва хоҳиш билан ишлашади. Бу тушунарли. Ҳали ёш экансан, келажак ҳақида ўйлашинг керак. Бунинг учун фан сирларини эгаллаш, бутун борлигинг билан ишга берилишинг лозим. Бунинг эвазига хизматда кўтарилиш ва моддий таъминлаш юзага келади. Ёшлик журъати ва ғайрати беиз кетмайди. Лекин мен кўпинча бир вақтлар ғайратга тўла одам масъул лавозимни эгаллагач, бирдан ғайрати сўниб қолганлигини кўп кузатганман. У мансабга миниб олгандан кейин ўқимай қўяди, касбий ўсишни ўйламайди, ташаббус кўрсатмайди. У фақат ўзи етишган лавозимни сақлаб қолишга, бошқача айтганда “қулай” яшашга интилади. Бутун кун давомида ишда бўлади (бундай одамни бирор нарсада айблаб бўлмайдигандек туюлади). У: “етар энди”, “энди менга бас”, деб ўйлайди. Хотиржамлик қурти уни аста-секин хароб қилаётганлигини, қия жойдан пастликка қулаб тушаётганлигини пайқамай қолади. Бундайларга ачинасан киши.

“Менга етар” — бундай мулоҳаза юритишга ҳаққимиз йўқ. Мақсадга етишгач, хотиржамликка берилиш — жуда хавфли. Одам ўз олдига янги, янада юқорироқ мақсадни қўйиши керак. Ҳали нимага эришмаганлигингиз ҳақида ўйланг.

Айтайлик, талаба фақат “аъло” ўқишга аҳд қилади. У ўз ниятига етади ҳам дейлик. Бу билан тўхтаб қолиш, қониқиш ҳосил қилиш билан чегараланиш мумкинми? Йўқ. Чунки янада юқорироқ мақсад мавжуддир. Хотиржамликка берилишга йўл қўйманг. Барча фанлар бўйича аъло баҳолар олишга киришинг.

Биринчи бўлиш осон эмас. Ҳаммадан олдинда бўлиш учун ҳаммадан кўп ишлаш керак. Бироқ биринчи ўринни эгаллашдан кўра уни сақлаб туриш қийинроқ. Ўзинг эришган нарсага қониқмай, хотиржамликка қарши курашиш осон эмас. Аввало ана шу туйғуга қарши курашмоқ лозим.

Ялқовлик — ёшлик орқада қолганлигининг биринчи аломати. Ялқовлик иштиёқсизликни тугдиради, иштиёқ сўниши эса ҳаракатсизликка олиб келади. Ҳаракатсизликдан эҳтиёт бўлинг, саъй-ҳаракатни бўшаширманг. Ҳаёт самарали фаолият билан барқарордир, мавжуд бўлиш асоси фаолиятдир. Ҳаракат — ҳаёт шарт, қизгин фаолият ҳаётнинг ўзидир. Ҳаёт йўқ жойда ҳаракат ҳам йўқ. Агар қўл теккизмасангиз ҳеч нарса ўрнидан силжймайди. Ин-

сон яшар экан бир жойда ўтирмайди, фақат бежон кишигина ҳаракатдан қолади.

Ҳамма соҳаларда ҳам шундайдир.

Инсон, жамоа, мамлакат — агар таваккал қилмаса, изланмаса, журъат қилмаса, келажакга умид қилмай қўя қолсин. Бундай одам, корхона, жамоа, мамлакат бамисоли бежон жасадга ўхшайди. Умид — ҳаёт ва ёшлиқдир. Ёшлигини бой бериб қўйганларга ҳамдардлик билдириш мумкин, холос.

Вақтидан олдин қариб қоладиган одамлар, корхоналар бўлади. Бир гал бизга бутловчи буюмлар етказиб берувчи унча катта бўлмаган компаниянинг президенти билан амалий суҳбат қилганим ёдимда. Мени унинг ўз фирмаси нима ишлаб чиқаришидан мутлақо хабарсизлиги ҳайрон қолдирди. Саволларимга у билан бирга келган завод директори жавоб берди.

Бу тadbиркорнинг машинасини қўрганимдан кейин қайғум яна ортди. Унинг машинаси меникидан анча қиммат эди. Мен бундай тadbиркорнинг келажакга борлигига ишонмайман. Чунки фирма президенти ўз ҳаётидан жуда мамнунга ўхшайди. Бу компаниянинг охири вой эканлигига қатъий аминман.

Хотиржамликка берилиш мағлубиятдан дарак беради. “Балким, етар?” — ҳали эҳтимол жисмонан ёш бўлган, лекин ёшлиги билан хайрлашган одамгина шундай дейиши мумкин. Ёшлар бундай йўл тутмайдилар. Бутун кунинг сарфлаб меҳнат қил, ишни қандай бошлаган бўлсанг, шундай ғайрат билан олға бор. Ўз олдинга янги янги мақсадлар қўй. Яшашга шошил.

Энди навбат сиз ёшларга. Бизни қандай келажак кутаётганлиги — сизларга боғлиқ.

Хўжайин ва хизматчи

Шаҳарликлар буни билмаслиги мумкин. Шолিপояда ёввойи тарик деб аталадиган бегона ўт ўсади. Деҳқонлар шолипояни ундан тозалашса, шоли яхшироқ ўсади. Хўжайин ишловчига “далага бориб, ёввойи ўтоқ қил” деб таъинлайди. Ишловчи кун бўйи ўтоқ қилади. Бироқ эртаси кун хўжайин далада яна бегона ўтни учратади. Бу ҳолат бир неча марта такрорланади. Хўжайин ўзи ўтоқ қилишга мажбур бўлади. Далада бирорта ҳам бегона ўт қолмайди.

Нима учун шундай бўлади? Хўжайин учун дала — унинг мулки, у бутун юраги билан ишлайди. Ишловчи учун бу дала бегона, шу сабабли у ҳафсаласизлик билан ишлайди. Сен хўжайин ёки батракмисан — бунинг фарқи жуда катта.

Хўжайин бутун кучини сарфлаб ишлайди. У: “Бошқалар дам олаётганда, мен нима учун ишлашим керак”, деймайди. У далада ҳамма вақт ўзига иш топади, уни мажбур қилиш шарт эмас. Батрак эса ўзига иш изламайди, чунки хўжалик уники эмас. У: “Нима учун анови эмас, мен бу ишни қилишим керак?” деб сўрайди. Қиладиган ишини кўрсатиб қўймагунингча ишни бошламайди. У тезроқ чўзилиб дам олишни ўйлайди.

Мана хўжайин батракдан нимаси билан фарқ қилади. Бугунги кунда социализмнинг иқтисодий тизими муваффақиятсизликка учрамоқда. Бу кўп жиҳатдан эгалик ҳисси йўқлиги билан боғлиқдир. Хусусий мулкчилик тан олинмайдиган жамиятда ҳамма батракдир.

Бизда бу ишни удалабгина қолмай, бошқаларга ёрдам берадиганлар ҳам топилади. Иккинчи томондан эса бошқаларга ёрдам бериш у ёқда турсин, агар қистамасанг ўзи учун ҳам ишламайдиганлар топилади. Гап одам ўзини хўжайин ёки батрак, деб ҳисоблашида.

Биз ҳаминша эгалик ҳисси билан ишлашимиз ва шундай яшашимиз керак. Кимки хўжайинлардек ишласа, у шароитни баҳона қилиб юрмайди. Кимки хўжайиндек яшаса — ижодий яшайди. Унда тиришиб ишлаш ва янгиликка интилиш истаги ҳеч қачон сўнмайди.

Кимки фирмада хўжайиндек ишлаб ўзини унинг эгаларидан бири деб ҳисобласа, кучини аямай меҳнат қилади. Ва аксинча, кимки батрак сифатида фақат иш ҳақи учун ишласа, ортиқча ўзини қийнамайди. Бундай ходимлар билан ҳеч бир фирма муваффақиятга эриша олмайди. Бундай ҳол оилада ҳам, мамлакатда ҳам бўлиши мумкин.

Бу воқеага ўн йиллар бўлди. Ўшанда биз чет элда йирик қурилишни бошлаган эдик. Жазирама кунларнинг бирида офисимиз олдида одамларнинг қатор бўлиб навбатда турганлигига кўзим тушди. Уларнинг кўпчилиги аёллар бўлиб, болаларини орқага опичиб олишган эди. Офтобда туришганидан, ҳамма ёғидан тер қуйиларди. Мен уларнинг кимлигига қизиқдим. Булар эрлари чет элда ишлаётган аёллар экан. Хотинлар кўёш тиғи остида турар, болалар ҳиқиллашар эди. Қабул қилувчи ходим эса сал-

қин хонада ўтирарди. Мен ўзимни ноқулай сеза бошладим. Ахир, булар фирмамиз ходимларининг хотинлариди. Салқин хонада ўтирган тўра эса жаҳлимни чиқарди. Мен баланд овозда: “Қани, ўзинг ташқарига чиқиб, ҳеч бўлмаса беш дақиқа ўтириб кўрчи”, деб бақирдим.

У бўш хона йўқ, деб ўзини оқлай бошлади. Мен унинг баҳоналарини эшитиб ўтирмадим. У бу лавозимга ўзини оқлаш учун қўйилган эмас. Агар у бу шахсий фирмаси, қаттиқ қиздираётган офтобда турган одамлар эса оиласидек эканлигини ўйлаб кўрғанда, бу азобдан қутулишнинг бирор бир йўлини топарди. Ўшанда иссиқда шунча кутиб туришга мажбур қилмасди, ғамхўрлик қиларди. Мен буларнинг барини унга айтдим.

Энг аянчлиси, бефарқ кузатувчи бўлиб туриш. Эгалик ҳисси йўқолганда, инсон совуққонлик ила ишлай бошлайди, ўзи жавоб бермайдиган ишга бефарқ назар ташлайди. Эҳтимол, балки шу сабабли айримлар давримизни заҳархандалик билан “лоқайдлар замони” деб аташлари бежиз эмас.

Хўжайин четда бефарқ тура олмайди. Мана шунинг учун ҳам сиз четдан кузатувчи батрак эмас, балки чинакам хўжайин бўлишингиз керак.

Сиз бошқаларга намуна бўлишингиз, ишга фаол киришингиз, иш йўқдек туюлган жойдан ҳам уни топишингиз керак. “Агар мен бўлмасам, ким қилади?” деган принцип билан яшашингизни истаيمان. Ана ўшандагина ишлаш завқли бўлади, меҳнатингиз самара беради. Қўл учида ишлаб бу завқни туёлмайсиз, ўз меҳнатингизнинг муносиб самарасини кўролмайсиз.

Кўпчилик аълочилар дастурдан илгарилаб кетиб ўтиланларни такрорлашга эринмайдиларгина эмас, балки бўш вақтларида кўп ўқийдилар. Улар бунга ўзлари қилдилар, ҳеч ким бунга мажбур қилмайди, ҳам қийналмасдан ўқийдилар. Шу сабабли уларнинг натижалари ҳам юқори бўлади.

Ёмон ўқийдиган ўқувчиларда ҳамма нарса тескари бўлади. Улар дарс қилишни ёмон кўришади. Уй вазифасини жуда хоҳламасдан бажаришади. Бу улар учун энг оғир меҳнатдир. Ҳатто уй вазифасини ҳам бажармайдиганлар бор. Кимки мажбурий ўқиса ёки ишласа ҳақиқий қувончдан баҳраманд бўлолмайди. Ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди. Интилиши сўнган ва аллақачон ҳамма нарсага қўл силтаган бўлишади.

Ҳеч ким биров учун яшамайди. Ҳаётингиз эгаси — ўзингиз! Ҳаётни бировга ишонишни хоҳлайсизми? Ўз эгалик туйғунгизни сув текин бировга пулламоқчи ва батракка айланмоқчимисиз? Бундай аҳмоқликни асло қила кўрманг. Ўз ҳаётингизнинг эгаси бўлинг. Ҳақиқий хўжайин ўзининг шоли экилган ерини парвариш қилгани сингари тиришиб ўқинг. Ишонч ҳамиша хўжайин томондадир. У батракка тегишли эмас.

Ухлаётган даҳони ким уйғотади?

Сиз машина остида қолган боласини қутқариш учун ожизгина бир аёл машинани кўтарганлигини эшитганмисиз? Энг хавфли сонияда одамларда илоҳий бир куч пайдо бўлади. Инсонда жуда улкан имкониятлар яширинган. Бу куч очилгунга қадар у ҳақда ҳеч ким билмайди. Кимки маълум муддат мудраб ётувчи бу кучни уйғотса ва ундан фойдаланса — муваффақиятга эришади, кимки бунинг уддасидан чиқмаса, одатлагидек яшайверади.

Инсон ўз имкониятларидан атиги 15 фоиз фойдаланади, деб ҳисоблашади. Кимки ундан 20 фоиз фойдаланса — даҳо, ким 30 фоиз фойдаланса — ўз даврининг қаҳрамонига айланади.

Охир-оқибатда, даҳо ёки қаҳрамон, бу, ўзидаги яширин кучларни очган, ривожлантирган ва ундан фойдаланган инсондир. Эдисон, битта кашфиёт қилгунга қадар 200 марта муваффақиятсиз уриниш қилган. У ўзининг ухлаётган имкониятларини узлуксиз равишда уйғотган, ривожлантирган ва ўз мақсадига эришган. Шу тариқа Эдисон даҳога айланган.

Инсонда энг асосий куч — унинг ўзи. Майли, у улкан бойликка, ўлчаб бўлмайдиган ҳокимиятга эга бўлсин. Бироқ исталган бойлик ва ҳокимиятнинг эгаси бўлган инсон дунёдаги барча одамлар каби на жисмонан, на маънан абадий эмас. Агар ўзингни қўлга олмасанг, олдинги бойлик билан яшасанг — эртами-кечми пастга қулайсан. Бошқалар қанчалик илгарилаб борса, сен шунчалик орқада қоласан. Агар олға юрмасанг, карвоннинг охирида қоласан — учинчи йўл йўқ.

Ҳамиша ижодий ривожланиб бориш зарур. “Тараққийёт — ҳаётнинг маъноси”, — деган эди файласуф Бергсон. Барча жонли нарса ривожланади.

Бу — ҳаёт қонуни. Сиз яшаб ўтган йилларингизга қайрилиб назар ташлашингиз, доно ва гўзал инсон бўлиш учун ўзингизни тергаб боришингиз керак. Бошқаларга ҳимматли, ўзингизга эса талабчан бўлишингиз, вазият қомига тушиб қолмаслик, ўзини-ўзи оқлаш балосига дучор бўлмаслик лозим. Кимки ўзини енгса — ҳамма нарсани енгиб ўтади.

Мен ҳамма вақт кам ўқиганлигимдан афсусланаман. Ёшлиқ пайтларим чет элда ўқишни орзу қилардим, лекин ҳаёт бошқача йўл тутди. Балким, шунинг учундир мени ҳаммиша ўқиш ҳақидаги фикр таъқиб этади. Боз устига, кўплаб мамлакатларда бўлиб, одамлар билан учрашганда, ҳамма вақт билимим етишмаслигини ҳис қиламан. Дейлик, чет эллик билан учрашув чоғида у вакил бўлган халқнинг тарихи ва урф-одатларини билмас экансан, гап-гапга қовушмайди. Сиғинадиган Худоси ҳақида ҳеч вақо билмайдиган, у қандай яшашидан, нималарга қизиқишидан хабарсиз одам билан суҳбатлашар экансан, соф амалий масалаларни муҳокама қилиш энгил кўчмайди. Шундай экан, Ислон ва индуизм, Судан ёки Жазоирнинг тарихи ҳамда бир қарашда компания президенти билиши шарт бўлмаган яна кўп нарсалар ҳақида оз-моз билишинг зарур бўлади.

Мана шу боисдан ҳам баъзан чет эл сафарларига профессор дўстларимни таклиф этаман. Самолётда улар менга биз бораётган мамлакат тўғрисида ҳикоя қилиб беришади. Чунки бундан бошқа пайт менда вақт бўлмайди. Афсуски, мен энди лекция тинглаш учун университетларга бора олмайман. Ўқиш эса керак, шунинг учун ҳам буни самолётда бажараман. Самолётда мен ўзим учиб бораётган мамлакатнинг тарихи билан танишаман, у мамлакат жамияти, сиёсий вазияти, мафкураси тўғрисидаги ўз билимларимни бойитаман. Албатта, бундай ўқиш жуда юзаки, бу учиб бораётиб тоғларга назар ташлашга ўхшайди. Аммо шунга қарамай, у кўп нарсалар беришига шубҳа йўқ.

Ҳозирги ёшлар жуда амалиётчи, прагматик, фақат бунгунги кунни ўйлаб яшашади, дейишади. Афсуски, шундайлар бор, бу мени жуда ташвишга солади. Фақат шу дамдаги фойданинг ташвишини қилувчи одам юксала олмайди, янгиликлардан воқиф бўлмайди. Ҳаётга бундай тескари назар ташлаш мана шундай шаклланади, бу айниқса ёшлар учун қайғулидир. Бизда қабул қилинган

билимларни баҳолаш тизими ҳам, қандай қилиб бўлмасин бугунги муваффақиятга эришишга йўналтирилган. Фанни шунчаки ёдлаб олиб, имтиҳонда юқори баҳо олиш мумкин. Лекин бундай ўқувчидан ҳеч нима чиқмайди. У ривожланмайди. Кейинчалик унинг ҳаётида ижодга ўрин бўлиши даргумон. Кўр қорилик касаллиги ижодни бўғади. Кимки кўнгил очар, эрмак китобларни ўқишни ёки телевизор томоша қилишни хуш кўрса, у ўз ўсишини ўйламайди. Бунда ўзини ўзи баркамол қилишга ўрин йўқ.

Эришилган маррада тўхтаб қолиш — бу орқага қайтиш демакдир. Кимки лоқайд ҳаётга интилса, ҳеч муболагасиз тамом бўлган одамдир. У ҳеч нимага эришмайди ва бу унга керак ҳам эмас. Кимки бир жойда ўтирмаса, ўз устида ишласа, тинмасдан янгиликлардан хабардор бўлса, узоққа боради. Жамиятга шундай одамлар керак. Биз мана шундай одамларни излаймиз.

Ўзингга нисбатан талабчан бўл. “Энди етар”, деган гапни ҳатто хаёлингга келтирма. Ҳаётингнинг сўнги дақиқасигача ўзингни қистовга ол. Ҳаракатсиз ҳамма нарса ўлади. Бир жойда туриш орқага сузиш билан баробар. Ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланувчи одамларгина даҳо ва қаҳрамонлар бўлишади. Агар сиз, ёшлар, эришилганда тўхтаб қолмасангиз, ҳар бирингиздаги чексиз уҳлаб ётган кучларни тўлиқ очиб юборсангиз, қаҳрамон, даҳо бўлишингиз мумкин. Буни ёдда тутинг.

Сизнинг ҳар бирингизда талант яширинган, ўз вақтисоатини кутиб даҳо ухламоқда. Агар сиз уни уйғотмасангиз, танангизда ухлаганча ётаверади. Бироқ, агар уни чорласангиз, исталган вақтда у уйғонишга тайёрдир.

Биз боймизми?

Кейинги вақтларда биз анча бой яшайдиган бўлдик. Аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот бугунги кунда 5 минг долларга яқинлашмоқда. Кўчалар машиналар билан тўла, улкан универмагларнинг пештахталари товарларга лиқ тўлган. Гўёки биз чиндан ҳам бойга ўхшаймиз. Лекин исрофгарчилик юқумли касал сингари тез тарқалмоқда. Бу ташвишланарли ҳолдир. Чиндан ҳам, бой жамиятда яшаймиз, лекин бу бойлигимизни ўнгу сўлга совриш деган гап эмас. Ҳа, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот бизда 5 минг долларга яқин. Бу кўрсаткич

Япония ва Тайванда ҳам шундай. Бироқ, реал олганда бизнинг 5 минг долларимиз Япония ва Тайвандагига қараганда мутлақо бошқа миқдордадир, деб ўйлайман. Агар инфляция даражасини ва воннинг долларга нисбатан курсини ҳисобга оладиган бўлсак, аслини олганда бизнинг ялпи миллий маҳсулотимиз 2 минг доллар. Такрор айтаман: реал ҳисоблаганда ялпи миллий маҳсулотимиз 2 минг доллардан ошмайди!

Шу билан бирга, биз истеъмол даражаси бўйича Япония ва Тайвандан ҳеч қолишмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, биз даромадимизга қараганда ҳаддан ташқари кўп сарфлаймиз. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

Агар одам 2 минг доллар даромад қилсаю 10 минг сарфласа бунинормал ҳол деб бўладими? Даромади икки минг доллар бўлган одам икки мингдан кам сарфлаши керак. Ушанда у нормал турмуш кечираётир, дейиш мумкин.

Мен жамғариш тўғрисида гапириб ўтирмайман. 10 минг доллар сарфлаш! Бу жуда аянчлидир. Ҳозир бизда топишига қараб яшаш йўқ. Бу ташвишлангирмаслиги мумкин эмас. Биз камбағаллик ва қашшоқликдан қачон қутулдик? Бу эндигина тетапоя бўлаётган болаларни югуришга мажбур қилиш билан баробардир. Қанчалик афсусланарли!

Кўп пул ишлаш — жуда яхши, лекин пулни сарфлай билишнинг аҳамияти ундан кам эмас. Пул катта қийинчилик билан топилганда уни совуришмайди. Кимки, у қандай машаққат эвазига топилганлигини билса, уни ақлсизларча сарфламайди. Қисқа қилиб айтаман: пулни совуриш — ўз меҳнатини қадрламаслик демакдир.

Иккинчи томондан, энгил топилган пул энгил кетади. Бу жуда оддий: улар тер тўкиб топилмаган. Мана ўйланмаган харажатлар қандай ўсмоқда.

Бизнинг бугунги ўйламасдан пул сарфлашга бўлган майлимиз нимани англатади? Одамлар ўз меҳнатини қадрламай қўйганлигини, пуллар қандай машаққат билан топилганлигини унутганликларини англатмайдими? Ёки бўлмаса, энгил, шунчаки ҳазиллашиб, унчалик жон койитмай пул топаётган одамлар кўпайиб кетдими? Унисини ҳам, бунисини ҳам жуда афсусланарлидир.

Мен биз яшаётган даврни жуда муҳим давр деб ҳисоблайман. Бу бекор ўтирмасдан ишлайдиган замон дегани. Биз ора йўлда турибмиз: ё иқтисодиётни янада ривожлантириб илғор мамлакатлар сафига киримиз ёки бир жойда депсиниб тураверамиз.

Ҳозир ватанпарварлик, фидокорона меҳнат қилиш тўғрисида ўйлашнинг айна мавриди. 60-70-йиллар руҳини тиклаш зарур. Ватан фаровонлиги учун яна кучни аямай ишлаш, ўша йиллар ғайрат-шижоатини эсга олиш, меҳнатсеварлик ва камтаринлик анъаналарига қайтиш лозим.

Япония бизга қараганда анча бой, лекин бу мамлакат халқи тежамкор ва камтариндир. Бутун жаҳонга таниқли йирик компанияларнинг раҳбарлари умумий майдони 30—40 пхен бўлган кичкина уйларида яшашади. Анжомлар ҳам оддий 100 миллион иендан ортиқ даромад қилувчи йирик “Тосиба” концерни раиси майдони 25 пхен бўлган камтарин уйда яшайди, у ойига 150 минг иен сарфлайди. Бизда эса унча катта бўлмаган компаниянинг раиси энг яхши мебель билан жиҳозланган 100 пхен майдонни эгаллаган уйда яшайди.

Улар жамғаришга, бойлик тўплашга қандай муносабатда бўладилар? Япон халқи жаҳондаги энг тежамкор халқдир. Мана шу тежамкорлик руҳи Японияни дунёнинг энг бой мамлакатига айлантди.

Ҳамма вақт, ҳамма нарсани ўрганиш зарур. Биз япон халқидан камтарлик ва пул тўплашни ўрганишимиз лозим. Биз ўз қилигимиздан уялишимиз керак.

Истеъмол истеъмолни туғдиради. Кимки кўп сарфласа, ўз одатининг қулига айланади. Шу боисдан, аввал бошданоқ камтарин бўлиш керак. Агар катта-катта сарфлай бошласанг — ўзингни тўхта олмайсан, харажат қилмасдан тура олмайсан. Кимки дангиллама уйда яшаса, кичкина уйга кўникиши қийин бўлади. Енгил автомобилда юриб ўрганган одам жамоат транспортида ўзини нохуш сезади. Сарф-харажат янги сарфларни келтириб чиқаради.

Пулни бундай палапартиш сарфлаш нимага олиб келади? Агар истеъмол даромадлардан ортиқ бўлса ва одатга айланса, одам қийин аҳволда қолиши мумкин. Агар аҳолининг истеъмоли мамлакат даромадидан ошиб кетса, ҳаддан зиёд истеъмол бутун жамиятни ўраб олса, бу давлатга хавф туғилади.

Офат пулни ўйламасдан сарфлашдан иборат эмас. Агар ортиқча сарфлаш тенденцияси давом этса, у жамият онгига таъсир кўрсатади. Бу одамларда ишлашга бўлган рағбатни йўқотади ва кўпчилик кўнгилочарликка берилиб кетади. Улар ишлаш ўрнига вақтни хуш ўтказиш ҳақида

кўпроқ ўйладилар, ўз ялқовликлари асири бўлиб қоладилар, камтарлик ва меҳнатсеварликни унутадилар. Ҳаётини аста-секин узлуксиз яхшилаш, бойликка бойлик қўшиш ўрнига бирданига “катта” пул ишлашга интиладилар. Бу инсонни, бутун жамиятни айналадиган йўлдир.

Бизда пулни гўёки қувурдан оқаётган сув каби сарфлашади. Жамият пулхўрлик касалига йўлиққан, ўзига келиш фурсати етди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бу ақлсизлик жамиятнинг бой табақаларида рўй бермоқда. Бу касалга юқори поғонадаги бемор жамиятни тўғри йўлдан бошлашга даъват этилганлар дучор бўлган. Касаллик жамиятнинг турли табақалари ўртасидаги бўшлиқни кучайтирмоқда, “бойвачча” табақа тобора аниқ кўринмоқда. Бир қутба оила ҳар бир аъзосининг машинаси бўлса, иккинчи қутба ҳатто тунда бемалол ухлолмай тор кулбада жон сақлайди. Бир тарафда йигит-қизлар кун бўйи гольф майдонларида санқиса, иккинчи тарафда камбағалликдан бемажол ҳолга келган тенгдошлари ўз жонига қасд қилишмоқда. Бу ташвишли ҳолатлар жамиятни ичдан кемиради.

Бойлар ҳеч бўлмаса бир поғона пастга тушишлари лозим. Ўзларининг ўйламай сарфлашларига чек қўйиб камбағаллар ҳақида қайғуришлари, ўзларининг ҳисобсиз бойликларини баҳам кўришлари керак. Умумий фаровонлик ҳақида ғамхўрлик қилишни тиклаш зарур. Бойлар борини камбағаллар билан бўлишиши лозим. Жамиятнинг турли табақалари ўртасидаги бўшлиқни аста-секин бартараф этиб бориш зарур. Агар бойлар “менинг пулимга кимнинг нима иши бор”, “қандай хоҳласам, шундай сарфлайман”, деган принципда яшайдиган бўлсалар, бутун жамият хавфга йўлиқиши муқаррар. Ўйланмаган айш-ишрату турли ижтимоий табақалар ўртасида тўқнашув келиб чиқиши — биз қаттиқ меҳнат билан эришган ҳаётни хавф остига қўяди.

Кўп йиллар бурун фирмамизнинг бир ходими ишдан кетишга мажбур бўлди. Воқеа бундай бўлган эди. Бу ходимимизнинг хотини қимматбаҳо пальто кийиб юра бошлади. Мен у фирмадан оладиган пулига хотинига ҳеч қачон бундай пальто олиб бера олмаслигини билардим. Бунинг устига, унинг яна иккита машинаси бор эди. Бошқача қилиб айтганда, у ўз пешона тери билан топилган пулга яшамас эди. Жуда ҳашаматли яшарди. Биргина маошга бундай яшаб бўлмайди. Демак, ғайриқонуний даромад

манбаи бор. У харидлар бўлимида ишларди. Унинг хатти-ҳаракати ходимларда шубҳа туғдирди. Фирма ходимларининг фикрини рад этиб бўлмасди. Мен уни ишдан бўшатишга қарор қилдим ва тезда бу ишни амалга оширдим. У шундай қилиб фирмамизни тарк этди.

Кимгаки лавозим берилган бўлса, ундан талаб шунча юқори бўлади. Биз нимагаки эга бўлсак, уларни бизга жамият берган — мол-мулкни ҳам, обрў-эътиборни ҳам, ҳокимиятни ҳам. Аммо булар жамият фаровонлигига йўналтирилиши керак, чунки жамият уларни бизга фақат вақтинча “ишониб топширган”. Христиан диний таълимотидаги “ходимнинг онги” ҳақида сўзлаб берганлигимни бир эсланг.

Сўнгра, сизга қанчалик ишонишса, шу қадар камтар бўлинг. Бошқалардан кўпроқ ишлаш, ўзингизнинг бутун саъй-ҳаракатингиз билан жамиятга хизмат қилиш намунасини кўрсатинг.

Ҳа, биз бой жамиятда яшайпмиз, лекин исрофгарчилик фурсати ҳали келган эмас. Биз гўёки чорраҳада турибмизу қаёққа йўл олишни ўйлапмиз: ё илғор мамлакатга айланамиз, ёки эришилганга қаноат қилиб, бир жойда депсиниб тураверамиз. Янада тараққий қилиш йўлида пулни айш-ишратга совуриш ва ялқовлик ётибди.

Мен сизни яна бир бор меҳнатнинг ҳақиқий қадрини тушуниб етишга, ўзингизга ва ҳаётга янгича қарашга чақираман. Келажакда гуллаб-яшнаш учун тежамкор бўлайлик. Бўлғуси авлодларга бой ва барқарор мамлакатни мерос қилиб қолдириш учун камроқ сарфлайлик, камтароқ бўлайлик, янада куч-ғайрат билан ишлайлик.

Шакл ва мазмун

Чет элликлар ресторанда тушликдан кейин қолган овқатни ўраб беришни сўрашади. Бундай ҳолатни фақат чет элдагина эмас, бизнинг мамлакатимизда ҳам кузатиш мумкин. Биз эса жуда кўп овқат буюриб, уларнинг ҳаммасини емасдан туриб кетамиз. Бошқалар қолган таомни ўраб беришларини сўрашади, биз эса ҳатто бу сўзларни айтишдан уяламиз. Бу қадр-қимматимизни туширади, деб ўйлаймиз. Бизни қашшоқ ёки бачкана одам деб ўйлашларидан қўрқамиз-да.

Қолган таомни ўраб беришларини илтимос қилган ҳамма чет элликлар наҳотки зикна ва ҳасис бўлишса? Агар бир ўтиришда ея олмаганларини олиб кетишаётган экан, наҳотки улар биздан камбағал бўлса? Улар ҳақи тўланган таомни олиб кетишлари билан ўз қадр-қимматларини тушироқдаларми?

Билмайман, балки мен ҳақ эмасдирману, лекин биз кўз-кўз қилишни яхши кўрамиз. Биз бўяб кўрсатишни яхши кўрамиз. Одам қанча кам билса, бурни шунча кўтарилди. Чўнтаги бўм-бўш юради, пулини совуради. Албатта, ҳамма ҳам шундай эмас. Лекин кўплар чиндан ҳам моҳият ҳақида ўйлашмайди, балки ташқи безакнинг ортидан қувишади. Иш ўрнига чиройли гап қилишади. Ичи бўм-бўшу, ташқи кўриниши бинойидек. Маънан қашшоқ бўлгани ҳолда, ташқи пардози зўр бўлганларни кўриб хафа бўлиб кетасан, киши.

Мен ёшларимиз шундай бўлишларини истамайман. Ташқи пардознинг ортидан қувиш ёшликнинг иши эмас. Ёшлик, бу — бу маънавий оламинг ҳақида ғамхўрлик қилиш давридир. Инсоннинг ҳақиқий қадрияти ва гўзаллиги ташқи кўринишга қараб эмас, балки у нимани билиши ва қила олиши билан белгиланади. Ташқи гўзалликнинг умри қалта ва салмоғи пастдир, инсоннинг ички мазмуни у билан ҳамшиша бирга юради. Қуруқ арава шалдирайди, ичи тўласи эса шовқинсиз юради.

Ёшлар тез таъсирланувчан бўлишади. Улар ялтироқ нарсаларга, ташқи безакларга осонлик билан майл қўйишади. Ёшлар ашулачилар ёки артистлардек кийинишни, уларнинг қилиқларига тақлид қилишни яхши кўришади. Кўпчилик йигит ва қизлар санъат ходимлари бўлишни исташларига ҳам мана шу сабабдир. Ёшларни артистларнинг кийими, яшаш тарзи ўзига тортади. Шу сабабли ёшлар уларга тақлид қилади. Артистлар оламида нима бўлаётганлиги ҳақидаги ғийбатлар ҳам гоҳо ўзига хос модага айланади, энг янги “янгилик”дан хабарсиз йигит ёки қиз даврада ўзини гоҳо ноқулай сезади.

Менга ҳам у ёки бу қўшиқ, айрим артистлар ёқади, бунинг ҳеч бир иснодли жиҳати йўқ. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, ёшлик — инсон ҳаётидаги энг мароқли, қисқа дамлардир. Шу сабабли сизга маслаҳатим: бундай қимматли вақтни бекорга совурманг. Барча ташқи нарсалардан

лар ўткинчи, барча ички нарсалар эса — абадийдир. Ёшлик йилларида маънавияти бой бўлиш учун кўпроқ қайғуриш лозим.

Ташқи чиройнинг орқасидан қувманг. Заҳарли кўзиқорин кўринишдан ейиладиган кўзиқориндан чиройли бўлади. Бироқ алданиб қолма. У — заҳарли. Есанг — заҳарланасан.

Сохта тош ҳамisha табиий қимматбаҳо тошдан чиройлидир. Уни табиий тошдан ажратиш қийин. Бироқ у табиий тошга қараганда кўпроқ ярақлагани учун ҳам сохта бўлади. Сохта тош одамларни мафтун қилиши керак. Лекин ўзингизни алдашларига йўл қўйманг — у қалбакидир.

Тунги тувак қанчалик чиройли ва нафис бўлмасин, у ҳамма вақт табиий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган бир идишдир. Сиртдан қараганда кўпол, беўхшов гултувак ўзида гўзалликни сиғдиради. Ташқи кўринишга қараб баҳо бериб бўлмайди. Нарсаларнинг ички моҳиятига қараш лозим.

Менинг сизларга берадиган маслаҳатим шуки, ташқи кўринишга эмас, ички мазмунга эътиборни қаратинг. Энг аввало сўздан кўра иш муҳимдир. Сўз билан эмас, иш билан исбот қилиш керак. Айтилганларни иш билан исбот қилиш, сўз ва иш бирлигига эришиш даркор. Агар айтганингиз амалга ошмаса, бундай сўзнинг қадри бир пул. “Намуна кўрсатиш — энг яхши устоз” деган мақол бор. Бу юз марта гапиргандан кўра бир марта кўрсатган афзал демакдир.

Суданда “ДЭУ” фаолиятини меҳмонхона қуришдан бошлади. Қурилиш майдони Судан президенти Нимейри қароргоҳининг шундоққина қаршисида эди. Ўша пайтлар Судан ҳукумати бизнинг мамлакатимиз билан алоқаларни унчалик хушламас эди. Балким Ёшлар саройи қурилиши учун Суданга ўз қурувчиларини юборган Шимолий Корейанинг таъсири бўлган бўлса ажаб эмас. Ўша пайтлар Судан Шимолий Корея билан мустақкам алоқа ўрнатган, биз билан эса ҳали дипломатик муносабатлар йўқ эди. Исталган нуқтаи назардан вазият мураккаб эди.

Шунда мен “Агар ушбу имкониятни бой берсам — Суданни бошқа кўрмайман”, деб ўйладим. Мен сўз билан эмас, иш билан ишонтиришга ҳаракат қилдим. Мен бу масалада ўзимга қаттиқ ишонар эдим.

“ДЭУ” вакиллари бутун кучларини меҳмонхона қурилишига сарфлашди. Тунлари прожекторлар ёруғида ишладик. Натижа тезда ўзини кўрсатди: қурилиш тез суръатлар билан борди.

Эҳтимол, Нимейри Ёшлар саройини тиклаган Шимолий Корея қурувчилари билан меҳмонхона қурган “ДЭУ”ни қийслаб кўргандир. Ўйлайманки, у қўшниларникидан анча юқори бўлган бизнинг техникамиздан ҳайратланган бўлса керак.

Сўз инсонни бирор нарсага ишонтиришнинг энг зўр усули эмас. Албатта, сўз ҳам керак. Бироқ энг самимий сўзлар иш билан исботланмоғи зарур. Ўз фикрингни содда баён қила билиш лозим. Одамни сўз эмас, иш йўлга солади. Сўз билан ишонтириб ҳамisha ҳам мақсадга эришиб бўлмайди, амалий ишлар билан ишонтирсанг, муваффақиятдан шубҳаланмасанг ҳам бўлади. Мен сўзи билан иши бошқача бўлган одамларга ишонмайман. Агар сенга ишонишларини хоҳласанг, чиройли гапирмай бунини иш билан исботла.

Ташқи кўриниш ҳақида эмас, балки ички олам ҳақида ғамхўрлик қилиш оёқда дадил туриш демакдир. Бу оламда ташқи чиройни эмас, балки укувни, ишда ўз аксини топган собитликни қадрлашади. Одамлар қўлидан бирор иш келадиганни ҳурмат қилишади, аравани қуруқ олиб қочадиганларга эса ишонмайди.

Иш одами бўлиш лозим. Ёшлик йиллари фан ичига шўнғиш, кенг билимга эга бўлиш, фикрлашни ўрганиш, мутахассисликни ўзлаштириб олиш керак. Бизга жуда кам вақт берилган. Агар бугун кўнгилхушликка бир дақиқани сарфласанг, эртага уни ўйлаб бир соат хўрсинасан.

Бугун бизда 100 минг аҳолига 2500 талаба тўғри келди. Бу етмишинчи йиллардагидан тўрт баравар кўпдир. Шундай қилиб, бизда ҳар йили 250 минг киши олий таълим олади. Лекин иш ҳаммага ҳам етавермайди. Ҳар бир киши ўзига муносиб иш топиши учун яна кўп ҳаракат қилиши зарур.

Сиз рақобат замонида яшаяпсиз. Бировнинг кўзига яхши кўринишдан бошқа нарса қўлидан келмайдиганлар ҳеч кимга керак эмас. Бизнинг кунларимиз ишбилармон одамларнинг давридир. Ўз қобилиятларингизни ривожлантиринг, ҳаётнинг бир чеккасида қолиб кетмаслик учун билимларни эгалланг.

Агар ёшлар ишбилармон одамлар бўлиб етишсалар, мамлакатимиз равнақ топади. Бунинг акси бўлса — бизни нима кутиши номаълумдир. Келажак сизларнинг қўлингизда. У ёрқин бўладими ёки булутли бўладими — сизларга боғлиқдир. Шалди роқ арава каби ичи бўш бўлманг. Тинимсиз меҳнат қилинг, уқувли ва ишончли одамлар бўлиб етишинг. Илоҳим, биз мамлакатимизни ишониб топшираётганларнинг қўллари забардаст бўлсин.

Хотима

Ёшлик чексиз-чегарасиз имкониятлар палласидир. Биринчи қарашда ёшлик болаликдан етукликка ўтишнинг қисқа давридек туюлади. Лекин бу даврнинг ҳар бир киши ҳаётида муҳим ўрин тутиши йиллар сони билан ўлчанмайди. Бутун кейинги ҳаёт пойдевори ёшлик йилларида қўйилади. Сизнинг ҳаёт йўлингиз йўналиши, ҳаётда ўз ўрнингизни топиш-топмаслигингиз ёшлигингиз қандай кечиши билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам мен ёшлик тўғрисида имкониятлар палласи сифатида гапиряпман. Бу имкониятларнинг ўзига яраша мусбат ва манфийлари, ижобий ва салбий жиҳатлари, умид ва умидсизликлари бор. Одам юқорига, мусбат томонга, нурга борадими ёки пастга, зулматга, манфий томонга кетадими — буни ёшлик йилларини қандай ўтказганлигингиз ҳал қилади. Ёшлиқда ҳар иккала эшик очиқ бўлади. Қайси эшиқдан кириш сизга боғлиқдир.

Мана шунинг учун ҳам биз ёшларни жуда диққат билан кузатиб борамиз. Мен мамлакат кимнинг қўлига ўтишига бефарқ қарамаган, талбиркорлик соҳасида анча-мунча тажриба орттирган кекса авлод вакили сифатида сизларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, сизда бугун сон-саноксиз имкониятлар яширинган.

Ёшлар орзу қилишлари керак. Тарих — орзу-хаёлларга берилувчанларникидир. Фақат орзуларга тўлиқ одам, бундайларни қадрловчи жамият, орзу қила биладиган миллатгина бутун жаҳон тарихининг олдинги сафида бўлиши мумкин. Сизнинг орзуингиз нурли, булоқ сувидек мусаффо бўлиши керак. Ҳам улугвор бўлиши лозим. Фақат бир ўзингизнинг манфаатингизни кўзловчи орзу — бу, сизнинг орзуингиз эмас. Ёшлар коинотнинг ўзи каби кучиб

бўлмас орзулар қанотида яшаши даркор. Сизнинг қалбингиз буюк идеаллар билан тўлиқ бўлиши керак. “Агар ёшлар орзу қилмас экан — бу унинг учун маънавий ўлим билан баравардир”, — деган эди таниқли файласуф. Ёшлар, орзу қилинг! Сизнинг орзуингиз соф, улугвор ва ёрқин бўлиши тарафдориман.

Ёшлар ижодий фикрлайдилар. Кимки ижодий фикрласа ва ўзи ҳам ижод қилса, у тарихни яратади! Ижодиёт, новаторлик руҳи ҳукмронлик қилган жамият, миллат ўлмайди. Ёшларга фаоллик, ҳаётсеварлик билан фикрлаш хосдир. Шу сабабли ёшлар ҳамиша олдинда. Фаол ва амалиётчи ёш инсон доимо келажакка талпинади; бориға қаноат қилиш, мақтовларга бурканиш ёшларнинг иши эмас. Ёшларнинг нигоҳи келажакка, айна вақтда бутун дунёга қаратилгандир. Унинг учун чексиз-чегарасиз дунё билан келажак ўртасида фарқ йўқ. Дунё ва келажак яхлит бўлиб ифодаланади. Ёшлар бефарқ кузатувчи бўлишни хоҳлашмайди. Хўжайин бўлишни исташади. Унда эгалик ҳисси борлиги бизни қувонтиради. Улар ижодий фикрлайди. Ҳамиша фаол бўлинг, қулоч етмас оламга ва ниҳоясиз келажакка талпининг.

Ёшлар журъатли бўлиши керак. Тарих дадиллик ва жасурлик туфайли ҳаракатда. Дадиллик қилувчи ҳамиша муваффақиятга эришади. Ёшларнинг ўзига ишончи зўр. Шу сабабли у таваккал қилишни севади, мағлубиятлардан қўрқмайди. Кимки муваффақиятсизликлардан қўрқса — у ўз ихтиёрига кўра ёшлик билан хайрлашади. Ёшлик мисли кўрилмаган юксакликларни забт этиш истаги билан ёнади. Ёшлар ўйланганни амалга ошириш, орзуни ҳақиқатга айлантириш учун билимларни эгаллайдилар, тинимсиз меҳнат қиладилар.

Ишонч, ирода, куч-қувват, таваккал қилиш, мақсадга интилувчанлик, кашфиёт, куч-ғайрат — ёшларга хос фазилатлардир. Итоатгўйлик, ожизлик, хотиржамликка берилиш, таслимчилик, мослашувчанлик, муваффақиятсизликлардан қўрқиш ёшларга хос эмас. Ёшлар, дадиллик кўрсатинг! Ҳеч нимадан ҳайиқманг, журъатли бўлинг!

Ёшлар фидокор бўлиши лозим. Тарих ўзини фидо қилишга тайёр одамлар туфайли олға боради. Бир авлоднинг ўзини, ўз манфаатларини қурбон қилишисиз кейинги авлоднинг гуллаб-яшнаши ва ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди.

Ёшлар олий миссияга тайёр бўлишлари керак. Ҳар қандай оғирликни ўз зиммасига олишга тайёр одамгина қалбан ёшдир. Бу, айниқса, бизнинг кунларимиздаги ёшларга тегишлидир. Биз энг илғор давлатлар қаторига кириш арафасидамиз. Бизнинг авлод ўз миссиясини бажарди, кўплаб қурбонлар эвазига мамлакатни мана шу ҳолатга келтирди. Бўсағадан ҳатлаб ўтишни биз сизга топширамиз. Агар сиз қурбонларга, бу улуг миссияга тайёр бўлмасангиз, остонада қоласиз, уни босиб ўта олмайсиз. Лекин ҳеч ким бунга истамайди. Шу боисдан қурбонларга тайёр бўлинг. Келажак учун, бўлғуси авлодлар учун ишланг.

Ёшлар бир-бирларига суянишлари лозим. Одамлар биргаликда яшашга даъват этилган. Ҳеч ким ўзича яшамайди. Худбинлик уятдир. Ёшлар худбинлик ва олчоқлик вируси билан касалланмаслиги керак. У ўзидан кўра бошқаларни кўпроқ севиши, ўз манфаатидан кўра жамият манфаати ҳақида кўпроқ қайғуриши керак. Кимки ўз худбинлиги қулиға айланган бўлса, ундай одам қариган. Ёшлар имон қадрини билади. Жамият манфаатлари учун, жамиятни деб яшайди. Ёшлар ўз халқининг урф-одатлари ва анъаналарини кўз қорачиғидек асрайди. Шахсий бойишдан йироқ, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши улар учун ҳамма нарсадан аълодир.

Ёшлар зимистон хонадаги орзу қилувчилар эмас. Қоронғулик уларга бегона. Ёшларнинг ўрни — кенг майдонда. Улар бу ерда қўлни-қўлга беришади. Бу ерда кераксиз “Мен”ни итқитиб ташлайдилар ва “Биз”га айланадилар. Ёшлар худбинлик ва олчоқликдан қочинг, келажакка муҳаббат ва ишонч билан яшанг.

Ёшлар адолатпарвардир. Менинг авлодим одамлари қанчалик ҳаракат қилмайлик, ҳамиша ва ҳамма вақт адолат принципларига амал қилиб бўлмасди. Баъзан “иш учун” ёлғон гапиришга, баъзан дилинг хоҳламайдиган ишни бажаришга тўғри келарди. Сиз бу жиҳатдан яхши аҳволдасиз! Ҳамма вақт ўзингизнинг виждонингиз олдида соф қолишга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Бирон-бир яхши ишни амалга оширмақчи бўлсангиз, ўзингизга иттифоқчилардан энг яхшисини — адолат ҳиссини чорланг.

Ёшлар камтариндир. Ҳамма жойда ўзингизнинг “Мен”-ингизни рўқач қилсангиз, узоққа боролмайсиз. Ишдаги муваффақиятлар ва ўз шахсингизнинг ривожланиши

машқда туғилади. Шоли дони етилгач, бошоқлар ерга эгилади. Биз қанчалик кўп нарса билсак, шунча камтарин бўлишимиз керак. Билим ҳамма жойда қадрланади. Биз яшашни қўли билан пешонасидаги терни артувчи деҳқондан, ҳамма ёғини мой босган ишчидан, наҳорда туриб нонушта тайёрловчи меҳрибон оналардан ўрганамиз. Ҳамма жойда муаллимларимиз бор. Биз ҳамма нарсага қулоқ тута билишимиз керак. Шундай экан, кеккайишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, устозларга қуллуқ қилинг ва ҳамма нарсани улардан ўрганинг.

Мундарижа

Муқаддима 5

I

Тарих — орзумандларникидир 7
 Оптимист бўлмоқ зарур 10
 Қарорни мен қабул қиламан 16
 Қулайликларга одатланиб қолманг 20
 Мутахассислар 24
 Карикатура ва реклама 28
 Менинг устозларим 32
 “Найн ту файв ва файв ту найн” 36
 “Мен — аёлман” 40
 “Кафе очиш” шартми? 44
 Қуёш Шарқдан чиқади 48
 Кечқурун гоҳо икки маҳал овқатланаман 52
 Мен нимага қизиқаман 55

II

Агар биз бўлмасак — ким? 60
 Барча истаклар рўёбга чиқадиган олам 64
 Ҳамма жойда пешқадам бўл 66
 Бизни жаҳон чорламоқда 68
 Илдизи бақувват дарахт 71
 Катта сарф-харажат ва кичкина тежамкорлик 74
 Қўл билан ўйнаш — қоидани бузишдир 77

“ДЭУ”ни ким бошқариши керак?	80
Биз ҳаммамиз — корейслармиз	84
“Жамият” отлиғ китоб	87
Одамлар орасидаги муносабатлар	90
Пул топиш ва пул сарфлаш	93
Барча бирга яшайдиган олам	97

III

Бизнеснинг буюк олами	102
Бизнинг бахтимиз нимада?	105
Менинг шаъним	108
Қарсақлар, қарсақлар...	110
Ҳаётда муносиб ўрингиз бўлсин	112
Эгаллаб олишми ёки эришиш?	115
Ижодкор озчиликнинг кучи	118
“Эҳтимол, етар энди?”	120
Хўжайин ва хизматчи	123
Ухлаётган даҳони ким уйғотади?	126
Биз боймизми?	128
Шакл ва мазмун	132
Хотима	137

Ким У Джуңг

**ЭТОТ ВЕЛИКИЙ МИР
БИЗНЕСА**

На узбекском языке

Издательство “Ўзбекистон”,
700129, Ташкент, Навои, 30.